

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

Тошкент Давлат шарқшунослик институти

О.Н. ШОМАТОВ

Жанубий Осиё тилларига кириш

(3 – ³ исм)

Тошкент - 2004

Ўзбек шарқшунослиги қўламида ва ҳинд тилишунослиги тарихида биринчи бор давлат тилимизда ёзилган, ушбу асар ҳозирги ҳиндишуносликнинг энг долзарб муаммоларига бағишланган.

Асарда Жанубий Осиё минтақасида жойлашган тил оилалари хусусида асосий лингвистик ва экстралингвистик маълумотлар, уларга нисбатан янги илмий-назарий ва методологик ёндашувлар, ушбу минтақа ва Марказий Осиё ўртасидаги тарихий алоқаларнинг тил, адабиёт ва маданият соҳалари юзасидан кўп йиллар давомида муаллиф томонидан ўтказилган кузатишлардан ташқари мазкур минтақанинг тарихи ва мифологияси ҳамда энг нуфузли тилларидан бўлмиш ҳиндий ва урду тилларининг тарихий ривожланиши мобайнидаги ҳамда ҳозирги замон грамматик тизими, сўз бойлиги ва услубиётига тегишли чуқур ва атрофлича олиб борилган илмий изланишларнинг яқунлари эълон қилинади.

Шу билан бирга асарда давлат тилимиз билан таққосланган ҳолда мазкур минтақа тилларига хос энг замонавий асосий тил ва маданий жараёнлари ҳам илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинади.

Монография ҳинд филологияси билан шуғулланувчи ва кизиқувчи илмий ходимлар ва илму фан соҳиблари ҳамда мударрис ва ўқитувчилар ва, шунингдек, ўқувчилардан бакалавр, магистр ва аспирант даражасидаги талабалар хизматларига тақдим этилади.

Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш (2-қисм). -Т.: ТошДШИ нашриёти, 2004, 152 б.

Масъул муҳаррир: фил.ф.д., акад. **Насматулла ИБРОҲИМОВ**

© Тошкент Давлат шарқшунослик
институту, 2004

УЧИНЧИ БОБ

Жанубий Осиё тиллари тарихи ва мифологияси

УЧИНЧИ БОБ

Жанубий Осиё тиллари тарихи ва мифологияси масалалари

3.1. Энг қадимги ҳинд тиллари мифологияси

3.1.1. Кириш

Ушбу маълумотлар замирида талабаларни Жанубий Осиёнинг қадимий маънавий мероси билан таништириш мақсади ётади. Шунингдек, мазкур маданият пойдевори бўлмиш дравид ва ҳиндорий халқларининг қоришма маданияти негизлари билан яқиндан таништириш ҳам ўринлидир. Негаки, бу негизлар ҳозирги ҳинд тиллари ва адабиётини бойитувчи асосий манба бўлиб қолганлиги боис, уларни тушунмасдан, ҳиндларнинг мафкураси, фалсафаси, психологик хусусиятларини англаб олиш кийин бўлади.

Шунинг учун биз бу ерда ҳинд тиллари ва мифологиясининг энг қадимий қатламлари бўлмиш протоҳинд ёзувлари (Ҳинд дарё-си водийсидаги Хараппа, Мохенжо-Даро ва бошқа ҳудудлар маданиятига оид матнлар) билан қолаверса, «Ведалар» ва сўнгги «Ведалар» мифологияси ҳамда «Махабхарата», «Рамаяна», шунингдек қисман «Пурана»лар каби эпик асарлардаги афсоналар билан яқиндан таништирмоқчимиз.

3.1.2. Ҳинд дарёси водийсининг шаҳар маданияти

Бу маданият Хараппа ва Мохенжо-Даро тараққиёти номи билан эрамиздан аввалги III минг йилликлардаёқ жуда юқори тараққиётга эришган. Аммо ўша даврга мансуб адабиёт хусусида ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Негаки, ўша давр ёзувлари ҳанузгача ўқиб чиқилмаган, деб саналади. Мазкур, ёзувлар тарқоқ, қисқа белгилардан иборат бўлиб, изчил адабий матнлар бизгача етиб келмагани сабабли уларни тўлиқ ўрганиб чиқмасдан, қадимги Хараппа адабиёти ҳақида қўп маълумотларга эришишимиз амри маҳол.

Ўша шаҳарларда топилган тасвирий санъат обидаларидан муҳрларга битилган нақшлар, ҳайкалчапар ва бошқа топилмаларга эътибор берсак, айни пайтда инсон кийёфасидаги маъбудалар ва улардан ҳам илгари ҳайвонлар ва дарахтларга сиғиниш

маросимлари билан боғлиқ жуда ривожланган маданият мавжуд бўлганлигига амин бўламиз.

Баъзи бир муҳрларда шохли уч юзли (ёки тўрт юзли) маъбуд тасвирлари учрайди. Бу маъбуд мазкур кадимги шаҳарларда ўзига хос диққат-эътибор билан эъзозланганга ўхшайди. Эҳтимол, бу давлат миқёсида эътиборли маъбуд бўлган бўлса ажаб эмас. Тасвирлардан бирида биз бу маъбуднинг чордона қуриб, товонларини қовуштириб ўтирганини кўриб, бу ҳолат азалдан тасвирларда сақланиб келган, эндиликда ҳозирги ҳинд йогалари раҳнамосининг киёфасини эслатади. Унинг тўрт томонидан турли ҳайвонлар – фил, қўтос ва каркидон қуриша олган бўлиб, оёқлари остида иккита кийик тасвири туширилган. Бу киёфа орқали сўнгги даврлардаги Будданинг Банорасдаги насиҳат қилаётган тасвири билан яқинлиги кўзга ташланади.

Баъзи бир манбаларда бу маъбуд ҳосилдорлик худоси сифатида тасниф этилади. Бу давр цивилизациясининг дастлабки ўргатувчиларидан Ж. Маршалл фикрича, бу «Прото-Шива» деб таъбирланади. Таъкиқатдан ҳам, унинг киёфасидаги кўп томонлар унинг кадимги ҳинд олий маъбудининг прототипи эканлигини, жумладан, эркакларга хос қудрат эгаси ҳамда ҳайвонлар соҳиби – Пашупати функциясига боғланганлигини (бу Шиванинг асосий функцияларидан бири бўлган) исботлайди. Унинг атрофидаги турли жуғрофий йўналишларни мужассам этувчи ҳайвонлар эса сўнгги ҳиндуизм пантеонидаги дунё бўлаклари маъбудлари бўлиб акс этади (яъни «локапала»лар). Унинг атрофидаги чизиқлар баъзи ҳинду обидаларида тасвирланадиган тўрт юзли Шива билан яқинлигидан далолат беради. Эҳтимол, Шиванинг тўрт юзи жаҳоннинг тўрт томонини ифода этган ҳолда муҳрда битилган ҳайвонларга ҳам мос келади. Бу талқинга қўра, каркидон – шимол, фил – шарқ, қўтос – жануб ва шер – ғарбни ифода этиши мумкин (айниқса, фил ва қўтосга келганда, булар айнан ҳинду тасаввурларига қўра дунё қисмларининг тимсолларидир). Яна бир тахмин борки, Шива маъбуди Юпитер (Муштарий) сайёрасига киёс қилинади (ҳинд мифологиясида бунинг тимсоли Бриһаспати, Браһма маъбудининг прототипларидан биридир).

Ўша даврда яна битта маъбуда Улуғ момо сиймосидирки, у айнақса, жамиятнинг қуйи табақалари орасида кенг тарқалган.

Ҳинд водийсидаги камбағаллар яшовчи маҳаллаларнинг қазилмаларидан топилган кўп миқдордаги қурол, содда ясалган ҳайкалчалар бунга далилдир. Баъзи муҳрларда у кўпинча ашватта дарахтининг барглари акс эттирувчи нақшлар солинган меҳроб остида турган ҳолда тасвирланган эди. Булар Шива рафикаси Дурга маъбудасининг сўнгги даврга хос баъзи тасвирларига ўхшайди.

Бошқа тасвирда қорнидан ўсиб чиққан дарахт ҳамда ёнида ҳайвонсимон махлуқлар билан турган аёл кўриниши Ж. Маршалл фикрича, айнан Улуғ момо тимсоли бўлиб, ёнидагилар унга ҳамроҳ тангрилардир. Бу уч образли тасвири олимлар юнон ва бошқа қадимги тасвирий санъатда Улуғ момо билан отга ўхшаш Диоскурларга қиёс қилганлар. Бошқа муҳрларда бу маъбуда яна еттита аёл билан бирга тасвирланган. Булар афтидан (Саптасиндһу – етти ирмоқли Ҳинд дарёси) бўлса керак. Бошқа томондан уларни «Веда»лардаги еттита дарё маъбудалари апсаралар (сув парилари) билан ҳам қиёслашади. Сўнгги даврларда Ҳиндистонда кўп тарқалган Улуғ Момога сиғинишда учрайдиган еттита маъбудалар ҳам шундан дарак беради.

Мазкур Улуғ Момо (прото – Дурга) образининг Прото-Шива образи билан алоқаси борлиги ва улар эр-хотин бўлиб яшаганлари эҳтимолдан қуйидаги тахмин пайдо бўлади: бу ҳодиса нафақат шохли маъбуд бошида ўша ашватта турганлиги, балки, ёнларида қўтос ҳам мавжудлиги (ҳиндуизмда қўтос Шивага энг яқин турган маъбуд-жонивордир. Дурга эса шерни миниб юради) мазкур гипотезани ёқлаб келади.

Бу маданиятда қўтос ўзига хос сиғинишга молик жонивор бўлган бўлса керак ва у Прото-Шивага сажда қилишдан бошланганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Сиғиниладиган ҳайвонлар қаторига ҳўкиз, эчки, шер, тимсоҳ ҳам киритилган. Муҳрлардаги бошқа тасвирлардан аён бўладики, ўша даврларда илонларга сиғиниш ҳам кенг тарқалган эди. Бу одат вақт ўтиб «Веда»лардан кейинги даврда орийлардан илгариги ақиданинг қолдиғи шаклида қайта тикланди. Тасвирлардаги қуш ва илон Ҳиндуизмга хос бўлиб, қолган рамзий образлар қуёш ва сув табиатидаги қарама-қаршиликни ифодаловчи одатдан олдинги тасаввурларини акс эттирса керак.

Айрим муҳрлардаги кўтос ва одамлар тасвири олимлар фикрича, Һинду мифи бўлмиш Дурга маъбудасининг (ёки унинг ўғли Сканда) дев-кўтос Махиша билан бўлган кураши ифодасининг тасвири бўлиши мумкин.

Шер (ёки унинг урғочиси) тасвири эса Дурга маъбудасининг Һиндуизмдаги рамзи хусусида илк тасаввурларни акс эттиради.

Иккита шер орасида одам шаклидаги жонзот туширилган тасвирлар эса, олимлар талқинича, Шумерда (Һозирги Ироқ) жуда ҳам машһур жаһон мифологиясининг энг гўзал афсонаси бўлмиш Гильгамеш ривоятига алоқадордир. Гильгамеш аслида иккита арслон билан олишган эди. Маълумки, Һинд шаһарлари Шумер билан муһим савдо ва маданий алоқаларига эга эдилар. Бу тасвирдаги одам, балки куёш тажассуми бўлиб (чунки боши атрофида нурлар таралган), шер ёвуз кучлар рамзи бўлиши мумкин. Куёш маъбуди улар билан курашиб турган Һолатини эслатади.

Бошқа муҳрлардаги тасвирларда шер билан бир одамсимон махлуқ гўё олишгандек ёки дарахтда ўтиргандек кўринади. Бу образ афтидан, ўсимликлар маъбуди, дарахт ёки ўрмон илоһи ҳам бўлиши мумкин. Бундай илоһнинг шер билан кураши Һакидаги маълумотлар Будда адабиётидаги жатакалардан (паний тилидаги эртақлар) топилган.

Яна бир тасвирда иккита илдизи билан суғуриб ташланган дарахтлар орасида турган одамнинг шакли эса Һинду ақидасидаги Кришна афсоналаридан бирини эслатади. Бунда қаһрамон Кубера маъбудининг дарахтларга сеһр меһнати билан айланган иккита ўғлини куткариб олади.

Муҳрлардаги кўп тасвирларга кўра ўша давр маданиятда дарахтга сиғиниш Һолати кенг тарқалганга ўхшайди. Бундай одат Һиндистондаги сўнгги даврларда ҳам кузатилади. Бу можаро Хараппада икки кўринишда намоён бўлган эди – ё ярим одам-ярим Һайвон шаклида ёки дарахт шаклида акс этган дарахт руһига сиғиниларди. Юкорида айтилгандек, бу ашватта дарахти билан боғлиқ бўлиб, бу дарахт жаһон дарахти ҳам Һисобланарди. Шу аснода тўнтарилган дарахт сиймоси жуда ҳам типик туюладики, бунинг акс-садоси кейинги Һинд адабиётида жуда кенг тарқалган.

Юкорида таъкидланган ўхшашликлар ўша давр тараққиётининг кейинги Һинд маданиятида ҳам излари борлигини тасдиқ-

лаб беради, бироқ бу иккала маданиятнинг оралиқ даврини биз ўрганиш учун тарихий манба йўқлиги долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди.

3.1.3. Протоҳинд матнларининг тили ҳақида

Протоҳинд маданиятининг очилиши (Ҳинд дарёси водийсидаги тараққиёт) 1921–22 йилларда Ҳинд олимлари Р. Саһний ва Р.Д. Баннержий томонидан амалга оширилган эди. Пировардида уни Ж. Маршалл, Э. Маккей, М.С. Ватс, Ж.Р. Дейлс, Б.Б. Лал, С.Р. Рао ва бошқалар унинг асосий марказлари бўлмиш Моһен-жо-Даро (Синд), Хараппа (Панжоб), Калибанган (Рожастан) ва Лотһалаларда (Гужарот) қазиш экспедициялари мобайнида ўрганиб чиқишган.

Бу ерларда топилган ёзувлар протоҳинд ёзувлари деб аталган Ҳолда нафақат Ҳиндистонда (жумладан, Моһенжо-Даро, Хараппа, Чанһу-Даро, Лотһала ва Калибанганларда), балки Ироқ ва Эрон ҳудудларидаги Месопотамия ва Элам қадимги шаһарларини қазиб очишда ҳам қўлга киритилган. Улар асосан қуйдирилган буюмларнинг излари ёки битиклар туширилган муһрлар шаклида бўлиб, улар талък моддасидан қилинган стеатит ва мис пластинкаларда битилган.

20-йиллардан бошлаб то 60-йилларгача Ҳинд ва оврупо олимлари мазкур ёзувларни ўқиб чиқиш ёки талқин қилишга қўп мартаба уриниб келганлар. Шунингдек, Л.А. Уоддел (Пран Натһ, Б.М. Баруа, Р.М. Натһ, Свами Шанкарананд каби «Тантра» мактаби Ҳинд олимлари), Ж.Р. Хантер, У.М. Флиндерс-Петри, Л. Мерижи, Б. Грозний, Э. Эрас, С.К. Рай, Н. Кришна Рао ҳамда 1969-70 йилларда А. Парпола, П. Аальто каби «Скандинавия Осиё изланишлари» институтининг фин олимлари томонидан ҳам Ҳаракат амалга оширилган эди). Аммо Санкт-петербурглик Н.В. Гу-ров фикрича, уларнинг қўпчилиги қуйидаги изланиш методикаси ва бу усуллардаги хатолар туфайли муваффақият қозона олмади, чунончи:

- 1) айрим белгиларнинг бирикиш хусусиятларини инобатга олмаслик;
- 2) айрим белгиларни талқин қилганда ҳамда белгилар гуруҳлари ёки ёзувлар гуруҳларни Ҳаддан ташқари бўрттириш натижасида матнлар шакл таркибининг умумий хусусиятлари-

ни камситишга йўл қўйилиб, бунинг оқибатида системали ёндашув амалга оширилмаган;

- 3) формал манбаларни таҳлил қилишда тилшуносликка оид таҳлилнинг йўқлиги, бу эса мазкур ёзувларнинг келиб чиқиши ҳақидаги киёсий-тарихий тилшунослик усуллари орқали исботланмаган, натижада уларга зид бўлиб чиққан;
- 4) ёзувлар мазмунини ўрганишда археология, тарих ва этнография маълумотларини назарга олмаслик;
- 5) белгиларнинг идентификациясида кескин илмий ёндашув йўқлиги, яъни вақт ва масофа жиҳатидан улкан фарққа эга бўлган графика тизимларини солиштириш.

1964 йилда бу ёзувларни ўрганишга киришган Санкт-Петербург олимлари ўз олдиларига қуйидаги вазифаларни қўйишган:

1. Ёзувларнинг йўналишини ўрганиб аниқлаш;
2. Ёзувлар типини ўрганиб аниқлаш;
3. Формал-типологик чоғиштиришлар асосида матнлар тилини аниқлаб чиқиш;
4. Матнлар мазмунини ўрганиб чиқиш;

Бу ёзувлар устида ЭҲМ ёрдамида олиб борилган изланишлар шуни кўрсатадики, булар аралаш типдаги морфемалибўйинли ёки иероглиф ёзувга мансубдир. Буларнинг палеографик хусусиятларини ўрганиш қуйидаги хулосага олиб келади: муҳрларда битилган ёзувлар чапдан ўнгга ёзилган бўлса, битиклардаги ёзувлар ўнгдан чапга қараб ёзилган.

Шу аснода энг қийин муаммо туғдирган масала бу ёзувлар тили масаласидир. Бундан илгариги олимлар бу масалада тажриба ва далилларга асосланмаган, тарихий ва маданий мулоҳазаларга таяниб келишган. Ваҳоланки, олим Ю. Кнорозовнинг гуруҳи бу масалани ҳал қилишда матнларни позицион-статистик йўл билан ўрганишга уринган бўлиб, буни бир қанча формал изланишлар орқали амалга оширган.

Бу изланишлардан муҳимлари, **биринчидан**, матнларни таркибий блокларга, яъни белгиларнинг турғун бирикмаларига бўлиб чиққан. Булар маънога эга қисмлар бўлиб талқин қилинган ҳолда бир неча матнларда такрорланиб келади. Масалан: қуйидаги блоклар: (13)-(13) ва (13а)-(13), (17)-(13) ва (17)-(13в) улардан ҳар бирининг таркибидаги белгилар сонидан ҳамда

маъно жиҳа-тидан уларнинг ўзаро яқинлигидан катъи назар, улар ёзувларнинг маънодор элементлари деб ҳисобланади. Бунга ЭҒМга рақамли транскрипцияда протоһинд ёзувларини киритиш йўли билан эришилди. **Иккинчидан**, белгиларни мутлақ ва нисбий частотаси жиҳатидан гуруҳларга бўлинганда уч хил тур, жумладан, турғун (яъни негизли), ўзгарувчи ва ярим ўзгарувчи синфларнинг гуруҳларига ажратишга муяссар бўлди. **Учинчидан**, таркибий блокларни таснифлаш, шунингдек буларни ёзув ичидаги ушбу блокнинг йўналишига қараб барча блокларни уч турга бўлиш мумкин бўлди. **Биринчи тур** асосий блоклар – булар баъзан бутун ёзувни қамраб олади; **иккинчи тур** бошланувчи (инициаль) ва қўшимча блоклар; **учинчи тур** тугатувчи (финал) қўшимча блоклар.

Тўртинчидан, ўзгарувчи гуруҳларнинг микропарадигмасини аниқлаш.

Бешинчидан, асосий блокларни уларнинг турли ўзгарувчи гуруҳлар билан бирикиши жиҳатидан классификациялаш натижасида негизли (корневые) синфларни уч хил морфологик гуруҳларга бўлиб чиқиш. Бу бўлиниш аниқ ўзгарувчи белги билан ёки ўзгарувчи белгилар синфи билан бирикиб, полиграммани ташкил этиш қобилятига қараб амалга оширилади.

Олтинчидан, ёзувларни бир-бири билан солиштириш натижасида таркиб жиҳатидан гуруҳлаштириш. Бунинг натижасида асосий блокни ташкил этиш йўлига кўра ҳамда тугатувчи қўшимча блок мавжудлигига биноан бир неча гуруҳларни ажратиб чиқишга тўғри келди.

Шундай қилиб, протоһинд матнларининг баъзи бир типологик хусусиятларига ҳос аниқ манзарани акс эттирувчи формал таркибнинг асослари жамлаб чиқилганда қуйидаги ҳолат аён бўлди. Ёзувларда мужассамланган сўзлар таркибида фақат орт қўшимчалар (суффикслар) ишлатилган бўлиб, олд қўшимчалар (префикслар) бутунлай ишлатилмаган. Суффикслар ўз навбатида бир-бири билан аниқ кетма-кетликда қўшилиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, яна бир жуда муһим киёсий хусусият аниқловчининг аниқланмишга нисбатан препозицияси (яъни олдин келиши) ҳамда ўзаро формал мослашув йўқлиги аён бўлди.

Якуний маълумотларни ўша даврга (яъни милoddан III-II минг йиллик аввалги даврга) мансуб бўла оладиган қуйидаги тиллар — хетт (несит) тили; ҳинд-санскрит; дравид тиллари-мунда; бурушаскилар (Қорақурум тоғли минтақасида, келиб чиқиш жиҳатидан бетакор тил) тизимларини асос қилиб олишдан амалга оширилди. Натижада олд қўшимчалар (префикслар) йўқ-лиги туфайли хетт тили, санскрит тили ва мунда тили билан ўхшашлик жиҳатлари йўққа чиқди. Протоҳинд тилларида француз тили каби аниқловчи қўпинча аниқланмишдан кейин келиши сабабли уларнинг шумер, элам ва хуррит тилларига ўхшашлиги масаласини ҳам қўтариб бўлмайди. Бундан ташқари аниқловчига хос махсус аффикслар йўқлиги протоҳинд тилини хуррит ва бурушаски тилларидан кескин ажратади. Протоҳинд ёзувларидаги блокларнинг қисқалиги ҳамда ўзгарувчи белгиларининг чекланганлиги хуррит ва мунда тиллари тизимларига хилоф бўлиб чиқади, чунки бу тилларда одатда отдан ясалган ўзакларга қўп қисми агглютинатив морфемалар тизимлари қўшилиб келинади.

Хуллас, типологик аломатлар тўпламига қараб протоҳинд ёзувлар тили дравид тиллар типига яқинлашади деган ечимга келинди.

Аммо мазкур ечим бу муаммони бутунлай хал қилиниши учун етарли бўла олмайди. Бунинг учун яна икки нарсани таъкидлаш лозим бўлади:

- 1) протоҳинд тилини ўрганиш қўламини кенгайтириб, нафақат морфология ва синтаксис, балки лексикани ҳам жалб қилиш;
- 2) фонологик ва грамматик ўзгаришларнинг хронологик жиҳатдан мавжудлик эҳтимоллиги нуктаи назаридан протоҳинд тилини дравид тилларига кенг равишда қиёслаш ишларини олиб бориш.

Бу иккала вазифа Н.М. Гуровга юклатилган эди. Натижада Гуров протоҳинд блокларини ва айрим ёзувларини дравид тиллар адабиёти, фольклори ва эпиграфикасидан олинган турғун бирикмалар ва стандарт (моделлар) билан солиштириб, протоҳинд тилининг келиб чиқишини аниқлаб, қўпчилик протоҳинд материалларини озми-қўпми лингвистик жиҳатдан асосланган интерпретацияни (изоҳлаб беришни) ҳам олдинга сурди.

3.1.3.1. Протоһинд матнларининг морфологик тизими

Бу масала борасида Гуровнинг таъкидлашича, матнларда учрайдиган энг юкори частотали (яъни абсолют ёки нисбатан кўпроқ учрайдиган) ҳамда референт (яъни грамматик белгиларни англатувчи) турдаги блокларни ўзгартирувчи кўрсаткичлардир.


Турғун негизли деб аталмиш белгилар нисбатан кам учрайдиган бўлиб, асосан негиз морфемаларини ҳамда детерминативларни (булар негизни узайтирувчи ёки негизни белгиловчи компонентлардир) ва камдан-кам ҳолларда фонетик белгиларни ифода этади.

Ярим ўзгарувчи белгилар эса ҳам турғунлардан, ҳам ўзгарувчилардан фарқ қилган ҳолда нисбий барқарорликлари билан ажралиб туради. Булар ё бирикмаларнинг эргашган элементларини (I гуруҳ) ёки ясовчи (деривационные) аломатларни (показатели) (II гуруҳ) ифодалайди. Бундай белгилар асосан блоklar охирида (в финале соответствующего) келиб, унчалик кўп эмас.

Ёзувларни формал жиҳатдан ўрганган ҳолда, Санкт-Петербург ва москвалик тадқиқотчилар протоһинд матнлар микропарадигма (энг кичик қолипни) сини отларни турлаш парадигмаси деб талқин қиладилар. Шу тариқа дравид тиллари материалнинг жалб қилиниши натижасида протоһинд микропарадигмасининг дравид тилларидаги отларнинг турланиши билан яқинлиги маълум бўлди.

Шу аснода Р. Колдуэлл, Ж. Блок ва бошқа дравидшуносларнинг асарларида қайд этилишича, дравид тиллар тизими учун энг типик хусусият отнинг воситали келишиқдаги шаклининг турли тил доираларида учратилишидир. Буни протоһинд ёзувларида ҳам кўrsa бўлади. Масалан, сўз ясалишида бу шакл оралик негиз вазифасини ўтайди. Бундан баъзи аниқ келишиқлар, жумладан, биргалик, чиқиш ва жўналиш келишиқлари ясалади. Бундан ташқари сўз бирикмалари доирасида воситали келишиқдаги от «аниқловчи-аниқланмиш» бирикмасида аниқловчи вазифасини бажаради.

Масалан: телугу тилида



Буни қуйидаги белгиларга қиёс қилса бўлади, ўзгарувчан белгилардан (1) ʃ; (2) ↑; (3) ʒ ҳамда (4) ʇ; (5) ʒ; (6) ʒ: ярим ўзгарувчан белгилардан (7) ʃ; (8) ʃ кабиларни олганимизда, улардан ʃ ва ↑ белгилари блокнинг негизли қисмларига қўшилса, ʒ белгиси юқоридаги икки белги ушбу блок билан бирикмаган ҳолларда алоҳида қўшилади. Бундан чиқди ʒ белгининг маъноси ʃ ва ↑ белгилари маъноларига тўғри келмайди. Аксинча, бу иккала белги типологик жиҳатдан бир-бирига мос доираларда учрайди.

Шу аснода ʃ белгиси билан бирикиб келган блоклар ↑ белгиси билан бирикиб келмайди ва аксинча. Буни биз шундай тушунамизки, ʃ ва ↑ белгилар бир хил грамматик кўрсаткичнинг вариантларидир. Шундан ҳулоса қилса бўладики, келишик блокнинг микропарадигмаси 3 та компонентдан ташкил топади - «А» компоненти - бирламчи ўзгарувчан шакл (ноль); «В» компоненти - I ва II ўзгарувчи белгилар; «С» компоненти қуйидаги ўзгарувчи белгилар бирикмаларидир: (1)(3)=ʃ ʒ ёки (2) (3) ↑ ʒ.

Умуман олганда, протоһинд блокларининг микропарадигмаси қуйидагича тасаввур этилади:


шакл гуруҳи I (ноль 0) II (1) III (2)

A	- Ø	- Ø	- Ø
B	- Ø #	- Ø [1]	- Ø [2]
C	- Ø # [3]	- Ø [1] [3]	- Ø [2] [3]


Бу ерда Ø «нопарадигматик ноль» ва # - «парадигматик ноль»дир.

Юқоридаги уч хил шакл гуруҳларидан ҳар бири бошқасидан таркибий жиҳатдан бутунлай фарқ қилади. Блокларнинг бир гуруҳдан бошқасига ўтиш ҳодисаси камдан-камдир. (1) ва (2)

ўзга-рувчи белгилар билан ифодаланган блокларнинг бирикиш қобиляятлари уларни дравид тилларига хос отдан ясалган воситали келишикнинг икки «бирламчи» шакллардан бирининг тенги деб ҳисобланади. Жумладан, (I) ʋ белгиси билан чекланган блок кетидан ҳам айрим белгилар (булар шакл ва сўз ясовчи кўрсаткичга тўғри келадилар), ҳам қуйидаги сўз шакллари ва сўз бирикмаларини акс эттирувчи бутун қўшимча блоклар келиши эҳтимолдир.



Буларни қуйидаги телугу тилидан олинган мисол билан солиштирсан бўлади.



Бошқача айтганда, А шакли (нулевая переменная билан) бош келишикнинг шакли деб ҳисобласа бўлади. Чунки дравид тилларида жинс ва сон белгиларидан фарқли равишда ушбу (бош келишик) аломати ҳам учратилмайди.

С шакли эса (бунда [3] ўзгарувчи белги мавжуд бўлади) конкрет келишиклардан жўналиш келишигига тўғри келади.

Маълумки, турли дравид тилларида кузатиладиган воситали келишик аффикслари асосан қуйидаги 4 эски типлардан келиб чиқади:

- 1) -(v) t (v)-(v) t t (v)
- 2) -a- -i (n); -ey (n)

3) -a-

4) -(a)t/ṇ -(a)t/n-

Шундай қилиб, қиёсий усулда тикланган протоһинд ёзувлари протодравид тилига мансублиги аниқланиб, бу тилнинг қадимий кўриниши (прасистемаси) ҳали умумдравид тил бирлигининг парчаланишидан илгари мавжуд бўлган (махсус-статистик изланишларга кўра бу мелоддан аввалги IV–III минг йилликлар даврида рўй берган), типологик жиҳатдан отдан ясалган сўз туркумлар тизимига яқин туриши эҳтимолдан холи эмас.

Мазкур протоһинд мифологик тузумининг дравид тилларига ўхшашлиги аниқланган блоklar рўйхатини (булар ҳар хил парадигмаларни акс эттиради) ҳар хил типда турланувчи дравид отлар рўйхати билан солиштирилганда исботланди. Масалан, ноль аффикси ёрдамида эркак жинсига мансуб отларга хос махсус турлаш шакллари ясалади. Ваһоланки, Гуров кузатишича, протоһинд блоklарининг биричи парадигма синфига (булар «нулевая переменная» билан ясалган) эркак тасвирини акс эттирувчи қатор белгилар кирди, жумладан [9], [14], [15], [16] ва һоказо = , , , .

Ваһоланки, на иккинчи, на учинчи синфда бундай белгилар учрамайди. Булар одамларни тасвирловчи яккаю ягона белги, яъни афтидан аёлга ўхшаб [II] «кўлларини кўтариб турган маъбуда»  биринчи парадигма синфида эмас, балки учинчисида учратилади. Бу синфга эса һайвонлар, паррандалар, ўсимликлар ва иморатларни тасвирловчи белгилар кирган эди. Гуров таъкидлашича, дравид тилларида аёл жинсига мансуб шахс номлари кўп ҳолларда морфологик жиҳатдан һайвонлар ва жонсиз буюмлар номлари билан бирга келади.

Гуров тасвирлашича, [1]  белги ашваттһа (пипал) дарахтининг тасвири бўлиб, (лотинчада *Ficus religiosa* протодравидча *a (t/ti) эҳтимол *-(v) t (v)-, *-(v) t t (v) қадимги шаклдан келиб чиқадиган воситали келишиқ аломатларини акс эттиради. [2]  (ўк) белгисини эса афтидан қадимги дравид негизи *су-с «отмоқ,ўк» маъносини берувчи белги билан солиштирса бўлади. Бу эса *-i (n)-*су (n) эски типдан келиб чиққан бўлса керак, сабаби баъзи бир дравид тилларида воситали келишиқ аломатлари аниқликни англатувчи грамматик маънони ифодалайди.

3.1.3.2. Протоһинд матнларининг таркибий-семантик шакли

Бу ёзувлар ва уларнинг кўринишларини талқин қилишга кўмаклашган Һодиса дравид тилларининг киёсий-тарихий грамматикаси Һамда дравид маданиятининг тарихига оид маълумотлардир.

Ёзувларнинг тилини аниқлаш учун қуйидаги нарсалар муһим Һисобланади: негизли блокларнинг парадигматик шакли, жумладан, унда аниқ ўзгарувчи ёки ярим ўзгарувчи белгининг иштирок этиши; ёзувда финал қўшимча блокнинг мавжудлиги. Протоһинд ёзувларни қадимги ва ўрта асрлардаги Һинд эпиграфикасидаги санскрит, пракритлар ва дравид тилларида битилган ёки тинглаб ёзиб олинган ёзма ва оғзаки фольклор матнлар билан солиштирганда тўртта асосий тип намоён бўлади. Булар:

Курбонлик ёзувлари – булар Хараппанинг илк археқатламларида топилган юпка стеатит пластинкаларда қўлда битилган эди. Булар таркибида асосий блокка ё ўзгарувчи белги [3]= 𑀓 ёки [1] 𑀠, [3] 𑀓, [2] 𑀡, [3] 𑀓 ўзгарувчи белгилар гуруҳлари қўшилган бўлиб, охирида қўшимча блок, бунга [12] 𑀅 («сосуд, ко-са») белгиси **I-IV** гача рақамлар билан келади. Бундай блокларнинг негизли қисмларида доимо [11] 𑀢, [14] 𑀣, [15] 𑀤, [16] 𑀥 белгилари мавжуд бўлиб, булар Һинд водийсида сиғиниладиган маъбуд ва маъбудаларнинг тасвирларини ифодалайди.

Бу тасвирларнинг протоһинд манбалари, қадимги Осиё моддий маданиятига мансуб ўша давр обидалари, Һамда анча сўнгги Һинд тасвирий санъати намуналари билан солиштирганда уларнинг аслиятига мослиги исботланди. Бунда таги думалоқ идиш-ни англатувчи [12] 𑀅 белгиси [12 а] белгилари блокда, «кўлида идиш ушлаб тиз чўккан Һолда ибодат қилувчи шахс» деган маънони англатади. Бу Һайкалча, жумладан, муһрларда зарб этилган «дарахтга сув курбонлик қилиш» тасвирида кўзга ташланади. Шуларнинг Һаммасини эътиборга олиб, олим Ю.В. Кно-розов тахмин қилишича, бундай тасвирлар бирон маъбуд ёки маъбудага сиғинишга бериладиган ибодатгоҳ тилхатлари бўлиб, булар эһтимол тумор ёки тилсимли кучга эга сеһрли буюм Һисобланган. Бу тахмин дравид тиллари билан солиштирилганда тўғри бўлиб чиқади. Бунинг исботи сифатида қўпчилик дравид

тилларидаги «қуймоқ, тўкиб ташламоқ, чайқалтириб ташламоқ» негизи билан боғлиқ бўлиб, 12 белгиси «қурбон, қурбонлик» маъносини таъкидлайди. Буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

тамил тили veL-	малаялам veeLvi-	Каннада beel-	телугу veelucu-	Протодравид VeiL-
«қурбонлик қилмоқ»	«қурбонли к»	«ёғни қурбонлик оловига қўймоқ»	«қурбонлик қилмоқ»	«қуйилмоқ»
velvi- «қурбонлик »		ALaka- «суёқлик»	velli (be)- «оқим, оқиш»	ViL- «тўкилмоқ»
veLLam- «сув оқими»	vellam- «сув оқими»		vellura- «тошқин»	Alvk- «чайқалтири б тўкиб Ташламоқ»
uLakam- «сув»				

Шуни ҳам қайд этиш керакки, санскритча ruja «қурбонликка сув тўкиб ибодат қилмоқ» маъноси ҳам С.К. Чаттержий фикрича, дравид тилларидаги рос-, roz «оқмоқ, тўкилмоқ»дан келиб чиқади.

Бундан ташқари, илк Хараппа белгилари орасида [18] 0 0 «қўзлар» белгисининг келиши ҳам ажаб эмас, бу белги «туҳфа, совға» деган сўзни ифодалаши мумкин, чунки протодравидча kanikkaу-келиб чиқиши дравидча негиз бўлмиш kan «қўрмоқ, қарамоқ» феъли билан бевосита боғланган. [19] ᳵ «қўл» белгиси эса протодравидча кау «қўл» ҳамда «панжа, кафт ва қурбонлик туҳфаси» каби сўзларга ўхшайди деб тахмин қилинади. Буни тамил тилдаги kattumukkaі «ибодатхонага туҳфа» билан солиштира бўлади, ёки [20] ᳚ «туёқ» белгисини 2 дравид қадимги негизлар kolvk «туёқ» ва kol «олмоқ», солиқ, туҳфа, мол-мулк» билан солиштира бўлади. Буларни қўшиб ўқиганда, қуйидаги жумла ҳосил бўлади: «Маъбуд [a] га сув қурбонлик учун келтирилди». Сўнгги ҳинд эпиграфикасида мавзу ва тасвирлаш усулига кўра браһмий ёзувдаги тамил битиклари буддавийларнинг Санчи шаҳрида топилган лойдан ясалган ёзувли тахтачаларига жуда ўхшашдир.

Ҳимоя этувчи ёзувлар. Ҳимоя этувчи ёзувларда қўшимча блок [2] ↑ белгисидан иборат бўлиб, [21] ✎ белгиси ёки унинг [21a] ✎ ва [21б] ✎ вариантлари эса, айрим ҳолларда ўзгарувчи [3] ≡ белгиси билан қўшилиб келади. Аммо асосий блоклар таркибида «қурбонлик ёзувлари»да ҳам келадиган ва маъбудлар номлари билан боғлиқ алоҳида белгилар ёки белгилар гуруҳлари кўпчилигини ташкил қилади. Масалан: [21] ✎ «обкаш кўтарган ҳаммол» белгисининг тахмин этиладиган теоним (яъни «маъбудлар номлари») билан ишлатилиш сабаби дравид тилларидаги 2 қадимги негизларнинг омонимиясига солиштириганда равшан бўлади.

протодравид	тамил	малайлам	каннара	телугу
каа-с- «обкаш»	kaa kaavati	kaavu	kaavadi	kaavadi
каа-р- каа- «ҳимоя қилмоқ»	kaa kaappu	kaavu	kaayu- kaapu	kaasu kaayu
каа-р- «қўриқламоқ»				

Ж. Маршалл, М.С. Ватс, М. Уиллер ва бошқа кўп олимларнинг фикрича, бу белги билан учраган ёзувлар асосан тумор ёки тилсим буюмларига тегишли бўлиб чиқади.

Бундан ташқари, дравид тилларининг манбаси билан чоғиштириш натижасида негизли блокларнинг икки хил кўринишдан қуйидаги хулосага келинади. Афтидан, буларнинг тузилиши дравид тилларига хос бўлмиш ҳаракат номи ёки феълдан ясалган от билан ишлатиладиган грамматик субъектли ибораларга ўхшайди. Бу субъект икки шаклда-бош ёки воситали-эғалик келишикларда ишлатилади, масалан: anu tinba «мен-овкат» ва pai tinba «менинг овкатим». Бундан чиқди, [21] ✎, [3] ≡ белгилар бирикмаси икки хил маънони ифодалайди - «х (икс) (маъбуднинг) Ҳимояси учун» ёки «икс маъбуд Ҳимоя қилиши туфайли». [21] белги қачонки ноль (бирламчи) шакл бўлиб келса, маъноси «икс (маъбуд) (мени) асра (син)» ёки «икс (маъбуднинг) Ҳимояси» бўлиши мумкин.

Шахс билан боғлиқ ёзувлар

Шахс билан боғлиқ ёзувлар охирида икки белги [1] 𑀓 ва [9]= 𑀓𑀫 бўлиб, бу ерда [9] белгиси «эркак тасвири» деб талқин қилинади. Булар турли эркак шахслар билан боғлиқ номларни, жумладан, атоқли отлар, унвонлар, лавозим ва мансаблар ҳамда маъбудлар эпитетларини билдирса керак. Бундай ёзувларни дравид атоқли отлар таркибида учрайдиган тегишли ҳодисалар билан солиштирганда, булар олмош суффикси ёки «одам, эркак, соғиб, жаноб, ота, маъбуд» ёки «аёл, хотин, маъбуда, соғиба» ва ҳоказоларни билдирувчи сўзлар бўлиб чиқади. Бундан ташқари эгалик бирикмаларидаги шахс номини таърифлаб ҳам келиши мумкин.

Ибодатхона ёзувлари

Буларнинг таркиби негизли блок (қўшимча блок= [22]𑀢 белгиси) дан иборат. 22-белгиси Хараппа иншоотларига хос услубда қурилган ибодатхона бўлмиш айвонга ёки ясси томли бостирма маъносини билдиради (бундай ибодатхона бир оттискада битилган). Булар асосан қуйидаги белгилар ёки белгилар гуруҳлари билан бирикиб келадилар. [136] 𑀓 ; [10] [136] 𑀓𑀫 𑀓; [17] [136] 𑀓𑀫 𑀓; [14] 𑀓. Буларни Гуров турли маданий-тарихий ва лингвистик асосларга таяниб маъбудлар номларига ўхшатади. Бундан келиб чиқадики, бу ёзувларда турли маъбудларга бағишланган иморатлар тасвирланади, деб киёс қилинади = «(маъбуднинг) икс уйи». Дравид тилларига бундай тушунчаларга хос бўлмиш «кулба, бостирма, чайла, шийпон» каби сўзлар билан яқинлик сезилади.

Қадимги Һинд эпиграфикасида буларга черковларда ва диний жамоаларда юритиладиган ёки ғорларда учрайдиган баъзи бир ёзувлар муқобил бўла олади.

Тамил	Малаялам	Каннара	Телугу, паджи, каннара, тулу
kuTi - «кулба, бостирма»	ampalam- «ибодатхона»	ambala- «очиқ айвон»	quDi- «ибодатхона»
Toda kwis «бузоқхона,			

оғил»
куу kuugi
«шоһ-шаббадан
курулган кулба»
куруу kurya
«бостирма»
guru kodagu
«ибодатхона»

Мазкур тўрт кўринишдаги ёзувлар умуман барча матнларнинг 60 фоизини ташкил этади.

3.1.4. «Веда»лар мифологияси ва унинг Оврупода ўрганилиши

XIX-XX асрлар туташган даврда мифологияга оид Хиллебрандт, Макдонелл мумтоз асарлари ҳамда ведик диний ақидаси бўйича Ольденберг ва Бергенъ каби олимларнинг эълон қилинган ишларида талай илмий маълумотлар тўпланган эди. Жумладан, «Веда»лар матншунослигига Ольденберг изланишларида асос солган. Буларда «Веда»лар ақидаси билан боғлиқ ҳодисалар озми-кўпми бевосита акс эттирилган, маъбудалар эса баъзан инсон кийёфасида ёки мавҳум ҳолда тасвирланган. Бундай талқинлар умуман ҳаққоний бўлиб туюлса-да, аммо улардан ташқари бир қатор мунозарали ва бир-бирига хилоф ёндашувлар мавжуд бўлиб, ҳанузгача бундай маълумотлар тарқоқ бўлиб, бунда бир тизимга туширилган яхлит назария йўқлиги сезилиб туради.

Масалан, Гельднер, Пишель ва бошқаларнинг «эволюцияпараст» қарашларидан фарқли равишда, франциялик олим Бергенъ ўз асарларида «Веда»лар ақидасини синхрон равишда муҳолифлаштириш йўли билан уни тизим шаклида тасвирлашга уринган эди.

Олмон анъаналарига келганда, бу соҳада энг иқтидорли вакиллардан Х. Людерсдир. У ўзининг тугатилмаган ва вафотидан сўнг босилган асарида Варуна маъбуди хусусида фикр юритади ва бу мураккаб қаҳрамоннинг космогония («қоинотни яратиш») назарияси билан боғлаб, «Веда»лар космогониясини янгича талқин қилишга йўл очди. У билан бир вақтда худди шу назарияни «Ригведа» афсонаси қаҳрамони бўлмиш Индра томонидан

Вритранинг ўлдирилиши талқинига америкалик олим Норман Браун қарашлари ҳам яқинлашади.

Шундай қилиб, уларнинг саъи-ҳаракатлари билан голландиялик олим О.Б.Я. Кейпернинг устувор аҳамиятга молик космогония назариясига асос солинди.

Бу йўналишдаги барча асарларга хос асосий мавзу қадимги ҳинд-эрон ва сўнг ҳинд космогония тасаввурларини тиклаб чиқишдан иборат бўлиб кўзга ташланади. Бунинг натижасида барча мифологик қаҳрамонлар ўз талқинларига эга бўлдилар.

Шу билан бирга турли маъбудаларга турли баҳо беришлар ҳам учраб, булар «Ригведа»даги маъбудларнинг асосий умумий вазифасини аниқлаш масаласи нақадар қийин муаммо эканлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам бир маъбуднинг тавсифи жуда муаммовий ишдир.

Қолаверса, эски мумтоз матншунослик усуллари ҳам қўлланилиб, матнни унинг вазний хусусиятларидан, айрим грамматик шаклларнинг маъноларидан, услубий номеъёрийлигидан келиб чиққан ҳолда талқин қилинади. Кейпернинг хулосалари эса кенг типологик киёслаш жараёнида, жумладан, қадимги қардош эрон, юнон, славян муқобиллари билан ҳатто дравид, австралия-осиё, индонезия, сомий (семит) тиллари ва адабиётлари билан боғлаб қилинган ҳолда жуда ҳам ишончли ва асосли бўлиб чиқади.

Кейпер фикрича, «Ригведа»нинг асосий мифи турли алқовларда сон-саноксиз такрорланиб, Индра томонидан дарёларнинг оқими тўсиб ётган дев, аждаҳо Вритранинг (vritra «хилофлик, қаршилик») ўлдирилиши, биронта табиат ҳодисасининг акси бўлмас-дан, коинотнинг яратилиш тасвири деб талқин қилиниши лозим.

Индра ўзининг гурзиси билан космик сувлар сатҳида сузиб юрувчи ибтидой тепалиқда талқин қилиниб, у сушт хаос (тартибсизлик)нинг қаршилигини ёриб енгиб чиқади. Гурзининг зарбаси тепалиқни ёриб чиқиб, уни сувлар тагига ёпиштириб қўяди. Бунинг оқибатида олов ва сув (бунинг ичида Сома маъбуди, яъни муқаддас ўсимлик ва ундан тайёрланган илоҳий мангулик шарбати-амританинг инсонийлаштирилиши ҳам бор) хаос ва суштлик дунёсини тарқ этиб, самовий маъбудалар-деваларга мансуб бўлади. Шу билан бирга Индра шу зарба билан осмон ва

ерни бир-биридан ажратиб кўяди ва қуйи ҳамда юқори дунёларни юзага келтиради. Буларда асуралар ва девталар қаршилиги намоён бўлади. Пировардида асуралар (алвастилар) қуйи жаҳонни девталар эса юқори дунёни эгаллайдилар. Натижада бутун борлиқ дуалдунё жаҳонга бўлинади. Сўнгра анъанавий тарзда космик сувлар соҳиби маъбуд Варуна янги вазифага эга бўлади, жумладан, Рита («қоинот қонуни»)нинг бошқарувчиси бўлиб қолади. Ританинг негизи қуйи жаҳонда пинҳон туради. Бу афсона эса қадимги ҳинд-эрон ақидасидан келиб чиққан.

Кейпернинг яна бир тахминича, «Веда» аҳолиси учун вақт бу циклик (доиравий) давр бўлиб, ҳар даврнинг охирида инкироз юз бериб, қоинот хаосга айланарди ва ҳар сафар тартибни тиклаш учун Индранинг қаҳрамонлиги тикланиши лозим бўларди.

Буни орийлар маросим (ритуал) сифатида тушуниб, улкан байрамлар уюштириб туришарди. Бундай байрамлардан бири қишнинг сўнгги қуёш чиқар пайтида ўтказилиб, ёруғлик ва иссиқ кунларни тикланиши учун нишонланарди. Байрамда оғзаки беллашувлар, арава пойгалари, совға ва хайр-эҳсонларни тақсим этиш каби маросимлар ўтказиларди. Хилебрандт шундай дейди: «Ҳинд мифологиясида «Веда»лар давридаги маъбудларни аниқ тушунишдан бошқа мушкул иш йўқдир».

3.1.4.1. «Ригведа»нинг асосий мифи (афсонаси) (голландиялик олим Ф.Б. Кейпер талқини асосида)

Қоинотни яратиш мақсадида эзгулик қучлари тимсоли бўлмиш момақалдиरोқ соҳиби Индра томонидан ёвуз қучлар тимсоли Вритра («қаршилиқ, муҳолифлик»)нинг ўлдирилиши.

Бу ҳодисани тезлаштириш ва дўсти Индрага ёрдам бериш учун Вишну учта қадам ташлайди.

Биринчи қадамда у қуйи дунёни очиб ташлайди ва у ерда зулматда ётган қуёшни топади. Ўша дунёда ер ости сувларининг соҳиби сифатида Варуна маъбуди гавадаланади. Варунанинг тимсоли бўлиб «бочка ёки тўнтарилган дарахт» бўлади. Шундай қилиб қуёш ер тагидан чиқиб келади.

Иккинчи қадамда Вишну юқори дунё-осмонни очади.

Учинчи қадамда оддий кўз илғамайдиган ҳодиса (сир) юзага келади. Бу сир бутун қоинотнинг умумий яхлитлигига тўғри келар эди. Инглиз олими Макдонелл айтишича, Вишнунинг

ташлаган қадамлари қуёш йўлини ўзига мужассам этади. Шундай қилиб, Вишну қуёшни топиб уни осмонга чиқариб, коинотни юргизиш жараёнида иштирок этади.

Коинотни яратиш негизида илгари тартибсиз воқелик-бирламчи дунё таркибида сувлар ва бирламчи тепаликда ётган дев Вритра ўз қаърида ер, осмон ва сувларни беркитиб ётади. Индра уни қуроли билан ўлдириб, ўша тепаликни ёради ва шуни ошқор қиладики, тепалик осмонни устун каби кўтариб турар экан. Шу жараён билан баробар Вишну қадам ташлар экан, натижада уч хил ҳаракат юзага келади:

- 1) дунёнинг бирламчи ҳаёти-тезиси;
- 2) Индранинг қилмиши-антитезис;
- 3) Вишнунинг учинчи қадами-синтез;

Шу билан Вишну икки жаҳонли дунёни яратиш жараёнида ер билан осмонни бирлаштирувчи устундан чиқиб, худди арава ёлдиракларини ўқ бирлаштирганидек, иккала жаҳонга мансуб бўлади.

Сўнгги санъат намуналаридан бўлмиш ҳайкалчаларда Вишну Мандара тоғида турган ҳолда ва ўша тоғ қаъридан коинот устунини шаклида пайдо бўлган ҳолда тасвирланади. Мелоднинг VII аср ўртасида Маллапурам (Тамилнаду)даги ҳайкалчада уни коинот устунини қилиб тасвирлаб, учта қадам ташлаётгани кўрсатилган.

«Ригведа»га кўра шундан сўнг коинот қонуни «рита» ишга тушиб жаҳонлар ривожлана борадилар. Варуна эса буни кузатиб туради. Бу қонунлар одамлар томонидан қурбонлик қилишлар, бунга жавобан маъбудлар томонидан кўрсатилган илтифот натижасида амалга оширилади.

а) Коинот қонуни тушунчаси

Бунга кўра «Ригведа»га «Авесто»дан «Аша» деган тушунча кўчиб ўтади - бунинг маъноси «нур билан келадиган файз». Бу ерда Митра ва Варуна маъбудлари «нурли масофа соҳиблари» (кшатрийлар) бўлиб чиқадилар. Варуна бундан ташқари қуйи дунё маъбудини сифатида, қўлида коинот дарахтининг илдизларини ушлаб, Рита (коинот қонуни)нинг бажарилишини кузатиб туради.

Эрталаб қуйи дунё қаърини Ушас (тонг) маъбудаси ёритиб келади. Қуйи дунё ичида Варуна бошчилигида Адитъялар, яъни Адитининг фарзандлари яшайдилар. Қуйи дунё тушунчаси жуда

кадимдан келиб чикиб, Һинд-эрон бирлиги даврида ўликлар дунёсини ифодалаган эди. Бу ерда Агни «олов маъбуди» ҳам ўтиради, унинг шаклларида бири қуёш бўлади. Куйи дунё сирларини ечиш жараёнида башоратчи авлиё Васиштха ҳаёлга чўмиб ўтиради. Кундузи аввал тонглари ифодалайдиган сигирлар пайдо бўлади, булар қоя ичидаги оғилдан ташқарига чиқади.

Кечаси эса бу куйи дунё ер устидаги тунги осмонни гавдалантиради, яъни ағдарилган тоғ шаклида, космик сувлар эса осмон океанини ифода этади, юлдузлар бўлса Варуна маъбудининг соқчилари сифатида намоён бўладилар.

Шундай қилиб Варуна ер остидаги илк сувлар маъбуди, тошли уй бўлмиш тоғ маъбуди ва тунги осмон маъбуди бўлиб Һисобланади.

б) сўнгги Ведик асарлардан бўлмиш «Брахмана»ларда жаҳоннинг яратилиши афсонаси

Бу жараённинг биринчи босқичида илк сувлар сатҳида жаҳон тухуми пайдо бўлиб сузиб юради. Сувлар қуюлганда, уларнинг тагидан юзага кесак бўлиб ер чиқиб келади ва ўзига таянч қидириб сузиб юради. Илк сувлар сатҳида Пражапати, яъни «жаҳон отаси» ҳам пайдо бўлади.

Иккинчи босқичда сузувчи ер бирламчи тепаликка айланади. Бу тепалик устида Вритра ётган бўлади. Индра бу тепаликни тешиб, ундан Һаёт қучларини чиқариб, тепалик тубини сувлар тагига ёпиштириб, уни мустаҳкам пойдеворга ўрнатиб қўяди.

в) «Веда»лардаги жаҳон яратилиш манзараси (голландиялик олим Кейперга асосан)

Биринчи босқич

бирламчи дунё

Асуралар Варуна ва бошқалар

тартибга
солинган коинот
маъбудалар

Иккинчи босқич хаос

Икки дунёли жаҳон:

Асуралар Варуна ва бошқалар	Индра ва бошқалар
--------------------------------	----------------------

Куйи дунё

Юқори дунё

Учинчи босқич

борлиқ босқичи

ҳаммаёқ

ҳаракатда

Вишну фаолиятида

хаос	тартибга солинган коинот
сат, тўғрилиқ (ҳақиқат)	маъбудлар
Асат ёвузлик, (ноҳақи- қат) Асура Варуна ва бошқалар	Индра ва бошқалар
қуйи дунё	юқори дунё

3.1.5. Ҳинд эпоси «Махабхарата»нинг мифологик қаҳрамонлари



Бундан хулоса: Пандузодалар – юқори дунё маъбудларининг тажассумлари, ваҳоланки, Курузодалар уларнинг доимий муҳолифлари асуралар каби дев-алвасти тажассумлари, яъни улар орасидаги кураш азалийдир.

3.1.4.2. Ҳинд эпоси «Рамаяна»нинг мифологик қаҳрамонлари

Вишну Дашаратха шоҳнинг учта хотинига илоҳий шарбатни бўлиб берди:



«Рамаяна» эпосини Гильгамеш афсонаси билан солиштирганда Гильгамеш (Шумер мамлакатининг халқ қаҳрамони) Нинсун маъбудасининг фарзанди ва унинг дўсти Энкиду Аруру маъбудаси томонидан лойдан ясалган.

Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея»сига эътибор берсак, бош қаҳрамон Ахилл денгиз маъбуди Нерейнинг кизи Фетиданинг ўғли; Одиссей – Зевснинг ўғли; Гектор – Зевснинг ўғли ва Эней маъбуди – Афродитанинг ўғлидир.

Шундай қилиб, кўп халқларга хос эпик қаҳрамонлар илоҳий кучлар томонидан яратилган.

3.1.6. Эпос ва «Пурана»ларнинг баъзи мифологик қаҳрамонлари

Баъзи ривоятларга кўра, «Рамаяна» персонажи Сита туғилганидан сўнг ота-онаси уни мис идишга солиб, дарёга оқизиб юборган экан. Сўнгги ривоятларда уни бир шоҳ, ё авлиё-дарвеш, ё бир деҳқон сувдан қутқариб, асраб олади.

«Махабхарата»да Карна чакалоқлигида ўз онаси Кунтий томонидан сувга оқизиб юборилгач, уни аравакаш Адһиратһа ва унинг хотини Радһа кутқариб олишади.

«Пурана»ларда (Хариванша Пурана) Кришна туғилганидан сўнг онаси Деваки уни ёвуз Кансадан асраб, Нанда номли подачи ва унинг хотини Яшодага бериб юборади.

Жаһоннинг бошқа эпосларида ҳам худди шундай сюжетлар бор. Масалан, Һиндистон тарихида мелоддан аввалги IV асрда Һукмронлик қилган Чандрагупта Маурия чакалоқлигида бир подачи томонидан сопол кўзадан топиб кутқариб олинган.

«Инжил»да Иброһим алайһиссалом жоһил шоһ Нимрод таъкибидан кутулиш учун ғорга беркитилган экан. Нимрод барча ўғил ғўдакларни ўлдирар экан.

«Илиада» (Гомер)да Зевс маъбуднинг онаси уни отаси Крондан яшириб, ғорда сақлаган эди. У ерда уни нимфалар (парилар) ва асаларилар боқиб олишган. Шу асарнинг қаһрамони Ахилл ёшлигида Харон исмли кентавр (ярим одам, ярим от) томонидан боқиб олинган.

Герман эпоси «Нибелунг»ларда қаһрамон Зигфрид онасидан тортиб олиниб, Регин номли темирчига берилган. У уни боқиб катта қилган эди.

«Манас» ва «Гўрўғли»лар ҳам ота-оналари томонидан молбоқарларга топширилиб подачи бўлиб чиққан эдилар.

«Гильгамеш» Шумер ва Аккад, Бобил, Месопотамия – Һозирги Ироқ шоһи кизининг фарзанди бўлиб туғилганлиги сабабли шоһдан кўрққан она томонидан (чунки шоһ Һокимиятни тортиб олади,деб ўлдирмоқчи эди) минорадан улоқтириб ташланади, бироқ бир бургут уни кутқариб олади. Сўнгра уни бир боғбон топиб олиб катта қилган.

Оврупода папа Григорий Великий (IV аср) ғўдаклигида саватга солинган Һолда бир балиқчи томонидан сувдан топиб олиниб, боқиб катта қилинган.

3.1.7.«Веда»лар тили ва уларнинг хусусиятлари

Бу қадимги Һинд тили тарихининг илк босқичидаги тил бўлиб, «Веда»лар («муқаддас таълим») ва «Упанишадалар» («ус-

тоздан шогирдга ўтадиган» сирли насиҳатлар) каби асарларни камраб олади.

Бу тил энг дастлабки шаклида 4 муқаддас тўплам самҳиталарда қайд этилиб «Ригведа» («Алқовлар ведаси»), «Яжурведа» («Қурбонликлар ведаси»), «Самаведа» («Қуйлар ведаси»), «Атхарваведа» («Оташга қурбонлик қилувчининг ведаси») ва улардаги шеърий матнларида мужассам этилган.

«Веда»лар яратилиши тахминан мелоддан аввалги II минг йиллик ўрталаридан тортиб I минг йиллик ўрталаригача бўлган даврга мансубдир. Буларнинг энг қадимгиси «Ригведа»дир.

«Веда»лар тили ўтган давр мобайнида ўзининг яхлитлигини сақлаб келади. 4 та ведалар орасида «Атхарваведа» муқаддас ҳисобланмаслиги билан, қолган 3 тасидан фарқланади. Унинг тили халқ тилига жуда яқиндир. Шунинг учун «Атхарваведа» матни «Брахмана»ларга ҳам яқиндир. Буларнинг тўртталови орасида шева фарқлари ҳам оздир.

Аҳамиятга молик йирик муаммолар тўпламларнинг жуғрофий жойлашуви билан боғлиқдир. «Ригведа» шимоли ғарбга, жумладан, Панжоб ва Афғонистоннинг унга туташган ҳудудларига тўғри келади. Бунга гидронимлар (дарёлар номлари) далил бўла олади.

Қолган тўпламлар жуғрофик жиҳатдан Ҳиндистоннинг жануб шарқ томонига маълум кетма-кетликда тегишлидир.

Эпос, мумтоз адабиёт ва илму фан тили бўлмиш санскритдан «Веда»лар тили нафақат хронологик жиҳатдан, балки грамматик ва шева нуқтаи назаридан ҳам фарқ қилади.

Масалан, фонетика соҳасида «Веда»ларда урғу мусикавий бўлса, санскритда экспираторлик хусусиятига эгадир.

Морфологияда: майллар сони ҳар хил, масалан, «Веда»ларда инъюнктив ва субъюнктив майллари бор, булар санскритда эса йўқ.

«Веда»ларда феълнинг узок ўтган замон шакли мавжуд бўлса, санскритда йўқ. Инфинитив ва абсолютив шакллар ҳам фарқ қилади.

Баъзи бир грамматик шаклларнинг бирикиши ҳам ҳар хил. Масалан: Ведалар тилида аниқлик майлидан ташқари бошқа майллар шакллари бир-бири билан бирикиб келиши мумкин.

«Веда»лар тилида музаккар жинсида кўпликда турли кўшимчалар параллел ишлатилиши мумкин, ваёоланки санскритда уларнинг фақат биринчиси учрайди.

«Веда»лар тилида келаси замон шакли бирмунча кам ишлатилса, санскрит тилида бу хусусият мунтазам тусга кирган.

Синтаксисда: юкламалар каби сўз туркумлар ва баъзи қурилмалар (абсолютивли ёки сифатдошли) турлича ишлатилиши мумкин.

Бошқа томондан қараганда, «Веда»лар тилидаги баъзи хусусиятлар санскритда эмас, балки ўрта ҳинд тилларида кузатилади. Бунда санскритдан фарқли ўлароқ, ўрта ҳинд тиллари ва «Веда»лар тилининг муштарак диалекти асоси кузатилади.

Афтидан, узоқ вақтгача, мелоддан аввалги биринчи минг йилликнинг иккинчи ярмида Ҳиндистондаги тил муаммоси анча мураккаб бўлган. Яъни бир неча тиллар ўз вазифаларига кўра тақсимланган. «Веда»лар тили ибодат, санскрит-адабиёт, илмуфан ва жамиятнинг юқори табақалари вакиллари ўртасида оғзаки алоқа тили вазифасини ўтаган. Ваёоланки, қуйи табақа вакиллари ўрта ҳинд тиллари, пракритларда гаплашганлар.

Мукаддас тил сифатида юритилганлиги туфайли Ҳиндистонда «Веда»лар тили узоқ вақтларгача ва кенг жуғрофий ҳудудларда ишлатилиб келинди. Ҳинд-орий тараққиётининг дастлабки даврларидан бошлаб, то ҳозиргача бу тилнинг нуфузи ва аҳамияти сақланмокда ва Һиндуизм таълимоти билан боғлиқ барча мафкуралар ва билимлар бу билан боғлангандир. Бу тил уларнинг ифодаси ва англаш қуроли бўлган. Ушбу тараққиётларнинг ёнларидан пайдо бўлиб ривож топган буддизм ва жайнизм оқимлари «Веда»лар устиворлигини рад этишга асосланган ҳолда, бошқа тиллар – ўрта-Һинд ва санскрит тилларида ўз фаолиятини олиб борган эдилар.

Ҳинд маданиятининг баъзи соҳалари «Веда»ларни манба матнлар деб биладилар, масалан, «Ригведа»га, алқовлар, урфодатлар, маросимлар «Яжурведа»га ва медицина «Атхарваведа»га таянадилар. «Веда»ларга ижтимоий фанлар ҳам таяниб келган ва баъзан санскрит тилини ведалаштириш ҳодисалари ҳам рўй берган.

3.2. Ҳиндий тили тарихига доир баъзи мулоҳазалар

Сўнги аср давомида ушбу муаммога бағишланган талай асарлар яратилган¹. Аммо булар орасида шубҳасиз С.К. Чаттержийнинг «Бенгал тилининг келиб чиқиши ва ривожланиши» деб аталган иши ҳақиқатдан Ҳинд-орий тиллари оиласига тегишли тарихий изланишларга илмий замин тайёрлаб берди, десак хато бўлмайди. Ундаги кириш қисмини қараганимизда, шунинг ўзи Ҳинд-орий мумтоз филологиясига муқаддима ўрнини коплайди. Шу билан бирга нафақат соф тилшунослик асари бўлиб қолмай, Бенгалистоннинг маънавий ва маданий тарихи билан бенгал тилининг узвий боғланишларини ёритиб берувчи бенгал адабиёти томонидан ижод этилган мукамал ёзма маълумотлар ёритилган матнларга таяниб келади.

С.К. Чаттержий шогирдлари олиб борган тақлидий изланишлар, ундан кейинги ярим аср мобайнида эълон қилинган бўлса-да, уларда С.К. Чаттержий олға сурган асосий ғоя мутлақо кузатилмайди.

Бу ғоянинг моҳияти шуки, тил тарихи ўзига хос бир чизиқли равишда ривожланган қолиплаштирилган тил аломатларини акс эттирувчи кичик қиёсий грамматика бўлиши лозим, деган тушунча мутлақо кузатилмайди.

АҚШ Ҳиндшуносларидан бири тилшунос М. Шапиро фикрича, бундай грамматикани тузиш учун баъзи бир методологик ва терминологик муаммоларни ечиш зарур.

Биринчидан, терминологик жиҳатдан Ж. Грирсоннинг буюк асари «Ҳиндистон тилларини кўздан кечириш» ва С.К. Чаттержийнинг мазкур «Бенгал тилининг келиб чиқиши ва ривожланиши» асаридаги Ҳулосалари, яъни кўпчилик шимолий Ҳинд оғзаки тил шакллари «Ҳиндий» тили тушунчасига киритилганига қарамай, аниқ лингвистик тўхтамларга тўғри келолмайди.

Хусусан, булар орасидаги ғарбий Ҳиндий, ражастһоний ва бихарийлардан фақат биринчиси шундай мезонларга яқинлашиб келса, қолганлари эса ноҲиндий мустақил тиллар гуруҳлари деб талқин қилиниши мумкин.

¹ Монография охирида келтирилган «Библиография»ни қаранг.

Айнан «ғарбий Һиндий» ва «шарқий Һиндий» тушунчаларига «Һиндий тили» атамасини тадбиқ этиш энг чалкаш Һодиса бўлиб туюлади. Бундай ёндашувга биноан, бир қарашда, баъзи бир муштарак манбадан икки турли гуруһнинг тарихий дивергенцияси, яъни бир-биридан ажралиб чиқиш жараёни юзага келади деган фикр пайдо бўлади. Ваһоланки, бу Ҳолат бундай эмасдир, чунки ғарбий Һиндийнинг келиб чиқишига келсак, бунда тарихий муносабатлар Һодисаси аслида нафақат «шарқий Һиндий»га, балки ражастанийга ҳам таалукли бўлиши мумкин. Худди шу тарзда шарқий Һиндийнинг тил алоқалари бихарий тилларига ҳам бориб такаладики, булар унинг ғарбий Һиндий билан бўлган алоқалари каби мустаһкамдир¹.

Шундай қилиб, бутун Һинд-орий оғзаки тилларини асоссиз равишда синфлаштириш ҳар қадамда учраб туради.

Гарчи мазкур тўрттала гуруҳ қадимги Һинд-орий шеваларидан келиб чиқиб, ривожланган бўлса-да, булар орасида энг йирик манба санскрит бўлган, ушбу гуруҳларнинг қадимдан Һозиргача тараққий этиб келишида оддий ва бир текис тарихий йўл бўлмаган. Бундай тараққиёт ҳақиқатда жуда ҳам нотекис ривожланиб бориши жараёнида пракритлар (яъни ўрта Һинд-орий шевалари) ҳамда апабхраншалар (яъни ўрта ва қадимги шевалар орасидаги оралик шевалар) поғоналаридан ўтиб, юқорида кўрсатилган гуруҳларга ўхшаш кенг ва кучли шевалар оқимига кўшилиб келган. Жумладан, Чаттержий асарида ушбу гуруҳларнинг ҳар бири аниқ апабхраншадан келиб чиққанлиги яққол кўрсатилгандир ва бу тамойил унинг Һинд-орий тилларига берган илмий таснифининг асоси ҳам бўла олади.

Аммо бу ерда ҳам хос муаммолар мавжуддир. Масалан, ражастаний ёки марварий тилларига асос солган нагара апабхранша айни пайтда, Һозирги гужаротий тили учун ҳам манба бўлиб келган. Бу тилни эса Һиндий тилининг катъий тарафдорлари ўзларига яқин деб тан олишлари даргумондир. Хусусан, шарқий Һиндий, бихарий ва шунингдек, ория, бенгал ва ассом тилларига арддхамагадхий ота тили Һисобланган бўлса, ундан

¹ Масалан, майтхилий адабиётининг машҳур асосчиси шоир Видйяпати ижоди гоҲо Һиндий, гоҲо Һиндий, гоҲо бенгал адабиётининг доирасига киритилади

келиб чикувчи юкорида зикр этилган сўнги учта тилни ҳам Һиндий тилининг кўринишлари деб тушуниш кийин.

Шу аснода Оврупо тилларига бир назар ташласак, юкоридаги тўртта тил гуруҳи роман ёки олмон тилларига ўхшаб тармоқланган ва хилма-хил кўринишларда юзага келган тилларга жуда ҳам монанд бўлиб туюлади. Бу гуруҳлар Һозирги ҺОТлари тарқалган Һудудларнинг ўрта ҺОТлари поғонасидан кечиб ўтган турли-туман йўлларнинг намуналари бўла олади. Бундай жимжимадор тарихий манзарани кўрганимизда бу ерда «Һиндий» деб аталишига сазовор ягона бирлик кузатилмай, булар балки мазкур атамага аралаш-куралаш мослаштирилган турли тиллар тизмасига ўхшаб турибди.

Биобарин, ажаб эмаски, Һар хил адабий матнлар таҳлил қилинганда, улар шоша-пиша Һиндий тилининг илк нусхалари деб эълон қилинади. Жумладан, Тулсидас ўз асарларини браж ва авадхий қоришмасида ёзган бўлса, Сурдас – бражда, Кабир – шарқий Һиндий тилининг илк шеваларида, Мира Баи эса – қисман браж ва қисман ражастһоний ва гужаротий орасидаги оралик шеваларда ижод қилган. Нанак бўлса, ўз шеърларини панжобий тилидан таъсирланган илк бражда, Видйяпати эса ўз шеъриятини оғзаки майтхилийда яратган. Аммо мазкур асарларнинг барчаси аксар ўзаро тафовутлардан қатъи назар илк Һиндийга мансуб деб Һисобланади.

Лекин ушбу чалкаш Һодисаларнинг охири Һали ҳам кўринмайди. Оғзаки тил нусхаларига нисбатан бўлган бундай тартибсизлик илк адабий матнларга ҳам хосдир. Аслида Һозирги шимолий Һиндистондаги барча оғзаки тил кўринишлари баъзан «Һиндий» деб аталиб, уларнинг лингвистик синфлаштирилишига мутлақо эътибор берилмайди.

«Һиндий» атамасига тўхталиб ўтсак, буни Һозирги пайтда Һиндистоннинг расмий ва қонунийлаштирилган тилларидан бирига тадбиқ этиб келинмоқда. Ўз навбатида бу тил аслида Деһли шаһрининг қурама лаҳжалари ва браж тили билан боғлиқ бўлмиш, аммо унга баробар бўлмаган шевалар аралашмасидан ўсиб чиққан тил бўлиб, ўта санскритлашган тизим сифатида деванагарий алифбосидан фойдаланади. Бу стандартлашган Һиндийнинг келиб чиқиши унчалик узоқ даврларга мансуб

бўлмасдан, тузуми эса регионал оғзаки тилларга нисбатан анчагина четга чиқиш билан ҳарактерланади. Унинг юзага келиши асосан: биринчидан, Һиндучиларнинг уйғониш ҳаракати туфайли содир бўлган Һолда, иккинчидан, Һиндистон мустақилликка эришгандан сўнгги махсус амалга оширилган тадбирлар самараси бўлиб туюлади.

Бу атаманинг келиб чиқиши ҳақида фикр юритганда, Р.С. Мак-Грегор фикрига кўра, «Һиндий» атамаси бирон асосий шева номи бўлмасдан «форс тилидан олинган сифатга ўхшайди, бунинг маъноси «Һиндларга мансуб» ёки аниқроғи шимолий Һиндистон билан боғлиқдир. Бу атама ўзига маънодош «Һиндувий» билан бир қаторда илк бор Һинд мусулмонлари истеъмолида кўзга ташланиб, шимолий Һиндистонда улар ишлатган оғзаки тилнинг шаклини белгилаш учун улар томонидан ишлатила бошланган эди»¹.

Афсуски, баъзан «Һиндий» тушунчасини камровчи маъноларда «урду» ва «Һиндистоний» атамаларининг ишлатилиши натижасида ушбу чалкашлик чуқурлашиб кетди. Шунга ўхшаш, «урду» атамаси ҳам кўп маъноларда ишлатилади. Бу атама XVII асрдан бошлаб «забан-э-урду» яъни «ўрда тили» иборасидан пайдо бўлган. Ушбу атама билан бевосита боғлиқ тиллар ёки шевалар ҳам ўзларининг келиб чиқиш жараёнида Һозирги адабий Һиндий тилининг ташкил топишида Һал қилувчи роль ўйнаган, булар худди ўша Деһли атрофидаги оғзаки лаҳжаларга асосланган.

Бу тиллар ёки шевалар эса ўз вақтида Бобурийлар сулоласи давридаги узоқ давом этган маъмурий ва Һарбий алоқалар мобайнида форс ва араб лексикасини ҳам ўзлаштириб олганлар. Ушбу исломлаштирилган лаҳжалар Деһли музофотларида, Деканда ва бутун шимолий Һиндистонда жадаллик билан кўлланилиб, Һанузгача муомалада бўлган «лингва франка» ёки миллатлараро алоқа воситалари учун пойдевор вазифасини ўтаб келишган. XVIII асрдан бошлаб улар адабий урду тили шаклла-

¹ Mc Gregor R. S. Outline of Hindi Grammar, 1972, p. 64. Бу мулоҳаза Мак-Грегордан анча илгари Шйямсундар Дас асарида берилган бўлиб, аслида Һиндистонга биринчи бўлиб кириб келган мусулмон ажнабийлар уни ишлатган-у, аммо Һинд мусулмонлари эмас.

нишига асос бўлиб хизмат қилганлар. Бу стандартлашган тил араб алифбосидан фойдаланиб, туб ҳинд-орий лексикани тобора тарқ эта бориб, уларнинг ўрнига араб-форс негизли ўзлашма сўзларни қабул қилиш билан ривожлана боради.

XIX асрда Ҳиндистондаги мусулмон миллий ҳаракати авж олиши билан ва ундан сўнг XX аср ўрталарида Покистон давлатининг барпо этилиши туфайли бу анъана кучайиб кетди. «Урду» атамаси ундан ташқари шимолий Ҳиндистон ва Покистонда ишлатиладиган ҳар қандай санскритлашмаган оғзаки тил шакллари ёки ҳар қандай ҳинд-орий типдаги тил алоқа воситаларини белгилаш учун ҳам ишлатилади.

Кенг маънода «урду» атамаси аксар ҳолларда араб алифбосидан фойдаланувчи барча марказий ҲОТ ларига нисбатан ҳам қўлланилади. Масалан, Прем Чанднинг романи деванагарий алифбосида чоп этилса, уни ҳиндий тилига мансуб деб, худди ўша асарнинг ўзи урду алифбосида босилса, урду тилда ёзилган деб эълон қилинади. Ваҳоланки, иккала матннинг тили бирдир.

«Ҳиндистоний» атамасига мурожаат қиладиган бўлсак, унинг қўлланилиши «ҳиндий» ва «урду» атамаларига қараганда яна ҳам ранг-баранг эканлиги намоён бўлади. Гарчи юқорида «Ҳиндистон тили» маъносини билдирувчи бу атама Деҳли атрофидаги ҳарбий лашкароғҳлар теварагидаги лаҳжалар асосида шакланган алоқа воситаси сифатида ишлатилган бўлса-да, у гоҳ «ҳиндий», гоҳ «урду» номи билан эркин равишда номланади. «Ҳиндистоний» атамаси пировардида араб алифбосидан фойдаланган ҲОТлари ёки шеваларининг шимолий марказий лаҳжаларининг ҳар бирига тадбиқ этила бошланди. Бу жиҳатдан у «урду» атамасининг айрим маъноларига ҳам мос тушиб, унга синоним бўлиб қолади. Бунинг устига баъзан бу атама адабий ҳиндий ва урду тилларига асос бўлиб хизмат қилувчи ва умумий грамматик пойдеворли шимолий ҳинд лаҳжасининг ортикча санскритлашув ёки араблашувидан холи бўлган шаклига нисбатан ҳам қўлланиладики, унинг бу хусусиятини назарда тутган ҳолда «ҳиндистоний»ни умумҳиндистон тили даражасига қўтаришни Махатма Ганди ҳам тарғиб қилган эди.

Бундан ташқари бу атама лингвистик жиҳатдан «ҳиндий» ва «урду» тилларига ўхшашидан қатъи назар турли савдо-сотиқ

алокаларида қўлланиладиган ёки унинг «пижин» ёки «креолашган» курама кўринишларида намоён бўлувчи шакллари ҳам билдиради.

«Ҳиндий» тили тарихига доир методологик муаммолар ҳақида фикр юритадиган бўлсак, бундан ҳам мураккаброқ манзара юзага келади. Булар асосан тарихий маълумотларга мансуб мубоҳасали ва ҳал қилинмаган масалалар билан боғлиқ бўлиб, ушбу манбалар маълум тизимга туширилган ва умумлаштирилган Ҳиндий тили тарихи тариқасида баён қилиниши мумкин. Бундай асосга эса киёсий грамматика ёки тарихий реконструкция нуктаи назаридан бажарилган таҳлил орқали ойдинлик киритиш мумкин. Албатта, мукаммал ҳолда Ҳиндий тили тарихи ҲОТлари ажралмас қисми бўлиши лозим. Бу ерда барча ҲОТларининг таснифини ишлаб чиқиб, уларни аниқ гуруҳлар доирасида терминологик тақсимот орқали кўрсатиб бериш лозим. Шунинг учун оғзаки лаҳжалар ва шеваларнинг бошқа турлари махсус стандартлашган тилларга бўйсуниб, уларнинг тизимлари эса шеваларга хос лингвистик жуғрофияда қўлланиладиган усуллар орқали аниқланиши лозим. Бу ишни амалга ошириш учун кенг қўламда ўтказиладиган дала тадқиқотлари жараёнида мазкур оғзаки лаҳжа ва шеваларни бир-биридан ажратиш, уларга хос грам-матик ва фонетик хусусиятларни аниқ равишда ўрганиб чиқиб, уларда сўзлашувчиларнинг сонини аниқлаб чиқиш лозим.

Бундай муаммоларнинг бирортасини ҳам ёлғиз Ҳиндий тили мисолида бартараф этиш амри маънолидир. Юқорида айтилганидек, бу ерда қолиплаштирилган тилларга тобе бўлмиш қуйи табақадаги маҳаллий тиллардан иборат вертикал бўйсунуш (иерархия) деган гап мутлақо ўз ифодасини топа олмайди. Ҳиндий тили минтақаси аслида турли-туман тарихий негиздан келиб чиқувчи оғзаки тилларнинг горизонтал тартибдаги каторидан таркиб топади. Улар ягона стандартлашган тилга бўйсунмай, балки бир савияда бир неча маҳаллий стандартлашган тилларга, масалан, браж, авадхий, бхожпурий ва бошқа савияда ё адабий Ҳиндий, ё адабий урду тилларига тобе бўлади. Бундай ҳолат Овруподаги тил вазиятига бутунлай қарама-қаршидир.

Жумладан, италян оғзаки тили ўз вақтида том маънода юқорига кўтарилиб, илгари адабий лотин тилига мансуб бўлган мавқега эришган. Бу пастдан амалга ошган стандартлаштириш ҳодисасининг яққол далилидир.

Ҳиндий тилига бундай мавқени бериш масаласига келсак, бу аксинча, юқоридан амалга ошган қолиплаштириш намунаси бўла олади. Бунда оғзаки бўлмаган шакллар ҳиндий тилига ёки ташқаридан олиб кирилган, ёки қардош бўлмиш тил оиласининг бундан илгари ривожланиш босқичларидан ҳиндий тилига ўтиб келган. Шимолий ҳинд тиллари ва оғзаки шевалар муносабатлари уларга муқобил бўлган Оврупо тилларидан бошқа жиҳатлар билан ҳам фарқ қилади. Жумладан, агар Оврупо тиллари узоқ давр мобайнида ягона адабий тилга тобе бўлган бўлса, ҳинд оғзаки ва адабий тиллари ўртасидаги муносабатлар ўзгарувчан, қўнимсиз бўлган. Масалан, француз-италян чегаралари атрофидаги тил маконини ташкил этган француз ёки италян тилларининг маҳаллий шаклларида сўзлашувчилар ё француз, ё италян тилининг устунлигини тан олишга мойил бўлиб, бундай муносабат асрлар оша доимий мавжуд бўлган.

Бунга зид ҳолда марказий ва шимолий ҳинд оғзаки шеваларида сўзлашувчилар турли даврларда ўзларини гоҳо асосий адабий ҳиндий ёки урду тилларининг эгалари, гоҳо маҳаллий оғзаки тиллардан авадхий, браж,бхожпурий, ражастһоний ва ҳоказо эгалари, баъзан ҳатто маҳаллий оғзаки шевалар эгалари деб тан олганлар. Бундай тил танлаш ёки тилни онгли қабул қилиш ҳодисалари аксар ҳолларда турли-туман ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ёки тил сиёсати ижодкорларининг таъсирига берилган ҳолда ёки сиёсий ҳаракат ва ижтимоий янгиликлар натижа-сидаги воқеликни акс эттирган эди.

Ҳиндий тили тарихини ёзишга тўсқинлик қилаётган методологик ҳодисалар, асосан, социолингвистик характерга эгадир. Дастлаб шуни айтиш керакки, ҳиндий тили эгаларининг аксарияти икки ёки кўп тиллидир. Зеро, улар учун битта ёки бир неча маҳаллий оғзаки тилларни, шунингдек, регионал, стандартлашган тилни қамровчи тил вариантларининг бутун бир тўпламини билиш мутлақо табиий туюлади. Амалда бу вариантлар улар истеъмолида тенг, эркин равишда бўлмасдан, улардан

хабардор бўлиш чекланган матнларга мос бўлиши ҳам мумкин. Боз устига, маълум шахс билган тилларнинг айримлари унинг ижроси жараёнида ҳар доим аниқ ажратилиши шарт эмас. Биронта тилда гапириш қобилятини намойиш қилиш учун тил соҳиби ўша тилда энг кўп учрайдиган қурилмалар ёки айрим тил хусусиятларини билиши кифоядир. Колаверса, кўп тилли ёки кўп шеваги матнлардаги грамматик қоришувлар истиснодан қўра, аксинча, анъанавий ўхшашликка мойиллиги билан кўзга ташланади. Масалан, Ж. Гамперц ўзининг «Деҳлидаги ҳиндий-панжобий иккитиллилиги»га бағишланган муҳим мақоласида (1964) шуни кўрсатадики, тиллар алоқалари жараёнидаги кўпчилик ҳиндларга хос ўзаро тил муомаласи турли тил шакллари камровчи тузилмалар деб тушуниладиган салмоқли аралашувни ўз ичига олади. Ана шунинг учун Лакхнавада яшовчи бир тилли ҳиндий тили эгасига нисбатан Деҳлида яшовчи ҳиндий-панжобий икки тиллилика эга бўлган шахснинг ҳиндий тилидаги сўзлашуви панжобийга ўхшаш кўринади, ваҳолаки, у гўё «соф ҳиндийда гаплашяпман», - деб ўйлайди.

Юқорида тилга олинган социолингвистик омиллар ҳиндий тили тарихини ёзиш учун кам аҳамиятли эмасдир. Боз устига, бундан илгариги даврларда ҳозиргидан ҳам мураккаб тил шакллари қўллаш ҳоллари бўлмаганлиги хусусида ҳеч қандай далиллар йўқдир. Устига-устак кенг ёйилган икки тиллилик ва тилларни алмаштириб туриш ҳоллари ЎОТларнинг Ҳиндистонга кириб келишидан илгари ҳам юз берганлиги ҳақида асослар ҳам мавжуддир.

Кўп ҳолларда ҳиндий тили тарихига хос бўлган ҳодисалар орасида ялпи луғавий ўрин алмашув, тилларнинг алмашуви ҳамда диглоссия ва оғзаки сўзлашув тил кўринишларига таъсир этувчи нуфузли норматив тил ёки тилларнинг мавжудлиги каби креоллашган тилларнинг ривожланиши учун характерли бўлган ҳодисаларнинг излари ҳам намоён бўлмоқда.

Аммо бу, ҳиндий тили креоллашган тиллар каторидан ўрин олиши лозим, дегани эмас, балки унинг тарихида инглиз, идиш (бу янги яҳудий тил) ва япон тиллари тарихидаги креоллашув элементлари бўлган ҳол кўзга чалинади.

Агар ҳақиқатан шундай экан, бунда ҳиндий тили тарихи нисбатан ижтимоӣ тилшунослик жиҳатидан мураккаб нутқ шаклларининг тарихий тараққиётини баён этиш учун ижтимоӣ тилшунослик ва креолшуносликда ишлаб чиқилаган усулларни қамраб олувчи шаклий лисоний методиканинг ҳиндий тилига тадбиқ этилиши лозимлиги ҳаққоний бўлиб чиқади.

У. Вайнрайх ва бошқалар томонидан 1954 йилда ишлаб чиқилган ва унинг Д. Декамп асарларида (1969 й.) креоллашган тилларини ўрганиш учун қўлланилган «диасистема» тушунчаси ҳиндий тили тарихининг анъанавий усуллар билан ўрганиб бўлмайдиган баъзи томонларини формаллаштириш сари сермаҳсул йўлни очиб беради [34 а].

Ҳиндий тили тарихининг креоллаштириш элементларига эга эканлиги даставвал ақлга сиғмайдиган ҳол, бўлиб туюлиши мумкин, бироқ бу фикрни бутунлай асоссиз деб ҳам бўлмайди. Бу ғоя аслида ҳозирги маратхий тилининг ривожланиши креоллаштириш элементларини қамраганлиги ҳақидаги (1971) Ф. Саутворф илгари сурган тахминини эслатади. Унинг фикрига кўра, айнан маратхий тилининг келиб чиқиш жараёнида ҳинд-орӣ ва дравид тиллари асосий белгиларининг қоришуви юз берган. Ҳақиқатан ҳам, М.Б. Эмено туфайли 1956 йилдан бошлаб шуҳрат қозонган «ҳинд тили минтақаси ёки иттифоқи» назарияси замирида Жанубий Осиёдаги ҳинд-орӣ, дравид ва мунда тилларида муштараклик аломатларининг шаклланишида креоллаштириш жараёнлари муҳим роль ўйнаган, деган тушунча ётади. Бундай ҳодиса, афтидан, мазкур учала тил оилалари ўртасидаги илк лисоний алоқалар даврида содир бўлган бўлса керак.

Шунда юқорида тилга олинган лисоний ҳодисанинг мураккаб томонларини фақат XIX асрга мансуб тарихий ва киёсий тилшунослик усуллари ва тамойиллари ёрдамидагина тасвирлаб бўладими, деган савол туғилади. Жумладан, ёш грамматикачилар назариясига кўра, лисоний вариантланиш тил иттифоқидан қатъи назар тил жамоасининг баъзи айрим қисмларига таъсир килувчи ўзгаришлар орқали рўй беради.

XIX аср тарихий тилшунослиги усулларига кўра тил оилалари тарихий тараққиётидаги генеалогик шажаранинг турли тармоқлари грамматик ёки нограмматик характерга эга талаф-

фуз ёки тил қурилмаларини ўз ичига олган ҳамжинс ва структуралашган тил кўринишларидан иборат бўлиши лозим. Бундай ёндашувни тиллар тарихига тадбиқ этар эканмиз, унга биноан тиллар ва шевалар ўртасидаги муносабатлар мутлақо генетик бўлиши шарт. Хусусан, аниқ бир тил тарихида турли-туман ташки таъсирларнинг ҳар қандай имконияти рад этилади. Шунинг учун ҳиндий тили сингари тиллар ёш грамматикачилар тарғиб этган усуллар асосида тарихий жиҳатдан ўрганилиши мумкин эмас. Бу усуллар ўз навбатида турли сарчашмалардан келиб чиққан сўзлашув тилларининг сунъий чатишуви натижасида ёки унинг сўзлашув шаклларида бирини онгли санскритлашуви жараёнида юзага келган шаклининг стандартлаштирилган ҳолда яратилган тилнинг тараққиётини тадқиқ этиш учун қўлланилиши мумкин эмасдир. Демак, ҳозирги ҳиндий тилининг ижтимоий тилшунослик доирасидаги оғзаки вариантлар, маҳаллий стандартлашган тиллар ҳамда стандартлашган адабий тил кўриниши ёки, борди-ю, урду тилини кўшганда кўринишлари ўртасидаги нозик алоқаларни ҳам ёш грамматикачилар таълимотидаги тарихий ўзгаришлар натижаси деб таъбирлаб бўлмаслиги аниқдир.

Ва ниҳоят, ҳиндий тили тарихини тасвирлашга мос тушувчи маҳсулдор ёндашувни ташкил эта оладиган тилакларни билдириш лозим. Албатта, бундай ёндашув марказида У. Вайнрайх ишлаб чиққан ҳамда 1965йилда идиш, яъни янги яҳудий тилининг шевашунослигини ўрганишда қўлланган «диасистема» тушунчаси бўлиши лозим. Бу тушунча аслида битта ёки ўзаро боғланган бир қанча турли нутқ шакллариининг тил хусусиятларини қамраб оладиган оддийгина грамматикадан иборат бўлади. Бунда, шубҳасиз, вариантлашувчи тил ва шевалар учун муштарак бўлган хусусиятлар, улардаги фарқ қилувчи хусусиятлар алоҳида кўрсатилиши лозим. Буни амалда бажариш учун диасистемани ташкил этувчи ҳар бир тил шаклига хос хусусиятларнинг назарий тизим ва хусусий грамматик белгилар гуруҳларининг исталган миқдорда умумий мажмуасини яратиш мумкин.

Ҳиндий тили тарихи бошланишини акс эттирувчи эътиборга молик соҳа сифатида айнан апабхранша босқичи танлаб олинishi лозим, буни шаврасений ва арддхамагадхий апабхраншалар-

даги хусусий грамматик тузилмалардан таркиб топган диасистема атамалари орқали тасвирлаш лозим. Бу диасистема ўз навбатида ғарбий ва шарқий Ҳиндий тоифаларига кирадиган тиллардан ташкил топадиган ундан анча кенгроқ диасистема қўламида жойлаштирилиши лозим. Бироқ бундан, шубҳасиз, ражастаноний ва бихарийни чиқариб ташлаш даркорки, улар тобора Ҳиндий тили шевалари эмас, балки мустақил тил сифатида тан олиниб борилиши аёндир.

Шу билан бирга ушбу тиллар мазкур диасистемадаги тил ва шевалар билан узоқ вақт давомида алоқада бўлган ҳолда уларга кучли таъсир ўтказиб келганлигини тан олиш керак. Шунинг учун мазкур тарихни иккала турдаги ўзаро таъсир яъни бир томондан ражастаноний ва бихарийларнинг таъсирлари ўзаро тарзда ўтганини ҳам биргаликда кўриб чиқиш усулида тасвирлаш лозим.

Том маънода олганда Ҳиндий тилини тамомила акс эттирадиган диасистемада Ҳиндий тили минтақасида мавжуд бўлган социолингвистик вариантланишнинг кўп ҳолларини тасвирлаб олиш керак. Буни, албатта, у ерда аниқ тарқалган жуғрофий вариантланишга қўшиб ўрганиш лозим. Ҳеч бўлмаса, у тилнинг турли социал шеваларини ажратиб, улардаги истёмоқ контекстларини туркумлашга тўғри келади. Колаверса, Ҳиндийга хос меъёрлашган ва унга қарши турган оғзаки сўзлашув услублариаро муносабатларни назарий жиҳатдан англашга тўғри келади. Бундай моделга мураккаблаштирган ҳолда тиллар алмашуви, креоллашув ва диглоссия томонлари ҳам киритилиши зарур.

Шу аснода, афсуски, Ҳиндий тилини тўлиқ равишда акс эттирадиган социолингвистик кўриниши жуда етарли даражада бизгача етиб келмаган. Бу диасистемага қўшиб бериладиган маҳаллий шеваларга тегишли материал мавжуд бўлгани учун уни диасистемага осонгина киритса бўлади. Жумладан, шу тарздаги қуйидаги хусусиятларни қамровчи диасистемани тузиш мумкин: а) Ҳиндий тилининг барча кўринишларида портловчи ундошларнинг 5 хил локал қатори тенг фарқланади; б) сирғалувчи s', sh, ва S ларнинг уч хил қатори Ҳиндий тили минтақасининг барча регионларида учрайдиган ўта санскритча контекстларда аниқ фарқланади; в) қўпчилик шеваларга хос s' ва sh ларнинг фарқла-

ниши меъёр сифатида белгиланса, буни айникса шарқда жойлашган ҳиндий тилининг кўпчилик ностандарт кўринишларида ягона шивирловчи ундошга айланиши кузатилади.

Ўтган бир неча ўн йилликлардан бери ҳиндий тилига хос мураккабликнинг социолингвистик масалаларига оид анчагина адабиётлар чоп этилган эди. Зеро, бу адабий стандартлашган ҳиндий ва кўпчилик оғзаки сўзлашув тилларининг муносабатлари хусусида билимга эгамиз. Худди шу тарзда бу тил кўринишларидаги кетма-кетлик турлари ва тилнинг креоллашган шакллари таркиби ҳақида ҳам маълумотлар бор. Аммо ҳиндий тилининг социолингвистик тарихини тиклаш учун ҳозирги тил муомаласининг социолингвистик томонларидан ташқарида мавжуд ҳодисаларни ҳам қамраб олиш керак.

Бу йўсинда энг катта муаммо тарихий социолингвистик маълумотларнинг етмаслигидир. Гап шундаки, афсуски, ҲОТларининг қайд этилган тарихи матнлар тарихи билан чеклангандир. Аммо адабий шеваларга келсак, булар ҳиндий диасистемаси матнлар асосида тузилган тақдирда бу тадқиқотнинг фақат битта компонентини ташкил қилиши мумкин. Бу эса гўё айсбергнинг кўзга кўринувчи қисмларини тасвирлаш билан тенг бўлади. Бундай қийинчиликлар ҳиндий тилининг илк босқичларига оид мавжуд маълумотлар асосан шеърий матнлардан иборат бўлиб, улар шеваларни фақат адабий ёки маданий мақсадларда қўлланганини акс эттиради.

Шунга қарамасдан ҳиндий тилининг мураккаб тарихини тиклашда баъзи социолингвистик тўсиқларни бартараф этиш масаласи асосий омил бўлиши керак. Бу ерда даставвал қилинадиган иш-мавжуд муаммоларни ҳал қилиш жараёнида «тарихий диасистема» тушунчасини ўзига хос маҳсус андоза сифатида ишлатиб, қўлга киритган маълумотларни унга қиритиш мақсад-га мувофиқ бўлади.

Маълумотларнинг ҳаммасини тўплаш жараёнида умумий модел доирасида тилнинг илк босқичларини акс эттириш учун адабий асарларга киритилган маҳаллий сўзлар ёки иборалар, қотиблар хатолари ёки ҳинд ўлкаларидан тил ҳодисалари ҳақида хорижий сайёҳлар берган маълумотларни назарга олиш лозим.

Аммо бунга тегишли маълумотлар жуғрофий характерга эга бўлиши лозим.

Шубҳасизки, Һиндий тилининг тарихини яратиш осон иш бўлмай, бир қатор атамашунослик ва методологик муаммоларни Һал этишни талаб қилади. Бу вазифа эса бошқа тиллар тарихини ёзишдаги муаммоларга қараганда анча масъулиятлидир. Юқоридагиларга қўшимча Һолда, Һиндий тилида сўзлашувчиларнинг сони ва уларнинг тил тарихи жараёнидаги хизматлари муһим эканлиги мазкур вазифани ниһоятда долзарб ва ечилиши зарур бўладиган масалалар қаторига киритади.

Ўтмишда бу йўналишда қатор уринишлар юз берган бўлса-да, улар қўпинча схематик ёки ўта қисқа ахборотлардан иборат бўлганлиги туфайли, шунингдек, фақат санскрит, пракрит ва стандартлашган Һиндийга тегишли маълумотлардангина фойдаланилиб, бошқалари эътибордан четда қолганлиги сабабли бундай тадқиқотлар изланишни ниһоятда соддалаштириб юборган эди. Ваһоланки, асл манзара бутунлай бошқачадир. Шубҳасиз, (1926 й.) бенгал тилига оид ўзининг буюк изланишининг маҳсули бўлмиш асарида С.К. Чаттержий Һозирги ҺОТларнинг тарихини филологик ўрганилишига қўшган буюк Һиссасига бундай уринишларни тенглаштириб бўлмайди.

3.3. Амир Хусрав Деһлавийнинг Һиндавий тилидаги асарлари аслияти хусусида

Һозирги замон илмий адабиётида Амир Хусрав ўрта асрлар форс-тожик шеъриятининг классикларидан бири ва жаһон адабиёти хазинасига кирган қатор юксак бадий асарлар муаллифи сифатида танилади.

Ваһоланки, Һиндий ва урду адабиётининг шаклланиши Һам унинг номи билан чамбарчас боғлангандир. Жумладан, у тарихда илк бор Һиндавий тилида форс адабиётининг шеърӣ усуллари билан Һамда форс-араб лексикасидан фойдаланувчи шоир сифатида тан олинади.

А. Хусрав (1253–1320 й.) яшаган ва ижод қилган давр Һинд тиллари тарихида ўша пайтда «Һиндавий» ёки «деһлавӣ» каби номлар билан атаб келинган илк Һиндистонӣ тилининг шаклланишидаги энг муһим босқичлардан Һисобланади.

Аммо Ҳанузгача Ҳиндавий тилида яратилган А. Хусрав мероси у қадар улкан бўлмаса ҳам (тахминан минг мисрадан иборат), бироқ, Ҳиндий ва урду тилларининг ўта мураккаб тарихидаги кам ўрганилган асарлар қаторига киради. Бунинг боиси шуки, шоирнинг асарлари кўпинча халқ оғзаки ижодининг зарбулмасал, мақол, матал, Ҳикматли сўзлар каби туркумига мансуб бўлиб, бизгача билвосита, яъни халқ кўшиқлари ва алқовлари шаклида етиб келган. Шунинг учун буларнинг муаллифлик ва хронологик аслияти масаласи жуда жиддий ва мукаммал илмий исботга муҳтождир¹.

Бу йўналишда Ваҳид Мирза ва М.А. Чирийкотий каби кўзга кўринган филологларнинг қўшган Ҳиссаси салмоқли бўлиб, уларнинг тахминича, А. Хусравнинг кўп тилларнинг билиши ва Ҳиндавий тили муаллифи Ҳисобланиши унинг волидаси асли Ҳинд бўлганлигидан келиб чиқади. Бу Ҳақдаги бевосита далиллар шоирнинг форс-тожикча асарларида топилиб, масалан, «Гурратул камол» маснавийсида кузатилади. Шуниси ҳам қизиқки, унинг форсча асарларида нафақат Ҳиндавий тилида битилган айрим сўзлар учрайди, балки форс-Ҳиндавий омухта шеърлари ҳам мавжуд бўлиб, улар махсус «рехта» услубида ёзилгандир.

Фикримизча, мазкур далиллар етарли бўлмай, бу ерда биринчи ўринда лингвистик исботлар муҳимдир. Шунингдек, А. Хусрав тилининг хусусиятларини тўғри талқин қилиш учун биринчидан, унинг асарларига хос тил аломатларини шоир яшаган Ҳудудларда тарқалган шевалар билан солиштириш керак. Бу ишга қарай болий ёки Ҳиндистоний, бангару, бунделий ва каннавжий каби қарбий шеваларни, ҳамда аваҳий ва бағһелий каби шарқий шеваларни ҳам жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Иккинчидан, бу муаммога илмий ёндошиш учун матннинг хронологик аслиятини синхрон лингвистик намуналар билан чоғиш-

¹ А.Хусрав қаламига мансуб этиладиган Ҳиндавий, форсий ва арабча синонимлар дўғати «Халик бари» бизгача тўлиқ ҳолда етиб келмаган бўлса-да, у аслида бутунлай бошқа шахс ва нисбатан анча сўнгги даврга, яъни XV асрга тегишли бўлиб чиққан. Бу далилни машҳур Ҳинд-Покистон тилшуноси Мавлавий АбдулҲақ ишонарли исботлаб берган (қ. АбдулҲақ. Мисли хаалик барии. «Қадиим урду» китобида. Караачии йили кўрсатилмаган. –Б.198.

тириш ўта муҳимдир. Худди шундай вазифалар ушбу тадқиқотнинг асосий мақсадини ташкил этади.

Амир Хусрав марказий Ҳиндистон, ҳозирги Итавага яқин Патияли деган жойда таваллуд топган, бу жой эса каннавжий шеvasи доирасида бўлиб, авадһий тил ҳудудига чегарадошидир.

Бундан ташқари, сарой шоири бўлганлиги сабабли ва икки ҳукмдорга замондош бўлгани ҳолда А. Хусрав ўз тождорларига турли юришларда ва сафарларда ҳамроҳ бўлиб, Деһли салтанатининг турли ўлкаларида, жумладан, Мултонда (5 йил), Аудда (4 йил) ва Лохўрда (3 йилча) яшаган эди. Мазкур ўлкаларда асосан панжобий ва шарқий Ҳиндий шевалари муомалада бўлган. Бу фактлар «Нуҳ сипеҳр» номли маснавийда ҳам бевосита Хусравнинг ўзи томонидан қайд этилиб, бу ерда мултоний, лоһўрий, деһлавий ва бошқалар катори, Хусрав томонидан, «дарий тилидан юксак, аммо араб тилидан қуйироқ турган» санскрит тили ҳақида ҳам зикр этилган¹.

Бу масалани тўла-тўқис ёритиш учун Хусрав даврига мансуб Ҳиндистоний шеvasида ёзилган асарлар йўқлиги унинг асарлари аслияти муаммосини ёритишни анчагина мушкуллаштиради. Бунинг асосий сабаби ўша даврда, яъни XIII–XIV асрларда Ҳиндистоний кўпроқ оғзаки алоқада, ишлатилиб, расмий ва адабий соҳаларда форс тили ҳукмрон бўлганлигидадир.

Натижада Амир Хусрав асарларини ўша даврдаги Ҳиндий ва урду тилларига доир яқка-ю ягона лингвистик манба сифатида тан олишга тўғри келади; чунки, умуман олганда, шимолий Ҳиндистонийда XVIII аср бошларигача яратилган адабий анъанадан биз ё тарқоқ ҳолда бошқа тиллар ва шевалардаги адабиётларга оид матнларга киритмалар, ё бизгача яхлит ҳолда етиб келмаган ва онда-сонда учрайдиган узук-юлуқ асарлардан дарак ола биламиз.

Бундан фарқли ҳолда жанубий Ҳиндистоний-дакһиний (XIV–XVIII асрлар) адабиётини оладиган бўлсак, унинг мавжуд шеърӣй ва насрий нусхалари юқорида пайдо бўлган бўшлиқни қоплай олади деб айта оламиз.

Бу адабий мулкнинг асосчиси машҳур шоир, файласуф ва сўфӣй авлиё, устоз Хўжа Банданавоз Гейсудароз Сайид Муҳам-

¹ Шеваларга тегишли маълумотлар [89]дан олинган.

мад Ҳусайний (1321–1422й.)дир. Бу муаллифни Амир Хусрав замонадоши деб ҳисоблашга етарли асос бўлмаса-да, баъзи бир киёсий тадқиқотларни олиб борса бўлади.

Ўзи жанубий Ҳиндистондаги Давлатобод шаҳрида таваллуд топишига қарамасдан Гейсудароз ўз даврининг энг обрўли тасаввуф устозларидан бири бўлиб, Ҳаётининг 20 йилини шимолӣ Ҳиндистонда ўтказганлиги сабабли, унинг асарларида акс этган тил Ҳиндистонийдан унчалик фарқ қилмайди.

Сабаби, биринчидан, дастлабки дақҳиний даставвал Ҳиндавий тили асосида ташкил топиб, ривожланган эди. Иккинчидан, А. Хусрав ва Гейсудароз яшаган давр оралӣғида бори йўғи бир неча ўн йил мавжудлигини ҳисобга олмаса ҳам бўлади, чунки бу вақт мобайнида тил тизимида жуда жиддий ўзгаришлар содир бўлиши даргумон. Шунга кўра А. Хусрав шеърӣй асарларининг аслиятини аниқлаш муаммосига бевосита яқинлашгани-мизда синхрон таққослашга энг мувофиқ манба сифатида илк Ҳиндистонийда битилган Гейсударознинг «Меражул-Ошиқин» рисоласини жалб қилиш мақсадга мувофиқ туюлади¹.

3.3.1. Орфографик хусусиятлар

Асосан булар бир неча аспектда, жумладан синхроник, диахроник ва ўзлашма сўзларни Ҳиндистоний ёзув воситалари орқали ифодалаш нуқтаи назаридан кўрилади.

1) **Синхрон** жиҳатдан қараганда турли ёзув ифодасига эга бўлган бир хил маъноли сўз жуфтлари мавжудлиги кўзга ташланади. Масалан, лагнаа - лаагнаа «бошламоқ, ёқмоқ» (109+++140, 145, 147, 152)², рақһнаа-раакһнаа «қўймоқ, ушламоқ» (103+139+++140+). Ушбу жуфтликларда қисқа ва чўзиқ ‘а‘ (‘а’ – ‘аа’) товушларнинг белгиларини таққосласа бўлади. Худди шундай ўхшашликлар Ҳозирги Ҳиндистонийнинг оғзаки шаклларида ҳам кузатилади. Ушбу Ҳодиса Гейсудароз тилига ҳам хос, масалан, нақ – наак «бурун» (М.А.61++62++...). Бундан ташқари дақҳиний тилининг бошқа назмӣй асари Низомӣй Би-

¹ Қаранг: [12а], [227].

² Бу ердан бошлаб ушбу бўлимда учрайдиган рақамлар ушбу Ҳодиса учраган бетларни кўрсатади.

дарий деган шоирнинг «Кадамрао ва Падамрао» маснавийсида ҳам мавжуддир, масалан: бхаг – бхааг «тақдир» (К.П.65).

2) Диахроник томони ҳозирги тилга нисбатан ёзув жиҳатидан фарқ қилувчи сўзларнинг имлосида кўринади. Бу ерда, хусусан, ‘а’–‘аа’ типдаги ўхшашликлар: паатхар (Х.Б.88; К.П.65) «тош», киёсланг ҳозирги ҳиндийда паттхар; баатии – баттии «шамчироғ, фонус»; каал (Х.Б.100) – ҳиндий кал «кеча» ва ҳоказо. Бу сўзлар муаллифлик аслияти шубҳали бўлмиш «Хаалик Баарии» тилида кузатилса-да, унда ҳозирги оғзаки ҳиндистонийга ҳам хос бўлган ўхшаш вариантлар ҳам осонгина топилади.

3) **Араб-форс тилидан ўзлаштирилган сўзлар** гарчи Амир Хусрав асарларида кўп бўлмаса-да (10-25%), буларнинг ёзилиши оғзаки тилга яқинлаштирилган, яъни **соддалаштирилган** шаклда қисман берилган бўлиб, ассимиляция жараёнидаги фонетик ўзгаришларнинг тўла акс эттирилишидир. Буларда «ш»дан «с»га ёки «з»дан «ж»га алмашиши каби юзаки ўзгаришлар (масалан, сарм (137) форсча шарм «уют»дан, баажии (133, 134) форсча баазии «ўйин»дан ва жор (132) форсча зор «куч, кучли») билан бир қаторда анча мураккаброқ график ва фонетик ўзгаришлар ҳам мавжуддир. Жумладан, буларга хваа нинг кхаа ҳамда тое белгисининг «те» белгисига ўзгариши ҳамда чўзиқ «аа»дан сўнг келган «ш» товушидан илгари турган «д» товушининг тушиб қолиши мисол бўла олади. Бундай хусусиятларни қуйидаги сўзларда кўришимиз мумкин: кхаажаа (129+125 +149+++156) арабча хваажаа «хўжа»дан ва баашаа (125+) форсча паадшааһ «шоһ»дан. Кўрсатилган мисоллар илк даққиний тили учун ҳам айнан хосдир, масалан: зарраһ дан зарраа «зарра» (М.А.71+) ва ҳоказо. Бу эса оғзаки ҳиндистоний учун ҳам, ғарбий ва шарқий ҳиндий шевалари учун ҳам муштаракдир.

3.3.2.Морфологик хусусиятлар

Булар айрим грамматик категорияларга қараганда кўпроқ кўзга ташланади ва шу тариқа парадигмалар қурилиши нуқтаи назаридан қараганда тил шаклларининг тузилиш тизимини яққолроқ тиклашга имкон беради. Бир томондан оддош шакллар ва иккинчиданн - феълдош шакллар кўриб чиқилган.

1) Отдош шакллар тузилиши Һиндистонийга хос бўлган «аловчи» усулга қараганда «оловчи» усулнинг устунлиги билан ажралиб туради. Бу асосан от, сифат, сон ва баъзан олмошлардаги отдош қўшимчаларни таҳлил қилганда кузатилади. Масалан, ачанбо «һайрат» (117) киёсланг: Һиндий ачанбаа, баРо «катта» (134) киёсланг Һиндий баРаа, нанго «яланғоч» (137) киёсланг: Һиндий нангаа, аадхо «ярим» (108 дан) киёсланг: Һиндий аадхаа, меро «меники» (136,148,149) киёсланг: тадбхава мераа. Шу билан бирга бу Һодиса феъл шаклларига ҳам тадбиқ этилиши мумкин, жумладан, тугалланган сифатдошларга: гайо «кетган» (131), киёсланг: Һинди гайаа; чаРо «чикиб олган» (132) киёсланг: Һиндий чаР-хаа. Аммо функционал жиҳатдан «оловчи» шакллар мунтазам равишда ишлатилса, феъл шакллари онда-сонда ёки кам учратилади.

Юқорида таҳлил қилинган шаклларнинг келиб чиқиши масаласига келсак, шуни айтиш керакки, булар браж, каннавжий ва бунделий шеваларининг хусусиятларига кирган Һолда, бу шевалар «аловчи» шеваларнинг гуруҳини ташкил этувчи Һиндистоний ва бангарулардан фарқли ўлароқ «оловчи» деб аталади.

2) **Сон категорияси** Амир Хусрав тилида турлича ифодаланади. Сабаби, бу ерда грамматик маъноси бир хил, аммо шева жиҳатидан Һар хил бўлган бир қатор морфемалардан фойдаланишидир. Масалан, муаннас жинс оти баат «сўз, нутқ»дан тузилган бир неча ёки аанқх «кўз»дан иккита қўплик шаклларнинг кузатилиши мумкин.

А. Хусрав асарларида- ги қўплик шакллари	илк дақћин ий шакллари	Ш Е В А Л А Р					Һозирги адабий тил
		бангару	браж	каннавжий	бунделий	авадхй	
аанкх==эн	--	--	+	+	--	--	+
аанкх=йаан		+	--	--	+	--	--
баат=эн	--	--	+	+	--	--	+
баат=аан	+	+	--	--	--	--	--
баат=йаан	+	+	--	--	--	--	--

Шу билан бирга қўпликни ифодалаш учун ҳам воситали, ҳам бош келишикни ифодаловчи қўшимча қўлланилади. Бу қўшимча

аслида ғарбий шевалардан браж, каннавжий, бунделий учун характерли бўлиб, авадхий ва багхелий каби шарқий шеваларда ҳам учраб туради. Бундай тузилган шакллардан ўрганилаётган тилда энг кўп ҺонТан «оғиз, лаблар» (139, 140) шакли кузатилади ва бу шаклни Һозирги Һиндийдаги бош келишик шакли ҺонТ хамда воcитали келишикдаги ҺонТон шакллари билан таққосласа бўлади.

3) Отлар морфологиясини тағлил қилганимизда шунга эътибор бериш лозимки, А. Хусрав тилини Һозирги адабий Һиндистонийдан узоқлаштирувчи, аммо шеваларга яқинлаштирувчи хусусиятлар мавжуддир. Жумладан, ужжал илк дақһиний шакли бўлмиш Тханд «совук» (М.А.:62) билан ва бошқа томондан авадхий шевасидаги конунан ундош билан тугайдиган сифатларга бой авадхий шеваси билан бу Һолни чоғиштира бўлади. Бу хусусият, афтидан, чоғиштиралаётган тиллар учун бир ўхшашлик бўлган бўлиб, шарқий ва ғарбий шеваларини ажратувчи омиллардан биридир.

4) Феъл шаклларининг тузилиш тизимига келганда, булар ўта ранг-баранглик билан ажралиб туради ва биринчи навбатда -ват, -ат, -ит кўшимчалари билан ясаладиган нотугал сифатдошларда яққол сезилади. Жумладан, чалнаа «юрмоқ», дэнаа «бермоқ», дэхнаа «кўрмоқ», лагнаа «ёқмоқ». Масалан: чалат «юраётган, силжиб юраётган» (104,103+138), киёсланг: тадбхава чалтаа (музакккар, бирлик), чалтии (муаннас), чалте (музаккар, кўплик), дет «берувчи» (132+135,137), киёсланг: детаа, детии, дете; декхат(-ит) «кўраётган» (113,136 137, 138), киёсланг: лагтаа (-тии, -те); лагат «ёкаётган» (137,139+), киёсланг: лагтаа (-тии, те). Бундай сифатдошлар боғловчи феъл билан тусланувчи шакл бўлиб қўлланиши мумкин. Масалан: аават Һэй «келаяпти» (120, 133), карат Һэй «килаяпти» (114, 136), жаанат Һэй «билади» (129+...).

Бундай жиҳатлари билан Һиндистоний нафақат ғарбий, балки баъзи шарқий шеваларга ҳам, жумладан, авадһий ва багхелийларга ўхшаб кетади.

5) Айрим Һолларда феълнинг шахссиз шаклларида инфинитив, абсолютив ва Һаракат номи иштирок этиб, улардан -кар ва -ко кўшимчалари билан тузилган абсолютивнинг икки шакли учрайди. Биринчисида негиз сифатида истак майли шаклидан

фойдаланилган бўлса, жумладан, аай=кар «келиб» (147+), киёсланг: тадбхава аа=кар, иккинчисида негизнинг ўзи ишлатилган, масалан, жаа=ко «бориб» (130, 136).

Инфинитив шакли эса -ан(-н) морфемаси орқали ясалади. Масалан: бичхара=ан лагаа «айрила бошлади» (139, 140), киёсланг: тадбхава бачхар=не лагаа; со=н дет «ухлатадиган» (137), киёсланг: тадбхава со=не детаа. Ташкил топган инфинитив шакли ҳаракат номини тузиш учун негиз сифатида ишлатилиб, унга махсус -һаараа (-һаар) морфемаси қўшилади. Жумладан, деван=һаар «берувчи, берадиган, хайрия берувчи» (146), киёсланг: Һиндий дене=ваалаа. Бундай шаклларнинг барчаси Һиндистоний оғзаки сўзлашуvidан Һам, шевалардан бангару, браж, меватий Һамда панжобий тилидан Һам келиб чиқиши мумкин. Бизлар учун булар жуда Һам аҺамиятли бўлади, чунки улар синхрон обида «Мерааж ул-Аашикиин»да мунтазам ёки актив учрайдиган шакллардан Һисобланади.

б) Бу ерда Һам шахсли, Һам шахссиз шакллар тузилишида =се морфемаси адабий Һиндий учун хос бўлган =гаа(-гии,-ге) морфемаси билан бир каторда тенг ишлатилади. Масалан, жаа=се «кетажак» (134, 139, 140+), жааве=гаа. Буйрук майли тузилишида эса =йо морфемаси асосий рол ўйнайди, масалан: аа=йо «кел, келгин» (128, 132, 133, 133, 134), киёсланг: Һиндий аа=о; де=йо «бер»(127), киёсланг: Һиндий до.

Ушбу морфемалардан фойдаланиш парадигмаларни текислашга мойилликдан далолат беради. Жумладан, аанаа, пиинаа каби унли товуш билан тугайдиган ўзакли феъллар сингари истак майл шакллари раһнаа «яшамоқ, қолмоқ» феълдан =ве форманти орқали тузилади. Масалан: раһ=ве «қолар»(119), ваһоланки адабий Һиндийда бундай вазифани =е морфемаси бажаради, жумладан, раһ = е. Бошқа мисол тариқасида тугал сифатдош шакллари адабий қолиплашган Һиндий тили тизимида «нотўғри» феъл Һисобланган карнаа «қилмоқ» феълдан кар = ии «қилган» (муаннас бирлик) (124+) тузилиб, буни адабий шакл бўлмиш кии дан фарқласак бўлади.

А. Хусрав асарларида ўз аксини топган илк Һиндистонийнинг морфологик тизими Һозирги замон тилига қараганда шундай архаик аломатларга бойки, булар назаримизда ўрганилаётган матн-

ларнинг аслиятини тасдиқловчи далиллардан бири деб тан олиниши лозим. Бу жиҳатдан ушбу шакллардан ҳозирги замон негизлари фузия характерига эга эканлиги ҳам аҳамиятлидир. Масалан, батаа=ве «сўзлайди» (103, 104), киёсланг: ҳиндий батаатаа ҳэй; кар = е ҳэй «килади» (122), киёсланг: ҳиндий картаа ҳэй; кар = эн ҳэй «киладилар» (105), киёсланг: ҳиндий карте ҳэйн. Уларни махсус тарзда бундан сўнгги шакллар билан чоғиштирганда шу нарс аниқланадики, қурилайётган парадигма XV, XVII ва IX асрлар (жумладан, Мирзо Ғолиб) тилида кузатилиб, ҳозирги тиллардан кишлоқ минтакаларда ва иккинчи томондан браж шевасининг баъзи ҳудудларида ҳам сақланиб қолган.

Илк ҳиндистонийдаги шаклларнинг ўта қўплиги билан ажралиб турувчи сўз туркуми олмош тизими бўлиб, булар турли шеваларга хос тузилмалардан иборатдир: Бу ҳодиса қуйидаги жадвалда кўрсатилган:

ШАКЛ		Ушбу шаклнинг шеваларда ишлатилиши						
		сўзлашув ҳиндис- тоний	Ғарбий шевалар				шарқий авадхий	илк дақһиний
			бангару	браж	канна вжий	бунде- лий		
Мо	1-шахс бирлик шахсли шакл	--	--	+	+	+	+	--
Туун	2-шахс бирлик шахсли шакл	--	+	--	+	+	--	+
Тейн	2-шахс бирлик шахсли шакл	+	--	+	--	+	+	--
Ваа	3-шахс бирлик шахсли шакл	+	ваах	--	--	--	--	--
Уу	3-шахс бирлик шахсли шакл	--	--	--	--	+	+	+
Мераа	2-шахс бирлик муаннас эгалик шакли	+	--	--	--	моро	мор	--
Жэ- коии	нисбий шакл	--	?	--	--	же	же коуу	+
Коии	ноаник шакл	+	--	+	кону	коуу	коуу	+

Жадвалда келтирилган мисоллардан кўринадики, изоморф шакллар кўпинча (яъни 9дан 5та) ҳодисаларда бунделий ва тўрт мартадан илк дақҳиний, авадхий ва сўзлашув ҳиндистонийда такрорланиб келади. Бу ҳодиса ҳиндавий морфологиясининг мазкур шеваларга ўхшашлигига ишора қилади.

7) Равиш ва кўмакчи юклама ва орт кўмакчилари каби боғловчи сўз туркумларнинг морфологик хусусиятларига келганда, булардаги хусусиятлар сўзлашув ҳиндистоний ва илк дақҳинийларда ўз аксини ҳам топади. Буни биз қуйидаги жадвалда энг кўп ишлатиладиган шакллар мисолида кўрамыз:

Шакл	сўзлашув тили ҳин- дистоний	илк дақҳиний
<i>жуун...туун...ҳам...ҳам</i>	+	+
<i>со</i> (шунда) (боғловчи сўз)	+	+
<i>наа/эмас/</i> (инкор юкламаси)	+	+
<i>те</i> чиқиш келишиги орт кўмак- чиси (браж, бангару ва каннав- жийда учратилади)	—	+
<i>куун</i> бражда учратиладиган объ- ект келишиги орт кўмакчиси	+	+

Жадвалдан аён бўладики, А. Хусрав тилига хос шакллар шеваларда юритилган шаклларга монандлиги оддий тасодиф эмаслиги муқаррардир. Зеро шуни тахмин қилса ҳам бўладики, илк ҳиндистоний тилининг ташкил топишида қатнашган шева-лар қаторида ғарбий шевалардан барчаси ҳамда маълум миқ-дорда шарқий шевалардан авадхий қатнашган бўлса керак.

3.3.3. Луғавий хусусиятлар

Илк ҳиндистонийнинг луғавий хусусиятларига келсак, булар бу ерда этимологик ва имкон борича услубий ва тарихий таҳлил объекти қилиб олинди, чунки фикримизда бундай ёндошув ту-файли А. Хусрав сўз бойлигининг туб хослигини аниқлаш иши чуқурроқ ўтказилиши мумкиндир.

1) Этимологик таҳлил мобайнида шу нарса аниқландики, ўзлашган сўзлардан кўра туб маҳаллий лексемалар кўпроқ кўзга

ташланади. Бунда албатта услубий томони ҳам ўзига хослиги билан ажралиб турадики, араб-форс ўзлашмаларининг миқдори матнларнинг махсус қисмларида кузатилади. Жумладан, биринчидан, аралаш форсча-ҳиндча услуб «рехта»да берилган, иккинчидан, ғазал ва нисбатлар номли хорижий жанрларда битилган шеърларда, булар эса мусулмон авлиё ва устозларидан Шайх Фарид Шаккар Ганж ва Султон Машоих Низомиддин Авлиёларга бағишланган қисмларда кўринади. Қолган қисмларида эса (103-140 бетлар) ўзлашмалар сони кескин равишда камайиб, баъзан онда-сонда ишлатилиш билан чекланиб, уларнинг кўпчилиги юқорида биринчи бўлимимизда кўрсатилгандек ёзув жиҳатидан қайта ишланган шаклда берилган.

2) Ҳинд манбаларидан келиб чиққан лексик бирликлар ўз навбатида этимологик жиҳатдан татсама (барча сўзларнинг 32-35%) ва тадбхава (43-45%) сўзлари туркумларига бўлинади.

Татсама ва ярим татсамалар умуман маҳаллий ёзма адабий анъанага хос кучли таъсирининг тимсоли бўлиб, бу жиҳатдан А.Хусрав асарларидан буларнинг сони аҳамиятли фактор ҳисобланиши лозим. Шунингдек, бу туркумга энг кўп ишлатилган ва китобий, мавҳум тушунчаларни билдирадиган сўзлар киради. Булар орасида турли грамматик категориялардан от, сифат ва равиш асосий ўринни тутди. Масалан, маас «ой» (94-110), ниит «доимо» (129-133), шийаамбаран «қорачадан келган» (106, 107, 110, 111, 114, 120+121+), артх «маъно» (104, 107, 110+111+). Булардан ташқари оддийроқ майший ҳаётда учрайдиган бааалак «ғўдак, ўғил» (170+++++118), ниир «сув» (113, 116), маануус «одам» (110, 111) сўзлари ҳам учрайди.

Юқорида кўрсатилган сўзлар илк даққиний тилига ҳам хосдир.

Тадбхава сўзлари хусусида шуни айтиш керакки, булар халқ сўзлашув лексикасига яқинроқ туради. Масалан, андхйаараа «қоронғилик», «қоронғу» (142), рэйн «тун» (134, 140); бааТ «йўл» (13). Буларнинг кўпчилиги синхрон даққиний матнларида ҳам кузатилади, Тханд «совуқ» (М.А. 62), наанв «от, ном» (М.А. 76). Шу билан бирга лирик ҳис-туйғуларни ифодаловчи сўзлар ҳам кўп ўрин эгаллаб, булар орасида А. Хусрав учун лирик мавзу маъқул эканлигидан дарак берувчи сўзлардан қатор синонимларни ҳам учратса бўлади, масалан, пиив (18), саажан

(128++) «севики ёр» маъносида; ман (18), ҳийаа (150) «юрак, жон, кўнгил».

3) Ўзлаштирилган лексика асосан араб ва форс тилларидан келган бирликлардан иборат бўлиб, умуман олганда китобий ва оғзаки усуллар орқали кириб келган. Семантик жиҳатдан бу ерда мавзу ва услубга боғлиқ сабаблар туфайли танлаб олинган сўзлардан айрим гуруҳларини ажратса бўлади.

Бундай гуруҳлардан энг каттаси одатдаги сўз ва иборалардан ташкил топган эроний тилларига хос лексикадир. Бундай сўзлар ишлатилиш жиҳатидан ҳам биринчи ўрин эгаллайди. Жумладан, бу ерда табиат ва атрофдаги муҳит ҳодисалари, кундалик ҳаёт анжомлари ва тушунчалари, касб ва ҳунармандчиликка боғлиқ сўзлар мавжуддир: дарийаа «дарё», «денгиз» (143+++144), аарии «арра» (103++110++), паажаама «шим» (143+++144), ҳалваайии «ҳолвачи» (143+)-- бу сўзлар аслида арабча-форсча ўзлашмалардир. Ушбу гуруҳга киритилган арабча сўзлар озчиликни ташкил этган ҳолда асосан мавҳум тушунчаларни ифодалайди, масалан: суурат «кўриниш» (104+106), ҳаал «аҳвол» (135, 146). Сўзлашув лексикаси эса А. Хусрав сўзлиги тизимида қуйидагича тақсимланади: 75% эронча сўзлар ва 25% арабча. Умуман олганда, энг фаол ишлатилган ўзлашма сўзларнинг нисбатан кўплигини А. Хусрав яшаган даврида форс тили ва Ҳиндистоний тилларнинг ўзаро алоқалари ўта жадаллашган суръат билан ривожланганлигини кўрсатувчи далил деб ҳисоблаш лозим. Ўз навбатида, ишқий мавзунини ёритувчи сўзлар ҳам сезиларли миқдорда учрайди. Булар орасида ҳам эрон этимологиясига боғлиқ сўзлар энг кўп бўлиб, унда от ва сифат сўз туркумларига тегишли бирликлар кўпчиликни ташкил этади, масалан: йаар «ёр, маъ-шук» (247, 148, 149), заар-заар «зор-зор» (146), бисйаар «бисёр, кўп» (147), захмии «захмдор» (110, 121). Бундай сўзларнинг Ҳиндистонийга кириб келиши афтидан форс-тожик адабиётининг Ҳинд адабиётига баъзи бир шеърӣ жанрлар ва услубларнинг ўзлаштирилиши натижасида бўлганга ўхшайди. Бунга матнлардаги ўша қисмларининг берилиши яққол далил бўла олади.

Ваҳоланки, А. Хусрав ўз замонасида машҳур мўмин мусулмон ва суфӣ сифатида танилган ва унинг пирлари ҳамда мурид-

лари кўп бўлган бўлса-да, унинг ҳиндавийда битилган шеърлари-да тасаввуф мавзуси унчалик сезиларли ўрин топа олмаган эди.

Демак, шу боис ўрганилаётган матнда диний мавзуга тегишли арабча сўзлар жуда ҳам оз миқдорда ишлатилган. Жумладан, икки маротабадан кўпроқ фойдаланилган сўзлар орасида арабча этимологияли факат куйидаги учта сўз кайд этилди-аулийаа «авлиё» (149+150), ғазрат «ғазрат», «жаноб» (149++), шайтаани «шайтоний» (123, 150++). Шунда дастлабки иккитаси му-сулмон атоқли отдан олдин келувчи унвон ёки ўша отнинг бир қисми сифатида ишлатилган.

4) А. Хусрав келтирган айрим сўзларнинг семантик хусусиятлари уларнинг илк дақҳиний матнлари билан солиштирганда яққол намоён бўлади. Жумладан, ҳозирги шеваларда учратиладиган баъзи бир феъллардан, энг кўп қўлланилган буужҳнаа «билмоқ, англамоқ» (106+107+118-10 мартадан кўп), бу феъл илк дақҳинийда ҳам мавжуд (М.А., 63), аммо ҳозирги стандарт тилда жаанаа феъли томонидан сиқиб чиқарилган. Худди шундай тарзда куйидаги жадвалда берилган феъллар ё истеъмолдан чиқиб кетган, ё ўз маъноларини йўқотиб янги маънога эга бўлган.

А. Хусрав тили	илк дақҳиний	маъноси	ҳозирги тилда- ги маъноси
бхаанаа чхаанаа жаанаа дхарнаа	бхаанаа чхаарнаа жаанаа дхарнаа	ёқмоқ кидирмоқ туғмоқ эга бўлмоқ, қўймоқ	пасанд аанаа чхорнаа баччаҳ денаа ракҳнаа
упажнаа маангаа сиис ниваанаа	упажнаа маангаа сар ниваанаа	пайдо бўлмоқ истамоқ қолоқ бўлмоқ	ўсиб чиқмоқ талаб қилмоқ ниваанаа «эғмоқ»

Юқорида келтирилган жадвалдан шу нарсa аниқланадики, илк дақҳиний ва ҳиндистонийда ишлатилган феъллар ҳозирги тилда архаизмлар каторига кириб қолган. Улар ёки бутунлай истеъмолдан чиқиб кетган, ёки семантикаси анча торайган, ёки вазифа (функция) жиҳатидан маъноси қўчган. Онда-сонда бундай ҳодисалар ўзлашма лексикасига ҳам мансубдир, масалан:

эронча шаади «кувонч, шодлик» (140) ҳозирги замон тилида «тўй, уйланиш» маъносида келади.

5) Семантик архаизмларга қараганда **грамматик архаизмлар** ўз шакли ва вазифаси билан ажралиб туради. Бундай хусусиятни фақат формал жиҳатдан аниқлаш мумкин бўлса-да, семантик жиҳатдан эса буни хронологик тарзда кузатиш мумкиндир.

Грамматик архаизмларни, шундай қилиб, равишлар, юкломалар, орқа қўмакчилар ва қисман олмошлар категорияларида ҳам учратиш мумкин. Биринчи навбатда, бу ҳодиса қадимги қотиб қолган келишик шакллари қолдиқлари бўлмиш -он қўшимчасига эга равишларда кузатилиб, жумладан, маасон «ойлаб» (108), аанқхон деқнаа «ўз қўзи билан қўрмоқ» (111, 122, 123++) каби шакллар қўлланилган. Айни архаик характерга эга бўлган шакллардан кут «қаерда» (105) санскритча «кутра»дан; пайт равиш қабҳу «баъзан» (112, 128, 129, 131++); олмошлардан сараб «ҳамма» (139) санскритча «сарва»дан каби шакллар характерлидир.

Ўта қадимий сўнгги апабхраншаларга яқин турган шаклларга келсак, булардан маанҳ «ичида» (109) санскритча «мадхйе»дан келиб чиққан орқа қўмакчиси ҳамда наанҳ «йўқ, эмас» (109) инкор юкломаси шакли қўзга ташланади.

Адабий ҳиндистонийда нисбатан эскирган, аммо шеваларда сақланган шакллар хусусида фикр юритганда, бу ерда феъллардан нхаатнаа «қочмоқ» (102), бисраанаа «унутмоқ» (137), шу жумладан, ортгирма феъллардан дхараанаа «эга қилдирмоқ» (118), қаһаана «гапиртирмоқ» (127, 120); олмошлардан эса мо «мен» (134, 135, 137+...12 мартадан қўп), ваа «у, муаннас» (130, 146++..20 мартагача), сонлардан дуужаа «иккинчи» (140), равишлардан жуун.., вуун «...ҳам...ҳам» (104, 119, 125) ҳар пхир «ҳамма ёқда» (12-б), юкломалардан наа, наахиин «йўқ, эмас» (104+132+139+) қаратқич келишиги белгиси вазифасида куун орт қўмакчиси, масалан: ваа куун рууп «унинг қўриниши» (119) каби мисолларни келтириш мумкин. Юқорида қўрсатилган архаизмлар қўпинча жанубий ҳиндистонийнинг илк обидаларига хосдир.

ХУЛОСАЛАР

1. А. Хусрав асарларининг лингвистик хусусиятларини фонетик, морфологик ва лексик жиҳатдан синхрон бўлган даққиний ҳамда ғарбий ва шарқий шевалардаги матнлар билан солиштириб, таҳлил қилганда, шу нарса аниқ бўлдики, ваҳоланки мазкур тадқиқот ўрганилаётган матннинг аслиятини исботламаганлиги сабабли бу муаммо маълум даражада ечилмай қолган бўлса-да, қўлга киритган натижаларимиз асосида А.Хусрав тили ҳамда «Мерааж ул-Ашиқийин» обидасига хос кўпчилик график, парадигматик ва луғавий ҳодисалар бир-бирига монанд тушади деган хулоса чиқара оламиз.

2. А.Хусрав тилига ғарбий шевалардан браж, бунделий ва каннавжийлар, шарқий шевалардан авадҳий ва багхелийларнинг ҳам таъсири борлиги аён бўлди. Бу, айниқса, қатор отдош ва феълдош шакллар тузилиши, «о»ловчи шакл тузилишининг устунлиги архаик сўз ва элементларнинг сақланишида ўз аксини топади. Бундай ҳодисалар А. Хусравнинг нафақат Деҳлий тили ёки ҳиндистоний тили, балки ҳам адабий, ҳам сўзлашув шевалардан хабардор эканлигини билдиради ва бу ҳақдаги бизнинг тахминимизни исботлайди.

3. Лексик нўқтаи назардан А. Хусрав тилида ўша давр учун характерли бўлган турли ҳинд сўзлар аксариятни ташкил этган бўлса-да, муаллиф томонидан маълум миқдорда ўзлашмалардан (10-25%) фойдаланганлиги ҳам маълум бўлди.

4. Ушбу киёсий тадқиқотнинг пировардида А. Хусрав давридаги ҳиндавий тилига мансуб кўп хусусиятларининг кхари боли, бангару ва браж каби ғарбий шеваларга ҳам мос тушиши аниқланади (қуйидаги жадвалга қаранг). Ёарбдан бангару; шимолий-шарқда – кхариболи; жанубдан – браж шеваларнинг Деҳли ҳудудига ҳам таъсири асосида шуни тахмин қилса бўладики, XIII ва XIV асрлар оралиғидаги деҳлавий тилининг морфологик тизими ва лексик таркибларини реконструкция нўқтаи назаридан қараганимизда, уни мазкур шевалар элементларини ташкил этувчи тил сифатида, умуман, тиклаб олиш мумкин. Жадвалда бу тилнинг даққинийга принципаал равишда ўхшашлиги ҳам акс этган бўлиб (бу ҳодиса 15 хусусиятлардан 13 тасида қўрилган), бу ўхшашлик даққиний ёки (жанубий ҳиндистоний, қатор

шимолий ҳинд лаҳжалари ва, хусусан, даставвал Деҳли ҳиндистонийси асосида пайдо бўлганлигини исботловчи фактик маълумотларга бутунлай мос келади.

Шундай қилиб, ушбу чоғиштириш натижасида А. Хусрав давридаги деҳлавий тилининг аломатлари гипотетик равишда аниқланди ва бу тил сўнгра жанубий ҳиндистоний тилининг ташкил топишида бошланғич ўзак вазифасини ўтаган деган хулосага келамиз.

А.Хусрав, Гейсудароз ва шеваларга хос бош тил хусусиятларининг мувозанатини акс эттирувчи жадвал:

Хусрав тили	илк даққиний	ШЕВАЛАР						
		кхарий боллий	бангару	ғарбий браж	бунде- лий	каннав жий	шарқий авад- хий	баг- хелий
I	+	+	+	+	+	+	—	—
II	+	+	+	+	+	+	+	+
III	+	+	+	—	—	—	—	—
IV	+	—	—	—	—	—	+	+
V	—	—	—	+	+	+	—	—
VI	+	—	—	+	+	+	+	+
VII	+	+	—	+	—	—	—	—
VIII	+	+	+	+	—	—	—	—
IX	+	+	+	+	—	—	—	—
X	+	—	+	—	—	—	—	—
XI	—	—	—	+	+	+	—	—
XII	+	+	+	+	+	—	—	—
XIII	+	+	+	+	+	+	+	+
XIV	—	+	+	+	+	+	+	+
XV	+	—	+	—	—	—	—	—
Жа- ми	13	9	10	11	8	7	5	5

Шартли белгилар: I – қисқа «а»нинг чўзиқ «аа»га айланиши; II – «хваа» каби график бирикмасининг «кхаа»га айланиши; III – аан (=йаан) морфемалар ёрдамида кўпликнинг ифодаланиши; IV – ундош билан тугаган сифатдошлар; V – «о»ловчи шакллар; VI – «=ат», «=ит»га охири келган сифатдошлар; VII – «=ко» билан тугаган абсолютив; VIII – «=ан (=н)» билан тугаган

инфинитив; IX – «=һаар» билан тугаган иш-һаракат Һаракат номи; X – «=се» билан тугаган келаси замон; XI – мо «мен» типидеги олмошлар; XII – «куун» типидеги орт кўмакчилар; XIII – наанв «от, исм» типидеги тадбхава лексикаси; XIV – татсама типидеги оммавий сўзларнинг ишлатилиши; XV – бужхнаа «билмоқ, англамоқ», типидеги лексик архаизмлар.

3.4. Жанубий Һиндистоний тили луғавий тизимида

ўзлашмаларнинг мослашуви (XV-XVIII асрлар обидалари асосида)

Ушбу мавзудан кўзда тутилган мақсад жаҳон илмий адабиёти микёсида муһим ўрин тутган янги Һинд-орий тиллари (ЯҲОТ)нинг энг илк шакли бўлмиш жанубий Һиндистоний (ЖҲ) ёки дақһиний тилида XV–XVIII асрларда яратилган адабий обидалар асосида шу тилнинг тизим параметрларига арабча-форсча ўзлашмалар мослашуви умумий жараёнининг етакчи босқичларини систематик тарзда тавсиф қилишдан иборатдир. Ўзига хослик ва мукамаллик жиҳатидан бетакрор ёзма-адабий анъанага эга бўлмиш ЖҲ тилининг барпо бўлиши ва ривожланиши жараёни кўпгина ЯҲОТларнинг юзага келиши даври билан мос тушганлиги туфайли буларнинг тил тизимида ушбу тил гуруҳи учун Һарактерли бўлган тарихий тараққиётнинг умумий қонуниятлари кўзга ташланади.

Мазкур мавзунинг долзарблиги ва илмий янгилиги масаласига келганда, биринчидан, янги эрон форс-тожик тилларининг тўғридан-тўғри таъсири Һамда мазкур тиллар орқали араб тилининг билвосита кириб келиши Һинд субконтинентидеги қатор ёзма-адабий алоқа воситаларининг ташкил топиш жараёнини рағбатлантириб жадаллашига олиб келган эди. ВаҲоланки, Һинд-шунослик фанида ушбу муаммо бундай жиҳатдан Һанузгача ўрганилмаган ва қадимги обидалар матнлари бундай мақсадларга мувофиқ қўлланилмаган эди. Зеро, Һиндистоний тили доирасида бу мисолларни ёритиш умуман Һинд-орий тилшунослиги учун жуда муһимдир.

Иккинчидан, кенг маънода умумшарқшунослик нуқтаи назаридан ёндошилганда, арабча-форсча ёки бошқача айтганда «муsulмон» лексикасининг ўзлаштиришдек мураккаб ва чуқур тарихий жараён доирасига қўшни тил минтақаларидаги адабий

жиҳатдан турлича поғонада турган алоқа воситалари ва биринчи навбатда Марказий Осиёнинг эроний ва туркий тиллари ҳам жалб этилганлиги эҳтимолдан холи эмас. Бундай тил тўқнашувларининг асоратлари ҳозирги даврда ўша тиллар ҳамда ҳинд тилларининг луғавий тизмаларида нафақат юқори («байналминал») ёки маданий, балки қуйи маиший катламларига ҳам хос бўлган муштарақликда яққол кўринади. Бунинг натижасида эндиликда «мусулмон» лексикаси кўпчилик афросиё, эроний, ҳинд ва туркий тилларнинг типологик хусусияти ҳисобланади. Бундай ҳодисани ўрганиш мазкур жараённинг ташқи ва ички қонуниятларини ҳамда унинг маҳаллий хусусиятлари билан боғлиқ муаммоларини комплекс равишда тадқиқот этишда кенг истиқболни таъминлаши мумкин.

Мазкур мавзуга алоқадор олдинги тадқиқларимиз ҳиндшуносликда янги илмий йўналиш сифатида даққинийшунослик соҳасига асос солди деб айтиш мумкин (муаллиф)¹.

Амалий жиҳатдан ёндошганда, ҳинд тилларини туркий ва қолаверса, баъзан эроний тиллар эгаларига ўқитиш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, мазкур тиллар тизимларида мавжуд конвергент аломатларини ўрганиш натижасида шарқ тилларининг бундан ҳам унумли ва самарали ўқитилиши учун талай материалларга эга бўлиш мумкин.

Учинчидан, бундай таҳлил назарий жиҳатдан ҳам фойдали бўлиб, тил алоқалари назариясининг конкрет ва хусусий муаммоларидан фонетик мослашув концепциясини асослаш, морфологик - сўз ясалиш мослашуви тушунчасининг ҳақиқийлиги каби масалаларни ечишда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Мазкур тадқиқотимизда тадқиқот бирликлари сифатида ўзлашма сўзлар ва уларнинг фонетик, формал (ёхуд морфологик ва этимологик сўз ясалиш) ҳамда лексик-семантик вариантлари қўлланилади.

Ушбу вариантлар алмашинувини таҳлил қилиш жараёнида ўзлашма сўзлар (ЎС)нинг фонографик, морфологик-сўз ясалиш ва семантик доираларда вариантланишидаги умумий

¹ Қаранг: Адабиётлар рўйхати, О.Н.Шоматов илмий асарлари.

қонуниятлари аниқланиб, сўзлар муносабатларидаги принципиал типлар ва баъзан уларнинг прототиплари ажратиб чиқилади.

Изланиш замирида ётган турли тизимли тиллар бўлган ЖҲ, янги форс (ЯФ) ва араб тилларининг хусусиятлари туфайли тадқиқотимиз натижаларини илмий-назарий умумлаштириш ва ўрганишдаги ҳар хил даражалари намоён бўлади. Шунинг учун буларга нисбатан қўлланилган методологик усулларда нафақат конкрет фактларни озми-кўпми мукамал таҳлил этилиши балки, уларнинг энг муҳимларини қабул этувчи тил (КЭТ) тизимида мумкин қадар батафсил кўриб чиқилиши ва КЭТдаги узул ҳодисалар билан функционал таққослаш йўли билан ўрганиш лозим топилди. Бунга асос сифатида булар ҳам, узул ҳодисалар ҳам муштарак тил қонуниятларига бўйсунадиган объект бўлганлиги назарда тутилади. Бундан чиқдики, ҳинд тилларига хос ҳодисаларга тақлидий бўлиб кўринадиган кўп масалаларни кенг типлаштириш қонунияти – ушбу типларни талқин қилиш эса асосан эроний-ҳинд алоқалар ўзанида рўй берган тиллараро муқобилликлар деб берилди.

Тадқиқотимизнинг амалий аҳамияти шундаки, бу иш аслида ҳиндшунослик соҳасида биринчи маротаба амалга ошираётган бўлиб, унда 30 дан ортиқ адабий обидалар матнларига таянилган ва тожик тарихий лугатшунослик фактлари билан изчил таққосланган ҳолда тўрт асрни (XV–XVIII) қамровчи хронологик ҳудудли давр ўз аксини топган. Бундай жиҳатдан ёндошганда, ишимизнинг моҳияти нафақат тарихий лексикология, балки ЯҲОТ ҳамда маълум даражада эроний ва сомий тилларнинг тарихий морфологияси, семасиологияси ва фонетикасини ҳам ёринадиган характерга молик ҳам дейиш мумкин. Тўпланган манба лексикография ишлари, тил алоқаларига оид назарий асарларни ҳамда таржимага оид қўлланмаларни тайёрлашда ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

Ушбу тадқиқотнинг баъзи асосий қисмлари ҳинд тиллари ва ўқув қўлланмалари устида ишлаш учун асос вазифасини ўтаб келган эди, бунга Б.А. Захарьиннинг «Введение в историю языка хинди» номли асари мисол бўлади. ЖҲ обидаларини матншунослик ва фактологик жиҳатлардан қилинган таҳлил якунлари «Литература южного хиндустани» (тексты из памятников XV–

XVIII) вв.. словарь-комментарий, переводы, Ташкент, 1988) номли кўлланмада ўз аксини топган эди. Бундан ташқари тадқиқотимиз манбалари мамлакатимизнинг шарқшунослик ўқув юртларида ҳиндшунослик ҳамда умумий тилшунослик ва айни пайтда ҳинд тилларининг тарихий грамматикаси ҳамда ўрта асрлардаги ҳинд адабиёти фанларини тузиш ва тайёрлашда ҳам ёрдам бериши мумкин.

Изланишимиз учун маълумотларни тўплашда жанр ва услубий нуқтаи назардан турли бўлган 31 турдаги адабий обидаларнинг матнларидан фойдаланилди.

Мазкур обидаларнинг ўрганилмаганлиги, ўзлашмаларга оид луғатлар йўқлиги ҳамда матнларга хос мазмун ва услуб хусусиятлари тасаввуф таълимоти таъсирида тузилганлиги ва айнан ЖҲ обидалари («Китаб-е Наурас» бундан мустасно) ҳанузгача Оврупа тилларига таржима қилинмаганлиги ушбу матнларни биздан мустақил равишда ўқиб таржима қилиб талқин қилишни тақозо этади. Бу эса ҳиндшунослик тарихида ноёб изланишлардан бири бўлди. Шу каби қийинчиликларни бартараф этиш жараёнида қўлёзма шаклда «ЖҲнинг XV–XVIII асрлардаги арабча-форсча ўзлашмалар тарихий луғати» тузилган эдики, бу луғат матнлардаги барча хорижий сўзларни мукаммал жиҳатдан қамраб олиб, 7000 дан ортиқ сўзларни иқтибослар билан бирга ўз ичига олди.

Шундай қилиб, тил фактларини бевосита баён қилишдан аввал салмоқли матншунослик ва фактологик ишларни амалга ошириб, мустақил равишда маълумотларни ишлаб чиқиш ва изоҳлаш зарурияти туғилди. Жумладан, ЖҲ фонографик ва морфологик хусусиятларини ўрганиш учун арабча-форсча шеърийатга асосланган матнларнинг просодиясини таҳлил қилишга тўғри келди.

Лексик-семантик ва сўз ясалиш хусусиятларига эътибор берганимизда кўпчилик обидалардан олинган талай парчаларни тўлиқ сўзма-сўз таржима қилиш, мувофиқ равишда англаш ва бадий ишлов бериш ҳам зарур бўлади.

Изланишимизга кириш тушунчаларини белгилаб, мазкур муаммони яққол ифодаловчи томонларга мурожаат қилинганда, айниқса ЯҲОТ тизимидаги тил алоқалари ўзлашмалар мосла-

шуви ҳамда уларнинг тарихини қисқача кўздан кечириш натижасида Һиндистоний лексик тизимида ўзлашмаларнинг бегона ва биржинслик характери ҳақидаги бир тарафлама тасаввурларни танқид қилиш зарурияти юзага келган.

Энг аввал ушбу муаммонинг асосини ташкил этувчи объектнинг таркибий қисмларини ўзида жамлаб келган илк Һиндистонийнинг XVI–XVII асрлардаги ривожланишига оид нолингвистик ва тил билан боғлиқ шароитларни ўрганиш вазифаси кўйилди. Бунга сабаб ушбу масалаларнинг бутунлай ўрганилмаганлиги ва бинобарин бунинг ўрнини тўлдириш учун энг асосий томонларни акс эттирувчи маълумотларни тизимлаштириш ва умумлаштиришга ҳаракат қилинди.

Тил маълумотларининг тарқоқлиги ва озлиги сабабли, тадқиқот марказини тил соҳибларининг алоқа соҳаларидан ижтимоий, маданий-тарихий ва бошқа соҳаларга қўчириш эҳтиёжи туғилади ва шунга кўра ушбу жараёни ҳаракатга келтирувчи етакчи кучларни ҳамда асосий йўналишларни ва хусусий ҳодисаларни белгилаб аниклаш лозим. Бундай масалалар минтакавий нуқтаи назардан ёндошилган ҳолда шимолий Һиндистонда 1300–1526 йилларда мавжуд бўлган Деҳли салтанати ва ўз навбатида жанубий Һиндистондаги Баҳмонийлар (1347–1527), ва Кутбшоҳлар (1490–1686), Одилшоҳлар (1512–1687) салтанатлари даврида Һиндистоний тили ривожланишини таъминловчи ижтимоий-тарихий шароитнинг турли томонларини чегаралаш билан бирга ЯҲОТда «мусулмон» лексикасини қабул қилиш ва ўзлаштиришдаги тил жараёнларини рағбатлантирувчи Һинд-му-сулмон яқинлашувининг маданий-тарихий йўналишларини уларнинг комплекс ва ўзаро боғланган характерини очиб беришга қаратилгандир. Шу муносабат билан XIV асрнинг ўрта-ларида Һинд жамияти таркибидаги ташкил топаётган янги ижтимоий қатлам сифатида Һинд мусулмонларининг тарихий аҳа-миятига алоҳида эътибор бериладиги, буларнинг кўпчилигини маҳаллий туб яшовчилардан чиққан ислом динини қабул қилган шахслар ташкил этган. Бундай ҳодисалар натижасида, шубҳа-сиз, хорижий этник гуруҳларнинг Һинд муҳитига ижтимоий тил жиҳатдан сингдирилиши учун қулай шароит барпо этилган эди.

Мамлакатнинг шимолий ва жанубий ўлкаларида ижтимоий ҳаётнинг баъзи характерли жараёнларида муштараклик кузатилади, жанубий Ҳиндистонда шимолдан кўра ҳинд-мусулмон яқинлашуви ва дин эркинлигини эътироф этиш ҳодисалари туфайли, бир томондан, хорижий аҳолининг тезлик билан кўпайиши ва иккинчидан, Одилоҳлар салтанатида XV асрда Ҳиндистонийни давлат тили деб эълон қилиниши ҳамда шу тилнинг қурама ёзма-адабий усулларининг кенгрок ёйилганлиги диққат-га сазовордир.

Икки диний жамоаларнинг ёнма-ён яшаб келишининг дастлабки босқичида ҳинду ва мусулмонларнинг анъаналари уйғунлашиб келган ва бу ҳодиса ўша даврдаги ижтимоий муносабатларнинг талай соҳаларини камраб олгани ҳолда ўзаро яқинлашув сари бирлаштирувчи омил сифатида ушбу йўналишларнинг кучайиб бориши ва тарқалишига олиб келди. Бу эса шимолий ва жанубий Ҳиндистондаги тил ривожланишида рўй берган уйғунлаштирувчи ҳодисаларни юзага келтириб келажакда тил интерференциясини белгилаб берди.

Жўнинг пайдо бўлиб ривожланиши жараёнининг илк даври хусусиятларига келсак, шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бу муаммо иккинчи минг йиллик бошида ҳозирги ҳиндий ва урду тилларининг энг илк ёзма шакллариининг пайдо бўлиши ва бу жараёнга ўша даврдаги оғзаки сўзлашув тили, уни кўари болий деб аташарди, чамбарчас алоқадор туюлади.

Ушбу тил ҳақида тўпланган маълумотларга кўра унга қатор ғарбий шевалар таъсир этган бўлиб, бу тўғрида дастлабки илмий тасаввурлар XIII ва XIV асрларнинг чегарасида битилган Амир Хусрав Деҳлавийнинг асарларида ўз аксини топган ва шундан сўнг жанубий Ҳиндистонга қўчирилган янги тил муҳити бўлмиш маратхий, телугу ва каннара тиллари орасида юритила бошланган ўзига хос «койне», яъни қурама тил сифатида гавдаланган шаклидан пайдо бўлган эди. Кейне XV аср ўрталаридаги оғзаки алоқа воситаси бўлган бўлса-да, XVI асрдан бошлаб, XVII асрнинг охиригача дакхиний («жанубий») номи билан ёзма адабий тил сифатида қўлланган эди.

Унинг шу вазифада ривожланиши икки йирик шеърий мактаблари бўлмиш Бижопур (Одилоҳлар сулоласи даври) ва

Голконда (Ўтбшоҳлар сулоласи) ларда ташкил топган бир-бирига озми-кўпми яққол таъсир қилган тил асосларида ўсиб чиққан ёзма адабий услублар ўзанларида намоён бўлади. Бижопур услубига келганда, унинг хусусий аломатлари кҳари болий ва браж шеваларига мансуб тил элеменларига асосланиб, анъанавий жиҳатдан ҳинд адабий услубидан олинган бой бадий ва ғоявий воситалар ёрдамида ривожланиб маратҳий тилининг кучли таъсири натижасида шаклланиб келдилар. Бунинг акси ҳолда Голконда услубининг тил тизимида кҳари болий, бангару ва панжобий белгилари устунлик қилган ҳолда бу услуб форс мумтоз адабиётидан олинган жанрларда ишлатилиши ҳамда тадбҳава ва арабча-форсча сўзларидан тиниқ, раво ва пропорционал тарзда фойдаланилиши билан ажралиб туради. Аммо иккала услуб ўзаро ёнма-ён ва муштарак ёзма адабий доирада юритилганлиги учун уларнинг типик хусусиятларининг тадрижий чатишуви тизимларининг аралашуви ва гибрид тизимлар барпо этилишига асос бўлди.

Тилларнинг юқорида кўрсатилган ривожланиш факторлари, хорижий сўзларнинг ўзлаштирилишига таяниб кейинги изланишимизни амалга оширишда методологик йўл сифатида ушбу жараёнларни олтига хронологик кертик шаклида аниқ тарихий даврларни ажратиш лозимдир, жумладан, **биринчиси** XV асрга доир бўлиб, ёзма адабий Жҳ тилининг шакл топиши, **иккинчиси** XVI асрнинг 1580 йилигача нормаллашган Жҳни бунёд бўлиши ва бижопур услубининг бошланиши; **учинчиси** - XVI-XVII асрлар чегарасида ўзлаштирилган хорижий бадий воситаларнинг мунтазам ишлатилишидан уларнинг адабиётда жадаллашган ўзлаштирилиши даври; **тўртинчиси** – XVII асрнинг биринчи ярмида иккала мактабда адабий фаолиятларнинг энг юксак кўтарилиши; **бешинчи** – XVII аср иккинчи ярми – классик дақҳиний тилининг давоми ва **олтинчиси** – XVII аср ва XVIII аср чегараси - Голконда ва Бижопур мактабларининг инкирози, Аврангободда ташкил топган янги мактаб кўламида Вали исмли шоирнинг ижоди ва урду адабиётига ўтиш давридан иборат бўлади.

Мазкур даврдаги тил маълумотларини тўлиқроқ назарий ёритиш учун бундан буён ўрганилган 18 обидалар билан бирга

янги 13 асар матнларини ҳиндшуносликда биринчи мартаба таҳлил қилиб, уларга Жҳдаги хорижий ўзлашмаларнинг тил тизимига мослашув жараёнини акс эттирувчи илмий тасаввурларга маданий-тарихий ва филологик баҳо бериш кўзлангандир. Шуларга биноан ушбу асарларнинг сюжет, аслияти, жанр ва услубий хусусиятлари, қўлёзмалари ва матн нашрларининг негизидаги қўлёзмалар хусусидаги масалалар ҳам кўндаланг қўйилган. Шу аснода бутун тадқиқотимиз учун ишончли манба тариқасида фойдаланишга имконият берадиган муҳим хулоса шундан иборатки, ўша қўлёзма ва нашрларнинг 80% энг нодир асарлар ва илмий-танқидий таҳлилларга асослангандир.

Жҳнинг тизимида ўзлашмаларнинг ишлатилиш доираси масаласи бўйича энг мос тушадиган идеографик классификация сифатида В.Э. Биржакова ва бошқалар тузган классификацияни маъқуллаш мумкин¹. Бунга кўра, асосан мавҳум семантикали сўзларни камраб олган бўлим Жҳдаги ўзлашмаларни энг кўп миқдорда – 25% ни ичига олган «Инсон» вазифавий доираси бўлиб чиқади. Қолган доиралар қуйидагича тақсимланган: кўп маъноли ва нобуюм лексика туркуми 16 % дан кўпчиликни, диний-фалсафий лексика – 12% дан зиёдини ва «Ижтимоий ва маиший кундалик ҳаёт» лексикаси – 10 % га яқин миқдорни ташкил элди. Демак, ўзлашма сўзлар ўрганилаётган даврда Жҳ сўзлиги таркибидаги барча вазифавий доираларни фаол бойитиб келди.

3.4.1. XV–XVIII асрлар чегараси Жҳ тили тизимида фонографик мослашув жараёни

Шундай номланган жараён тушунчасини асослаш эҳтиёжига биноан баъзи муаммоли масалалар пайдо бўладик, булар орасида Жҳ негизида араб-форс ёзувидаги қисқа унлилар ҳамда ҳиндийча ва форсча махсус «п», «т», «ч», «р» каби товушларни белгиловчи махсус аломатларга эга бўлмагани учун ўта консервативлиги умумий тарздаги қадимги обидалар ёзув материалларини талқин қилиш масаласи ўта долзарбдир. Бу масалани ҳал қилиш учун максимал ишончли ёндашув сифатида график вари-

¹ Қаранг: Биржакова В.Э., Войнова Л.А., Кутина Л.Л. Очерки по исторической лексикологии русского языка XVIII века. -Л., 1972, 335-337-бетлар.

антлик тушунчаси ҳиндшунослик тажриба микёсида биринчи маротаба киритилади ва қабул этувчи тил тизимида хорижий ўзлашмаларнинг мослашувидаги ушбу йўл эса фонографик мослашув деб тан олинган. Шунда графемали фарқларга тўла-тўқис фонетик талқин қилиш ҳамда Жҳнинг фонологик реконструкцияси мазкур сабабларга кўра тааллуқли бўла олмайди.

Қабул этилган ёндашувдан келиб чиқиб, бу ерда фонографик мослашув (ФГМ) жараёнининг асосий йўлларининг оптимал кўриниши деб ҳисобланган хорижий ўзлашмаларнинг товуш таркибини қабул этувчи тил фонетик тизимига мувофиқ тиклаш натижасида Жҳ ёзувида пайдо бўлувчи вариант муносабатларининг асосий типларини таҳлил қилиш асосий мақсадга айланади. Бундай таҳлил ўзаро вариантлашаётган графемалар жуфтликлари ва қаторларни ўрганилиши орқали амалга оширилиб қўшимча маълумотлар сифатида ҳозирги Жҳ жонли тилининг мисоллари ҳамда бошқа ЯҲОТ лар учун бундай ҳодисаларнинг хослигини тасдиқлаш учун браж, авадхий, панжобий, маратхий ва бенгал каби тил ва шевалардан маълумотлар келтирилади.

Авалло **у н л и т о в у ш л а р н и** акс этирувчи графемалар вариантлигини кўриб чиққанда -аҳ\аа \ -графемалар вариантлиги энг кўп ва турғун ҳисобланадики, бу ердаги -аҳ бирикмаси аслида янги форс тили орқали ҳинд тилларига кириб келган соф унли қўшимча чўзиқ ‘а:’ сифатида талаффуз этилади.

Бунинг келиб чиқиши араб тилидаги -ат\а (шеваларда) икки талаффузли муаннас о\о қўшимчалари бўлмиш шакллардан бошланган эди.

Бундай турдаги ёзув алмашинуви ҳодисаси ушбу даврдаги 51 мисоллардан 30 тасида рўй бериб, шундай кўп ёйилганки, бунга о = а га тугаган сўзлар билан бир қаторда нафақат ўзлашмалар, балки кўп ҳинд сўзлари ҳам бўйсунади, масалан, баайаа\баайаҳ (‘ташлади’, ‘улоқтирди’).

Бошқа кўп кузатилган ҳодисалардан яна бири, охирги ва онда-сонда ўртадаги бўғинларда назаллашган ва назаллашмаган унлиларни кўрсатувчи вариантлик. Булар орасида аа\аан - 18 мисол, ии\иин - 4, уу\уун - 2, ао\аон - 1, е\ен - 4 ва а\ан - мисоллари диққатга сазовордир.

Фонетик жиҳатдан бу ҳодиса шимолий ЯҲОТ лар учун жуда хос бўлган артикуляция сабаблари ҳамда назаллашган ва назаллашмаган унлиларнинг эркин алмашинувига боғлиқ ҳодиса сифатида талқин қилинган.

Қисқа ва чўзиқ унлилар алмашинувини ифода этувчи графемалар вариантланишига эътибор берилганда, бундай ҳодисалар 69 сўзда рўй бериб, буларнинг 46 сида матнлар просодияси, 42сида ЯҲОТларга хос охирдан учинчи бўғиннинг қисқариши қонуният¹ ва 11 мисолда имлонинг турғунсизлиги туфайли бўлганлиги тадқиқотимизда аниқланди. Шуниси қизиқки, вариантланиш кўпинча (38 дан 19 марта) урғули бўғиндан олдинги бўғиннинг қисқаришига боғлиқ бўлади, бу эса ЯҲОТ ларнинг умумий қонуниятларига мувофиқ ҳисобланади. Бошқа томондан қараганда, янги вариантларга қараганда эскиларининг кўплиги қабул этувчи тилда хорижий ўзлашмаларнинг имлоси талаффуз ҳодисаларига боғлиқ бўлмай, манбавий восита бўлмиш араб ва форс тилларига тақлид қилиб сақланади. Яна бир томони борки, бу вариантланиш асосан туб ҳиндча ҳодиса бўлиб, бундан фарқли ўлароқ нига:ḥ, (нигаḥ 𑂔𑂰𑂩𑂱 ‘нигоҳ’) каби ўзлашмалар ЖҲга янги форсчадан кўчирилган охирги ёпиқ бўғинли кўп форсча сўзларда содир бўлиши табиийдир.

Энг муҳим ўзлашмалар сифатида «графема сифари»/ «алиф» (1) вариантланиши кўзга ташланади, бунда сўз охиридаги ундошга чўзиқ «аа» товушининг қўшилиши, айниқса, «р» ва «л» ундошларидан сўнг кузатилади. Масалан, эроний йаар «дўст»-йаараа га айланади; арабча жамаал «жамола» жамаалаа га ва ḥ.к.

Унли товушларнинг вариантланиши ўрганилаётган давр мобайнида бартараф этилмаганлиги (63 сўздан 42 тасида) кўпинча матнларнинг тематик ва услубий хусусиятларига тегишли бўлади.

Ундош товушларга келганда, бу ердаги ФГМ йўлларини таҳлил қилсак, биринчи навбатда, арабча /ноарабча графемалар вариантланиши энг кўп кузатилгани ҳолда (124 сўз), асли

¹ Қаранг - Hoernle R.A. A Comparative grammar of the Gaudian languages, London, 1880, p. 32.

Ҳиндча бўлмаган сўзларда келади, чунки унинг баъзи илк излари ЯФ тилидан топилади.

Бу ердаги арабча сўзлар мослашуви жараёнида «айн», «каф», «тоё», «зое», «соад», «зоад», «са» ва бошқа ҳарфлар билан ифода этиладиган арабча товушларнинг талаффузи сезиларли равишда ўзгарган эди. ЖҲ тилида тадқиқотимиз якунларига кўра «айн» графемасини алмаштириш икки йўл билан амалга ошади, яъни 1) барча позицияларда «алиф» графемаси билан 2) «йай» графемаси билан ўрта ва охириги позицияларда, баъзан ушбу графеманинг бутунлай йўқолишига ҳам олиб келади. Масалан: *عجب* / *اجب* «ажаб, ҳайратли», *فيل* / *فيل* «иш», *جماعت* / *جماعت* «жамият».

Мазкур типдаги вариант муносабатларига назар ташласак, бу ерда асл талаффузни акс эттирувчи янги вариантларнинг баробарлигини кўрсатади.

Кўп ЯҲОТлари учун характерли бўлмиш ва асосан интервокал (яъни икки унли ўртасидаги) жараёнда рўй берадиган фарингал «Ҳ» ундошининг кучсизлиги сабабли пайдо бўладиган вариантланиш унинг аломатлари «Ҳ» ва «х» (ه, ح) графемаларнинг йўқолиши билан якунланади, масалан: ар. тафаххус «кидириш» > тафаас, ар. - эр. фазихати: «бадном» > фазииити; ар. фаҳм «тушуниш» > фаам. Шу ҳодиса билан бирга мазкур ундошдан олдин келган унлининг сон ёки сифатда ўзгариши ёки бўғин ясовчи унлининг чўзиқ назал товушга айланиши кузатилади, жумладан: ар.- эр, сахнак «лаган» > саанк.

Мазкур типга яқин турган вариантлик бу «хайе хаваз»_графемаси билан ифодаланган нафас товушининг ҳодисаларини акс эттирувчи вариантликдир.

Бундай ҳодиса баъзи ундошларнинг фарингал «Ҳ», товуши билан кўшилиб талаффуз этилишидан иборат ва бу албатта ёзувда ўз аксини топган бўлади. Масалан: эр. баҳаар/ бҳаар («баҳор») / каби 8 сўзда.

Бу ҳодиса озроқ кўламда куйидаги товушларда учрайди: «са» / «син» (5 сўзда); соад / «син» - (4 сўзда); «тоё» / «та» (13 сўзда), «зоад» / «зе» (2 сўзда), «хайе хутти» / «хайе хаваз» (4); «алиф максура» / «алиф» (8 сўзда). Масалан, *سور* / *ثور* «савр буржи»;

‘мулоҳаза’; ملاز/ ملاحظه ‘тур, йўл’; وزا/وضع ‘дастархон’; صفرا/صفره ‘маҳлие’.

Юқорида кўрсатилган иккинчи нусхали ҳарфларни асосий ҳарфлар билан алмаштириш билан боғлиқ умумий йўналиш нафақат Жҳ, балки дунёнинг бошқа тиллари учун ҳам ўзига хос бўлиб, уни қонуний ҳодиса деб ҳисоблаш мумкин.

Жҳ ва ЯҲОТларда муштарак ҳолда содир бўладиган товуш ўзгаришларини характерловчи «й», «в», «ш» ва «р» ундошлари билан боғлиқ вариант ҳодисалари ягона умумий тип сифатида талқин қилинади. Булар орасида ЎС отлардан келиб чиқадиган «йай»/«графема нули» ва «ре»/«лам», «шин»/«син» каби оппозициялар кузатилиб булар ар. хикаайат/ хикаат «ҳикоя»; эр. саваар/ саваал «чавандоз, отлик», эр. жаваан/жаан «ёш»; ар. шарааб/ сарааб «шароб» каби мисолларда кўзга ташланади.

Худди шундай умумлаштирилган ҳолда «б», «в», «м», «н» товушларининг ва айниқса ҲОТ тарихидаги энг мунтазам кузатиладиган товуш алмашинувларидан «бе», «вав» графемалар вариантланишида юзага келган ҳодисани ҳамда ЯФ тилида «б» ундошидан илгари келувчи «м» ёки «н» товушларининг фарқланмаслигига ўхшаган қаршиликлар ҳам берилади. Киёсланг: ар. видаа’ / бидаа «хайрлашув», эр. дунбаал/думаал «кетида».

Жҳ тилида алоҳида аҳамиятга молик бўлган ва ҲОТлари учун бутунлай бегона бўлмиш ҳалқум ундошлардан «к», «ғ» ва «х»ларнинг ФМГни акс эттирувчи вариант муносабатлари («каф»/ «хэ», «каф»/ «каф», «гаф» / «ғайн») қуйидаги мисолларда намоён бўлади: ар. вақт/вахт «вақт»; қулф/кулф «қулф» (ар. قفل дан) туркий сўз «бегим»дан бегам/беғам «бегим, хоним». Анъанавий имлога нисбатан бу ўриндаги узоқлашув асосан туб имло қоидаларига риоя қилишга ва қабул этувчи Жҳ тил эгаларининг асл талаффузи билан боғлиқ зиддиятлар натижасида рўй беради.

Шунга ўхшаш ҳодисалар «зе»/ «жим» (қаранг эр. Баазии /баажии «ўйин») типдаги графема қаршиликларида содир бўлиб, ҳинд-орий тиллари (ҲОТ)га ёғ апикал фрикатив ундош «з»нинг турли ўзгаришларида барча ЯҲОТтилларда унга та-

лаффуз жиҳатидан энг якин аффриката ундош «ж»га алмаштирилади.

Апикал портловчи «д» нинг ўзгаришларини ифодалайдиган вариантланиш турларидан «дал»/ «те» ва «зал» (зоад)/ «дал» турларида жумладан, ар.мадад/мадат «ёрдам», эр. каағааз/ каагад «коғоз», бир томондан, тизим ичидаги, шунингдек, ЯҲОТ тарихи учун характерли сўз охирида келувчи жарангли «д»нинг жарангсизланиши ва иккинчи томондан, тизимлар аро ҳодисалар юзага келиши мумкин, бу эса араб товушларининг ҳиндча товушларга алмаштирилишида кузатилади.

Сўнгра кадимги ҳинд-орий тил КҲОТлардан келиб чиққан ва ҲОТларнинг энг типик қонуниятларидан бўлган ундош бирикмаларининг соддалашувини акс эттирувчи вариантланиш ҳодисалари ҳам анча салмоқлидир. Шуниси диққатга сазоворки, хорижий ўзлашмалар бундай ҳодисаларда ҳиндча туб сўзларга қиёсланган ҳолда вариантланиб келади. ЖҲ имло қоидаларида буларнинг яққол акс эттирилмаганлиги, айниқса сварабхакти ҳодисаси бўлмиш бўғинларни унлилаштириб талаффуз этиш ҳодисаси туфайли бу ерда фақат икки кичик тип намоён бўлади. Биринчиси туташган ундошлардан бирининг йўқолиши ҳодисаси, жумладан, эр.каманд/каман «арқон»; эр.һар роз/һароз «һар қуни, кунда» каби мисоллардаги вариантларни, иккинчиси эса қўшни ва йироқ бўлган ундошлар метатезаси яъни жойини ўзгартиришини акс эттирувчи графемалар вариантларини ифодалаб келади, қаранг ар.афраад/фараад «одамлар».

Унлиларга тегишли ҳодисаларга яқун ясовчи хулосаларга келганда, бу ерда бешта хусусиятга келиб тўхталиш лозимдир.

ЖҲ да катъий меъёрларнинг йўқлиги 7019 хорижий ўзлашма сўзлардан 479 тасида (7% якин), бу гуруҳ эса йирик бўлса-да, истёмол жиҳатидан анча аҳамиятли бўлиб, умуман, шундай сўзларнинг ФГМ си амалга оширилганлигини исботлайди.

Вариантланиш ҳодисаси ҳаммаси бўлиб 60% ташкил этадиган 283 мисолларда мавжуд бўлиб 37% дан ортиқ миқдордаги 189 мисолларда манбавий имлога тўғри келмайдиган маҳаллий вариантларда ўз ифодасини топган.

Алмашинувларнинг қўпчилиги нафақат ЖҲ, балки умумҳинд характерга эга бўлган ва ҳинд тупроғида хорижий

ўзлашмаларнинг мослашувини акс эттирадиган жараёни му-
жассам этади. Шунда ЯЎОТдаги оғзаки сўзлашув алмашинув-
ларининг энг турғун типларга тегишли сўзлар гуруҳи аниқдир.
(Кийёсланг: тағаадаа< ар.такааза «тақозо»дан; саанк/шаанк ар. -
эр.сахнак «лаган»дан ва һ).

ФГМ жараёнини ташкил этувчи ички ва ташқи ҳаракатга
келтирувчи кучларнинг биргалашиб фаоллашувини асосан ана-
логия (ўхшатиш) қонуниятига кўра туб ва хорижий ўзлашма
сўзларда товуш текисланиши ва манбавий тил бўлмиш ЯФ ти-
лидан вариант муносабатларини 24 сўз жуфтликлари орқали
кўчирилиши ҳодисаларида кўрса бўлади.

Кўп графемалар қаршиликлари қуйидаги товуш
ҳодисаларининг генетик типларини акс эттирадилар: а)
умумһинд-орий ҳодисалар; б) ғарбий Һиндий ва панжобийларга
хос шева ҳодисалари; в) ЖҺ га хос ҳодисалар; г) маратхий тили-
га хос ҳодисалар.

3.4.2. Ўрганаётган давр ЖҺ тилидаги ўзлашма сўзларнинг морфологик ва сўз ясалишда мослашув (МСЯМ) хусусиятлари

Бу ерда даставвал МСЯМ тушунчасининг ЖҺ тилига муно-
сабатини кўрсатувчи изоҳ сифатида В.В. Виноградов томонидан
эълон қилинган морфологиянинг таркибий қисмлари хусусидаги
назарияни В.М. Жирмунский, П.С. Кузнецов, Е.С. Кубрякова ва
бошқа рус олимлари томонидан қувватланган ва ривожлантир-
ган ҳолда кўриб чиққанимиздан сўнг қуйидаги уч аспектли кон-
цепцияни ишлаб чиқдик: 1) морфологик таркибнинг вариантла-
ниш хусусиятлари, яъни ўзлашма сўзларининг морфемикаси;
2) ўзлашма сўзларнинг қабул этувчи тил (КЭТ) грамматик кате-
горияларига мувофиқ ўзгарувчи аломатларга эга бўлиши, яъни
ўзлашма сўзларнинг ўзгариши; 3) янги лексик бирликлар – сўзлар-
ни яшаш учун хорижий сўз ва аффикслардан қурилиш материал-
лари сифатида фойдаланиш, яъни ўзлашма сўзларнинг ясалиши.

Мазкур аспектлар учун умумий деривацион белгини аниқ-
лаш учун унга асос солувчи тушунчани белгилаш мақсадида ЖҺ
даги барча ўзлашма сўзларнинг ўрганилган шакллари икки та-
рихий типга тақсимланади. Биринчиси, **киришмалар**, яъни сод-

да, туб сўзлар ҳамда бутунлай тайёр ҳолда олинган кўшма ва ясама сўзлар ҳамда шартли равишда - изофали бирикма ва конструкциялар.

Иккинчиси, **янги ясалмалар**, булар Жҳ да Һинд-орий (ҲО) ва эроний сўз шаклланиши ва сўз ясалиш моделларига мувофиқ тузилган шакллardир. Бу тиллар учун фарқланувчи дифференциал белги бўлиб, деривацион белги билан бирга мослашув (адаптацияли) белгиси сифатида ҳам иш беради. Бундан шундай хулоса чиқадики, киришмалар деб қабул этувчи тилга нисбатан маъно жиҳатидан бўлинмас негизли сўз шакллари, янги ясалмалар деганида эса КЭТ грамматик мезонларга мувофиқлашиш жараёнида турли морфологик, синтактик ёки сўз ясалишга боғлиқ ўзгаришлар натижасида пайдо бўлган сўз шакллари назарда тутилади. Шу билан бирга иккала типдаги сўзлар ҳар бирларида КЭТ тизимида ички воситалар ёрдамида ташкил топадиган асос солувчи ўзлашма негизининг мавжудлиги туфайли бир бирига яқин турадилар. Шуни ҳам айтиш лозимки, ўзлашма сўзларнинг сўз ясалиш кичик тизимида яна бир оралик типни, яъни киришмаларга яқин сўзларни (псевдовхождения) ажратиш мумкин (булар хорижий таркибли ўзлашма моделлардан, аммо Һинд тупроғида яратилган кўшма ва ясама сўзлардир).

Бир томондан қараганда, Жҳ имлосининг консерватив характери ҳамда назарий жиҳатдан морфология тушунчалари билан кўпинча қўшилиб ва туташиб бўлиб турган морфемик таҳлилнинг ўзлашма сўзлар учун долзарб бўлгани КЭТ сўзларининг махсус таркибий моделини ишлаб чиқаришимизни талаб қилади. Шунда Жҳ га ўз пайтида француз олими Ж. Блок ва рус олими Г.А. Зиграф илгари сурилган ва ЯҲОТ лар учун тадбиқ этилган икки таркибли сўзлар типларининг дифференциация концепцияси мақсадга мувофиқ туюлади. Ушбу типлардан биринчиси консонант ёки ўзак жиҳатдан ўзгармас ва иккинчиси чўзиқ унли билан тугаган ўзгарувчи сўзлардан иборат, яъни атематик ва тематик.

Шуларга биноан ЯҲОТлар сўзлари учун типик бўлмиш туб сўзлар билан бир қаторда ўзлашма сўзларнинг морфологик турланиши учун кийинчилик туғдирадиган формал фарқловчи белгиларнинг йўқлигини назарда тутган ҳолда, ҳамда сўз таркибида

морфема ва морф каби бирликларнинг ажратилиши асосида Жћ тилида тўрт хил сўзлар мавжуд эканлигини аниқлаймиз. Булар: 1) шартсиз бўлинувчи; 2) шартли бўлинувчи; 3) дефектли бўлинувчи ва 4) бўлинмас сўзлардир.

ЎС МСЯМга оид асосий масалалар қаторида сўз яшаш ва сўз ўзгартириш учун асосий материал сифатида қўлланиладиган грамматик бирликлар масаласи бўлиб, бунда бирламчи негиздан иккиламчи негизни яшаш муаммоси ҳам анча аҳамиятга эга бўлади. Бу масала ўз навбатида ўзгартирувчи негизнинг яшалишига олиб келадиган ўзгармовчи ўзлашма ва туб сўзларга чўзиқ «аа» товушининг морфологик қўшилишига бевосита алоқадордир.

Демак, мазкур назарий изланишларга таянган ҳолда, бундан кейинги тадқиқотимиз уч йўналишдан иборат бўлади.

Биринчи йўналиш бўлмиш «ЎСларнинг морфологик таркиби» юзасидан ёндашганда, бу ерда Жћ тилидаги ЎСнинг принципал таркибий моделларини ишлаб чиқиш ва баён этиш ҳамда бир морфемали ва кўп морфемали киришма ва янги ясалмалар таркибида рўй берган туб таркибий бўлинишнинг ўзгариш ҳолларини таҳлил этиш мўлжалланган.

Жћдаги ЎСлар таркибий параметрларининг бутунлай ўрганилмаганлиги ҳамда шу масалани анча мураккаблаштирадиган араб ва ЯФ тилларининг тузилишига оид масалаларда тўлиқ изчилликнинг йўқлиги барча таҳлилимиз остидаги сўзлар ва уларнинг вариантлари (7019 бирлик) икки йирик бўлим - синтетик (4864 бирлик) сўзлар ва аналитик (2155) сўзларга бўлинади. Биринчи бўлимдаги сўзларни, булар ЎСларнинг асосий гуруҳи сифатида келгуси бўлинишга келтириб, иккинчиси эса, улар катъий қараганда, синтаксис объекти бўлгани учун, буларни кейинги турланишдан чиқариб ташлаймиз.

Шундай қилиб, синтетик сўзларни, Е.С.Кубрякованинг¹ биз томондан баъзи бир ўзгаришлар билан олинган схемасига мувофиқ беш типдаги моделларга тақсимлаймиз. Булардан: 1) сўз бир ёки бир неча кўмакчи морфемадан (44 бирлик)-жумладан, эр.агар «агар»; 2) бир лексик ёки негизли морфемадан иборат (2724 сўз - яъни синтетик сўзларнинг 55 %дан зиёд),

¹ Қаранг: Кубрякова Е.С. Основы морфологического анализа. -М., 1974, с.237-238.

жумладан, ар.дунийаа «дунё», эр.йаар «ёр, дўст», ‘формал’ кўрсаткичи бўлмиш сўнгги графемасига кўра консонант ва вокал (чўзиқ унли) охирги сўзларга бўлинган ҳолда махсус бирликлар сифатида суперморфлар (яъни арабча синиқ кўплик шакллари, жумладан, анваар «нурлар» ар.нуур «нур» дан) ҳамда «икки кўлланишли шакллар»¹ типдаги сўзлар, жумладан, эр.бос/босаһ «ўпич, бўса» ажратилиб чиқилади; 3) нокўмакчи бўлмиш бир морфеманинг бир неча кўмакчи (сўз ясовчи) морфема билан бирикиб келиши (1220 бирлик - 25%дан ортиқ). Масалан: ар.-эр.ғарази (ғараз=ии) «ғаразли». Булар ўртасида дефектли бўлинувчи сўзлар мавжуд бўлиб, масалан зар=хал «тилладан ишлов бериш, зар қоплаш», бу сўзда зар «тилла», «тиллалли» морфемасини ажратилган бўлса-да, иккинчи морфема бўлмиш ‘хал’ бошқа контекстларда учратилмади; 4) икки ва ундан кўпроқ бўлган нокўмакчи морфемалар бирикмалари (685 бирлик - 14% дан ортиқ), жумладан, хууш=баас «хуш бўй» эр.хууш «яхши» ва тадбхава (тдб.) баас «бўй»дан; 5) икки ва ундан кўп нокўмакчи морфемаларнинг битта ёки бирнеча кўмакчи (сўз ясовчи) морфемалар билан бирикмалари (190 бирлик - 4% га яқин). Масалан: нек=бахт=ии «бахт-саодат» эр.нек. «яхши» + эр.бахт «бахт» +ии кўшимчаси.

Мазкур сўзлар ва улар таркибидаги морфемалар ўзгаришлари жараёнидаги вариантланиш ўрганилганда, просодия мезонига таянган ҳолда икки типга хос ўзгаришлар аниқланади: 1) тизим жиҳатидан чекланилаётган ва олдиндан белгилана олинадиган шакл. Бинобарин, булар УС лар моделларига ёйила оладигандир; 2) тизимли бўлмаган ўзгаришлар. Контекст жиҳатидан буларни ички морфемали ва морфемалараро ўзгаришларга ажратса бўлади.

Ички морфемали ўзгаришлар орасида икки бўғинли сўзлар энг кўп кузатилади (100 дан 44 бирликда), булар эса уч ундош ва ёпиқ бўғиндаги қисқа унлини ўз ичига оладилар. ЎТлар учун аъъанали бўлиб қолган сўз охиридаги ундошлар соддалашуви ва шунга мувофиқ қисқа унлининг улар орасига кирити-

¹ Слова с «двойной формой существования» бу аслида В.М. Солнцев атамаси (каранг В.М.Солнцев, Язык как системно-структурное образование, М., 1971, с. 227).

лиши натижасида урғу биринчи бўғиндан иккинчи бўғинга кўчади, жумладан, эр.шарм (а) «уялиш» > шарам, сидк (а) > сидак «вафодорлик» ар. صدقдан. Бундай ўзгаришлар баъзан туб ва ЎСлар ўртасида пайдо бўладиган омонимия ҳодисасига олиб келувчи жуда ҳам муҳим ҳолат ҳисобланади, чунки бу ерда тил тизимида хос уларнинг таркибий яқинлашуви ва бир хил таркибига кўра типлаштирилган каторларнинг вужудга келиши кузатилади. Масалан: саар «отлик» (эр.саваар дан) ва туб саар («ўхшаш» «монанд»). Ясама сўзлар таркибидаги морфемалараро ўзгаришларга келганда шуни айтиш лозимки, улардаги графемали ўзгариш пировардида морфологик тусга кириши мумкин. Бунга суперморф¹ бўлмиш ахваал (ар. الحوالдан ҳосил бўлган ҳолат кўплик шакли) «ҳолат, аҳвол»нинг хаваал га айланиши янги сўз морфологик жиҳатдан кўплик маъносидан холи бўлиб келади.

Шундай ҳолларнинг кўпчилигида морфемалар туташган жойларининг ўзгариши рўй бериб, булар хорижий сўз бирикмаларининг, (буларда «-ал» аниқлик аъзоли арабча бирикмалар мавжуд), морфологизациясида ўз ифодасини топади. Бундай бирикмалар ЖҲ имлосида берилганда бирикма бўлмай, балки кўшма ва содда сўзлардек туюлиб, гоҳо бўлинувчи, гоҳо бўлинмас бирикмаларга айланадилар. Масалан: ар. ملك الموت «ўлим фариштаси Азроил» > شيرات «Барот туни».

Ушбу мисолларда, афтидан лексик морфемаларни боғлайдиган кўмакчи морфемаларни йўқотиш ва бинобарин таркибий типининг ўзгаришига қаратилган анъана аломатлари, жумладан, бешинчи моделдан тўртинчи моделга ўтиш намоён бўлади.

Кўп ҳоллардаги кузатишларга мурожаат қилсак, умумий характерли йўл бўлиб таркибидан бўлинувчи бирикларнинг бирибирига морфемалар қатишиб чегараларининг учиб қолиши орқали бўлинмас, яхлит бириклар киёфасига кириш одатдагидек кўринадиган ҳодисадан дарак берадиган даражада қайд этилади. Масалан: ар.-эр.ба'д аз аан «ундан сўнг» > базаан «сўнгра, шунда».

¹ Суперморф хусусида тафсилотларни қаранг Е.С.Кубрякова, Основы морфологического анализа, М., 1974, с. 94-96.

«ЎС лар сўз ўзгариши»деб аталувчи ушбу сўзларнинг Жћ парадигматикасидан реляцион маънога эга **иккинчи йўналиш** янги лексик-грамматик бирликлар сифатида кўлланиши хусусиятларига боғлиқ бўлиб, булар туб сўзлар сингари узуал хоссаларни касб этади. Шу зайлдаги таћлил жараёнида, биринчидан, ЎСларнинг морфологиялаштиришдаги асосий турлари ёхуд киришмалар етакчи морфемаларни ясовчи ўзакларга айланиш ҳоллари тадќиќ қилинади. Иккинчидан, кўпинча - аа га тугаган отларнинг формал синфлари билан биргаликда қисман ундошларга тугаган отлар гурућларига тадбиќ этиладиган КЭТнинг сўз ўзгартирувчи параметрларига ЎС ларнинг мослашиш йўллари текширилади, чунки МСЯМ натижаларининг энг яќқол юзага келиши категория белгилари лўнда ифодаланган шакллардагина кузатилиши мумкин. Бундай текшириш асосий ва ўзгарган шаклларнинг киёслаш орќали ўтказиладики агар матнларда асосий шакл учрамаса, у шартли равишда киёсланувчи шаклларга эга қолипларга солиштирилиб тикланади. ЎС ларни Жћда мунтазам равишда морфологияланиш усули музаккар жинсидаги - аага тугаган ўзгарувчи 359 ўзак-негизларга - аћ га тугаган ўзлашган негизларнинг айланиши ҳисобланади. Масалан: ар.ѓамзаћ «ноз-ишва» > ѓамз-аа > ѓамз=е те «ноз-ишва билан, нозланиб»; ар.зарраћ «заррача» > зарр=аа > зарр=е куунн «заррачани».

Бунданда мураккаброќ ҳолларда КЭТ нинг грамматик типларга кўра ўзлашма ўзаклар ўзгариб, уч хил типдаги ҳодиса рўй беради, булар – форсча, «декан»ча ва умумћинд типлардир. Форсча тип бу Жћ га ЯФ тилидан ўтган ва формал жићатдан фарқладиган - аћ ҳамда ундошларга тугаган ўзакли вариантлардан (киёсланг - эр.дидаћ/диид «кўз») таркиб топган. Булар КЭТ га тайёр шаклда олинган деб талќин қилинган бўлса-да, асосан биринчи ўзаклари кўп учрайди, иккинчилари эса кам ишлатиладиганлар каторига кириб қолади.

«Декан»ча типга оид вариантлар ўз навбатида ундошларга тугаган ёћуд атематик отларни - аћга оћири келувчи тематик отлардан морфологик дифференциациясига таянади. Хусусан, атематик отларнинг тематикларга айланиши уларга аа ћиндча кўшимчаси кўшилиши билан яқунланади. - киёсланг. ар. ѓаар

«ғор» + -аа = ғаар=а. Бундан ташқари ушбу тип бошқа томондан араб отларни музаккар жинсга морфологиялаштириш билан характерланади. Бу ҳодиса гоҳо имло жиҳатидан яширинган кўринишларда ифодаланади. Масалан: ар.маани «маъно» معنى > маанаа مانا га айланиб, бундан маан = йаанн те مانيان تى «маънолари билан» каби ҳоллар ҳосил бўлади.

Умумийдча тип сифатида эса шартли равишда ҳозирги адабий урду тилининг фактлари тушунилади.

ЎСларнинг морфологик табақасида мослашиш жараёни дастлаб от, сифат ва олмош сўз туркумларига оид материал асосида кўрилиб, уларга хос жинс, сон ва келишик грамматик категорияларга кўра тадқиқ этилади.

Отларнинг жинс категориясига бўлган муносабатларини ўрганганда жинс белгилари ўзгариб туришга учраган ва ҳозирги ҳиндий ва урду тилларидаги белгиларга тўғри келмай қолган 214 сўз кузатилади. Бу ҳодиса ЖҲ доирасида синтактик йўл орқали аниқланиб келинади.

Жинс белгилари ўзгариш ҳолларидаги музаккар жинси белгилари барча сўз ишлатишларга қараганда 50%ни ҳамда ҳозирги белгиларга тўғри келмай қолиш ҳоллари эса 87% ни ташкил этадилар. Бу ҳодиса, шубҳасиз, жуда муҳим характерли хусусиятдир. Муаннас жинсидаги - ат га тугаган арабча отларнинг ишлатилишига келганда бу барча сўзларнинг 60%га яқин миқдори ташкил этиши КЭТдаги бундай отларнинг кўпчилигига хос морфологик барқарорликни тасдиқлайди.

Сон категориясига кўра хорижий отларнинг ўзгариши ҳолларини таҳлил қилганда ЖҲ тилига тегишли бўлмиш кўплик маъносини -е, -аанн, -йаанн, ваанн морфемалар ёрдамида ифодаловчи флектив-агглютинатив усулнинг ЎСларга кенг тадбиқ этилганлиги маълум бўлади. жумладан, бачч=е «болалар» эр.баччаһ дан, сифат=аанн «тарифлар» ар. сифат дан; хууби=йаанн «фазилятлар» эр. хуубии дан; абру=в=аанн «қошлар» эр.абруу дан.

Бошқа ҳолларда кўпчиликнинг ишлатилишига эътибор қилсак, бу ердаги вариант муносабатларнинг асосий кўриниши

мазкур усулларнинг мувозанати ҳисобланади. Жумладан, рухса-ар/рухсаар=аанн «рухсорлар» эр.рухсаар дан.

Арабча ва эронча кўпчилик усуллардан фойдаланиш ҳолларига қараганда, шу нарса аниқландики, булар кўпинча ўрганилаётган матнларда ўша тиллардан тўлиқ кўчирилган иборалар таркибида (хусусан, ар.киссас ул-анбийаа «набилар ҳақидаги қиссалар») - киссаҳ «қисса» ва набии «наби» сўзларидан ва кам миқдорда мустақил ҳолда кузатилади. Бу ҳолларда улардаги кўплик маъноси истеъмолдан чиқиб, бирлик шакллари сингари ишлатилади (31 ҳолларда), бу шаклларнинг айримларига эса туб ҳиндча кўплик аффикслари кўшиб ишлатилади, масалан, ар.малик «шоҳ» > мулуук «шоҳлар» > мулуук=аанн «шоҳлар».

Махсус миқдорий текширишларга кўра КЭТга бегона сўзларнинг ўзгарувчи моделларни кўчириш мослашган (малик «шоҳ» > малик = аанн туридаги содда) киришмалар билан мослашмаган (мулуук=аанн сингари ясама) киришмалар ўртасидаги шиддатли рақобатни вужудга келтиради, бу рақобат мослашган киришмаларнинг устунлиги, 134 сўз ишлатишдан 91 таси 27 тага қарши, бўлиб, 10 тасида мувозанат ҳодисаси. Бундан чиқди, ўзлашган грамматик элементлардан фойдаланиш характериға кўра булар КЭТ морфологиясининг унумли воситалари қаторига қира олмай Жҳ шакл ясалиш тизимида ўта пассив характерға эга бўлади.

Келишик категориясига биноан ЎСларнинг шакл яшаш йўллари тадқиқ этганда, отлар икки келишикка, яъни бош воситали келишикларға ишлатилиб, кўмакчилик ёрдамидаги синтактик усулда ифодаланади ва ЎСлар воситали келишикда (в.к.) икки хил сўз шаклларининг - аҳға охири келувчи сифар (нуль) кўрсаткичли ўзгармовчи тип билан -е га охири келувчи ўзгарувчан типдаги 30 сўз ишлатилишға 70 та сўз ишлатиш нисбати билан бўлган алмашинуви юзага келади. ЎСларнинг ва в.к. кўплик тизимиға кўникишининг характерли хусусияти сифатида шу тизимнинг **граммема** кўрсаткичлари бўлмиш -е- ва -йаанн морфемалари қаршиланиши озми-кўпми аниқ кузатилиши - аҳға охири келувчи 34 отлар мисолида кўрилади.

Юқорилардагилардан ташқари тадбҳава, эронча ва арабча 172 отларга боғлиқ бош ва воситали келишиқ кўплигидаги шакл ясаиш ҳодисаси текширилганда шу нарса аниқландики, ЎСлар парадигматик муносабатларга тадбҳава моделларига ўхшатиш ҳолда киради, бунда алмашинувчи -аанн ва -йаанн морфемалари КЭТда бош ва воситали келишиқ кўплигига хос универсал кўрсаткич вазифасини ўтаб, бу морфемалардан -йаанн кўпинча флектив усулда, жузъий ҳолларда эса -аанн ва -йаанн морфемалари агглютинатив усулда -аҳ, ундоши ва -ии га тугаган турли хил типдаги ўзаклар билан бириқиб келади.

ЎС ларнинг туб отларга ўхшашлиги тилга боғлиқ бўлмаган сабабларга биноан чекланган ҳолларда браж шевасига хос бўлган воситали келишиқ кўплиги шакллари ясовчи -он морфемасидан фойдаланишда кўзга ташланади.

Жҳ матнларида ундош келишигига оид шакллар камчил мажмуи орасида туб, хусусан, -е морфемали шаҳзаад=е («эй шаҳзода!») ва ўзлашган, жумладан, эр.худаайаа «эй худо» типлар мавжудлиги ажратилади. Булардан ташқари, бундай маънолар кўмакчи воситалар, масалан, «эй» ундов сўзи ёрдамида ифодаланиб, бу типдаги синтактик шакллар морфологик шаклларга қараганда 60 сўзга қарши 125 ишлатиш билан устунликка эгадир.

Жҳдаги ЎСлар тизимида келишиқда ўзгариш хусусиятларини тадқиқ этишимиздан келиб чиқиб, қуйидаги парадигматик асосий типларини ажратиш мумкин:

Биринчи тип - аҳ (-аа) ўзакли отлардан иборат бўлган ҳолда тематик деб аталган 359 бирликлардан тарқиб топади, булар сўз ўзгариши нуқтаи назаридан тўрт хил кичик типларга бўлинади. Шунингдек, мазкур шакллар сон-санокқа бўйсунмайдиган бўлгани учун улардан кўплик шакллари тузилмайди, хусусан, ар. ақидаҳ «ақидаҳ, эътикод», эр.киинаҳ «нафрат».

а) Биринчи кичик типда энг мунтазам ишлатилган 26 от сўзларнинг ҳар бирига тўртта ўзгарувчан шакл тўғри келади, шу боис буни мунтазам парадигма деб аташ мумкин. Бу ерда бош келишиқнинг кўплик ва воситали келишиқнинг бирлик -е ловчи шакллари ўртасида кенг қўламда омонимия рўй беради, бунга бош келишиқ бирлик ва воситали келишиқ бирликдаги жузъий

омонимия ҳам кўшилади. Бундай ҳодисанинг манбаси бир маънони ифодалашни орқали турли шаклларни сиғдиришидир.

Шу туркумдаги отларга хос формал кўрсаткич бўлиши «морфемали сифар (нуль)» - аа, -е, -йаанн, -аанн ва -онн морфемалар тўртталов графемаларга тегишли ўзаро алмашинувлар бўлиб, энг кўп (26) ҳолларда -йаанн морфемаси қўлланилган.

б) Иккинчи кичик типлиси бироз кучсиз (яъни уч шаклдан таркиб топган 64 отлар) парадигмада мавжуд бўлмаган шаклга кўра, бу шакл матнларда учратилмайди, уч хил кўриниш ажратилади. Бу кичик типнинг хоссаси шундаки, аниқ бир маънони навбатма-навбат ҳолда уч хил кўрсаткичлар билан алмашиниб, булар ўртасида энг кўп 24 ҳолларда -йаанн морфемаси ишлатилганлигидадир.

в) Учинчи кичик тип бундан ҳам кучсизланган парадигмага таяниб, 124 отларда икки кўрсаткич хоналари тўлмайдиган бўлиб, буларга жузъий омонимия 20 шакл жуфтликларда рўй беради ва энг мунтазам кўрсаткич -е морфемаси воситали келишик бирликда ва воситасиз келишик кўпликдаги 73 ва 26 ҳолларда қайд этилган.

г) Тўртинчи кичик тип, фақат воситасиз келишик бирликдаги 146 отларни -йаанн морфемаси энг мунтазам формал кўрсаткич бўлиб, энг тўлиқсиз парадигма учта ўзгарувчан кичик типни эътиборга олганда учинчи кичик типдаги 127 бирликка тўғри келади.

Иккинчи тип - барча ундошларга ва -ии, -уу унлилар билан тугаган атематик тип бўлиб, у 1954 отларни ўз ичига олади. Бундай сўзларнинг кўпчилигида бирликдаги бош ва воситали келишик ўртасида тўлиқ парадигма, жуфтли омонимия каби ҳодисалар мавжуд. Энг мунтазам универсал кўрсаткич сифатида кўпчилигида бош ва воситали келишикларда -аанн (-йаанн) морфемаси кўзга ташланади.

ЎСлар тизимида сифат сўз туркумига кирадиган бирликларни ўрганиб чиққанимизда қуйидаги хусусиятлар юзага келади: 1) КЭТга олинган бир катор сифатлар Жннинг асосий морфологик ўзгарувчан ва ўзгармас типларга мансуб бўлган фонеморфологик трансформацияга учрайди. Масалан, эр.гунг «гунг, тилсиз» > гунг-аа (гунгаа) эр.аарзуманд «орзуманд» > армузаад.

2) Сифатлардан 34 бирлик грамматик маъноларни ифодалаш даражасига кўра фарқланувчи тўрт кичик подтипдан иборат бир умумий парадигмани ташкил этадилар. Булар орасида энг тўлиқ сўз ўзгаришига эга бўлган 9 сўз бўлиб, булар тўрт, беш ва уч аъзоли кичик типларни камрайдилар. Қолган 25 сўз икки ва бир аъзоли кичик типларга бўлинади.

Юқоридаги ўзгаришларни инобатга олгач, ЎСларнинг сифатлар туркумига хос морфологик параметрларига мувофиқ мослашиш жараёни салмоқли тарзда жадаллашган бўлиб туюлади, чунки мазкур 9 сифат умуман ўзгарувчан сифатларнинг 25 % дан кўпини ташкил қилади. Ўзгармас шакллар эса 880 сўздан иборат бўлиб, буларнинг категория белгилари семантик ва синтактик жиҳатдан аниқланади.

Олмошларга уларга хос умумлаштирилган кўрсатувчи маъносига кўра яққол яқинлик жиҳатидан келиб чиққанда ЎСлардан энг аниқ ўзгарувчанлик белгиларига молик шакл сифатида фулаана «фалон» каби шакл кузатилиб, унинг сўз шакллари жинс ва келишик белгиларига кўра чанд «бир неча» каби ўзгармас олмошлардан фарқли ўлароқ ўзаро қаршиланиши мумкин.

Учинчи йўналишга ажратиланадиган ЖҲдаги ЎС мослашувининг сўз ясалиш хусусиятлари деб аталувчи бўлимда изчил чегаралаш текшируви натижасида турли синфларга мансублигига кўра отли ва феълли семантикали детерминатив қўшма сўзлар, ясама сўзлар ва оддий оддош феъллар мавжудлиги аниқланади. Буларнинг барчаси синтетик йўл билан ҳосил бўлган сўзлар деб тушунилади, ваҳоланки, аналитик йўл билан пайдо бўлган копулятив қўшма сўз ва бирикмалар, от таркибли қўшма феъллар, олмошлар, равишлар ва ёрдамчи сўз туркумларга тегишли бирликлар бу ерда ўрганилмаган. Сабаби, булар синтактик конструкциялар таркибида ЯФ тилидан КЭТ га кўчирилгани учун уларнинг мақоми мунозарали характерга эгадир. Аммо баъзан синтетик ва аналитик тузилмаларни солиштириш амалга оширилган бўлиб, бунинг мақсади техник сабаблар билан биргаликда ЎС ларга нисбатан ЖҲ нинг сўз яшаш қонуниятларини чуқур очиб бериш, КЭТ тизимида учрайдиган хорижий лексик-

грамматик ёки сўз ясалиш элементларининг сингиб кетганлик даражасини аниқлаб олишдан иборат бўлади.

Шу билан бирга деривация таҳлили янги сўзларнинг келиб чиқишини уларнинг прототипларини тиклаш орқали аниқлашга ёрдам беради. Гибрид сўз ясалиши деривация жараёнидаги характерли хусусиятлардан бири сифатида юзага келганлиги учун унинг етакчи тамойилларини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу ерда турли-туман янги тузилмалар ва киришмаларнинг ўзаро муносабатлари, ўзлашган сўз ясовчи морфемаларни ажратиб уларни сўз ясаш табақасининг янги бирликларга айлантириш, барча гибрид тузилмаларни рўйхатга олиниши ва тадқиқ этилиши каби ҳолатлар долзарб масалалар қаторига киради.

Булар орасида дастлаб ЎСларнинг ясалиш тизимидаги отлар бўйича энг асосий усул сифатида префиксация билан суффиксациядан таркиб топган аффиксация усулларини кўшма сўзларнинг ясалиши билан текширилади. Тенг боғланган ва эргашган кўшма сўзларга келганда уларни «детерминативлар» умумий атама сифатида тушунилган, чунки улар ўртасидаги фарқдан қатъи назар, уларга хос универсал таркибий-семантик аломат бу турли моделларни умумлаштирувчи ва типиклаштирувчи белгили семантик компонент деб талқин этилувчи детерминатор мавжудлигидир¹. Ҳиндистоний тил маълумотларига нисбатан фанда бундай ёндашувнинг тарихан биринчи маротаба тадқиқ этилиши шунга боғлиқки, шу типдаги хусусий кичик типлар бутунлай бошқача ёндашувни талаб қилувчи ЯҲОТ ва ЯФларнинг маълумотларидан кўра қадимги ҲОТ ҳамда эроний тилларнинг детерминативларини анча тўлиқроқ акс эттира оладилар.

Ваҳоланки, مال هور دهن/مال ودهن/ مال دهن «мол ва бойлик» каби одатда кўшма сўзлар деб талқин қилинадиган жуфт сўзлар ва улар билан бир шаклдаги сўз бирикмалари ЖҲ имлоси томонидан бир хил ифодаланиб келиши натижасида улар ўртасидаги чегаралар ноаниқ эканлиги туфайли **копулятив**, яъни жуфт сўзларга тадқиқ этилиб синтетик бўлмаган тузилмалар сифатида текширилади.

¹ Тафсилотлар учун қarang: Л.С. Пейси́ков. Очерки по словообразованию персидского языка. -М., 1973, с. 153-155.

Детерминативларнинг таркибий-семантик ва функционал-деривация тафлилида 173 сўз ўрганилиб, булардан 86 киришмалар, 14 киришмаларга яқин сўзлар ва 73 янги тузилмалар «от+от»; «сифат+от» ва қисман «от+феъл шакли» моделларига бўлиниб, 8 та ташқаридан кириб келган ва 12 та қадимги ҲОТ лардан мерос қилиб олинган шакллар алоҳида унумдор моделлар деб танилади. Бир қанча турли манбадан келиб чиққан моделлар эса ушбу моделларни ҳамда улар таркибидаги ёт компонентларни мослашувига (киёсланг: ар.-эр. аалампанааһ «олампаноһ» - санскритча (скр.) - ар.жагжанжаал «умум олам югур-югур» каби сўзларда «олам, дунё» маъноли детерминаторнинг мавжудлиги).

Мазкур типларга мансуб унумдор детерминативлар моделларининг таркибий ёпиқлиги ва барқарорлиги асосида детерминатор сўзлар мослашувнинг энг юқори даражасига тадбиқ этилиб, уларнинг типик ва кўп қўлланиладиган компонентлари эса (масалан, скр.-эр.маһапиир «буюк устоз» ва скр.-эр.жагпиир «олам устози» каби сўзлардаги эр.пиир «устоз, пир») ўрта даражага, бир сўз билан ишлатилган янги тузилмаларнинг компонентлари - энг пастки даражага таалукли деб топилади.

Шу зайддаги лексик-семантик, шунингдек, сўз ясаиш мослашуви жараёнида деривация белгиларига кўра детерминативларнинг ва улардан ясалган сўзларнинг ўзаро таъсири ҳамда детерминативларнинг уларга маънодош эркин бирикмалар билан алмашинуви (киёсланг: эр.некнаам «машһур»/некнаамии «шуһрат»/нек наам «яхши ном») ҳам жуда муһим кўрсаткич сифатида талқин қилинади.

Префиксация усулида тузилган сўзларни, (булар 390 дан иборат бўлиб, 264 киришма, 84 киришмасимон ва 42 янги тузилмаларни ўз ичига олади), таркибий-этимологик, функционал-семантик ва деривация жиһатларидан ўтказилган текшириш қуйидаги яқунларга олиб келади: 1) бу ерда ажратиладиган синоним жуфтликлари ва қаторларида функционал актив (яъни 2 сўз ишлатишдан (с/и) кам бўлмаган) ва функционал пассив (битта сўз ишлатишли) тузилмалар кузатилиб, булар услубий жиһатдан асослангандир (киёсланг эр.хуушранг (3с/и) ва эр.-ар. хуушликаа (1с/и) эр.ранг «ранг» ва эр.ликаа «юз, рухсор»дан

ҳосил бўлган «соҳибжамол» маъносида); 2) бир қанча киришмасимон сўзлар киришмаларга тақлидий ҳолда тузилганлиги ЖҲ тизимига унумдор эрон моделларининг кўчирилиши ва сўз ясалиш жараёнларининг янги ҳудудда давом этиши ҳақидаги фикрни қўллаб қувватлайди; 3) бир хил типдаги тузилмалар орасида турли йўналишларга қаратилган дериватлардан фойдаланиш булар сингари янги сўзларнинг деривацион маъноларининг шаклланишига қонуният сифатида таъсир кўрсатувчи ЖҲ даги баъзи бир арабча сўзлар ва улардаги сўз шаклларининг мослашуви тенг равишда ўтмаганлигидан далолат беради (хусусан, ар.ҳаал «аҳвол» ва ундан ясалган кўплик шакли «аҳвал»дан деривация йўли билан тузилган эр.-ар. бадҳаал «бахти қаро» ва бадахваал «оғир аҳвол» сўзларининг тузилмалари).

Префиксли сўзларни структурал-этимологик жиҳатдан солиштирилганда эрон прототипларидан келиб чиқадиган ва туб эрон тузилмалари қаторига ЖҲ тизимига гибрид эрон-арабча сўзлар шаклларида кириб келган 18 моделлар ажратиб чиқилади, масалан, бешумаар/ беаадад / бегинат «сон-саноксиз», эр.шумаар, ар. адад ва тадбхава гинат каби «сон, санок, миқдор» маъноли сўзлардан таркиб топган.

Шунда эрон моделларига кўра, калькалаш жараёни бир томондан дериватли синоним қаторларини ва иккинчи томондан турли типдаги ясовчи ўзак-негизларини семантик текислашга қаратилгандир.

Суффиксли бирликлар жамъи 1303 та бўлиб, улар таркибида 668 киришма, 438 киришмасимон ва 197 янги тузилмалар ажратиб олинган, охириги икки типга алоҳида эътибор берган ҳолда изчил семантик дифференциация усули орқали текширилди. Негаки, ЖҲ даги суффиксация тизимида лексиканинг аниқ доираларини бойитиб келувчи хорижий ва туб кўшимчалар асосий ўрин эгаллайди.

Хусусан, ўрганилган матнларнинг жанрлари ва услубий параметрларига кўра етакчи ролни мавҳум маъноли =ии суффикси ўйнаган ҳолда, унинг ёрдамида тузилган бирликлар гарчи санскритча унумдор бўлмаган муаннас жинс маъносидаги - ии кўшимчасига ўхшаган бўлса-да, А.С.Бархударов фикрича, бу суффикс «Этимология жиҳатидан ҳинд-эрон манбасидан келиб

чиққан ва унинг ҳиндий тилидаги унумдорлигига ўзлашган форс моделлар таъсир кўрсатадилар»¹. Ушбу типдаги сўзлар ЖҲда 392 та бўлиб, булар орасида 215 киришма, 191 киришмасимон ва 14 янги тузилмалар алоҳида ажратиладики, буларнинг туб маънолари ўта ранг-баранг ва мавҳумлиги турли даражаларида компонентларнинг оддий йиғиндисидан тортиб, манба тилида уларнинг маъно ўзгаришларигача қамраб оладиган кенг қўламни ташкил қиладилар. Масалан, киёсланг: эр.чаогаан=бааз=ии «чавкон ўйини» эр.чаогаан «чавкон» ва =бааз «ўйинчи»; рубааһ=бааз=ии «айёрлик» эр.рубааһ «тулки»дан таркиб топган. Шундай типдаги 59 киришмалар прототип бўлмиш 19 моделлардан келиб чиққан деб тушунилади.

Алоҳида унумдорликка эга бўлган кўшимчалардан =гии суффиксли бирликлар миқдори 28 киришма, 21 киришмасимон ва 12 янги тузилмалардан иборат бўлиб, буларнинг асосий хос-саси хусусий мавҳумлик ва атамалик (терминологичность)дир, жумладан; йагаанагии «ягоналик, айримлик» ва тадбхава-эронча тузилма бўлмиш сутхраай=гии «тозалик» тадбхава сутхраа «то-за»дан олинган.

Яна бир диққатга сазовор ҳодиса, бу араб-эрон тил алоқаларининг қадим давридан келиб чиққан арабча кўшимча -ат (-йат) каби воситага тегишли бўлиб, ЖҲдаги ундан таркиб топган киришмалар бўлинувчи деб анланган таркибий қисмлардан ташкил топган (хусусан, аахир=ат «охират»/аахир «охир, ту-гаш»). Ваҳоланки, киришмасимон сўзлар таркибининг бутунлай ноараб характерга эга бўлгани туб арабча синоним сўзларга нисбатан айниқса, яққол кўринади, чунки арабча сўзлар ўзак флексия алмашинуви натижасида ҳосил бўлган. Масалан, ар.вазаарат «вазир мансаби» ЖҲда вазиир=ат бўлиб келган.

Мавҳумлик маъносига эга =пан (панаа) ҳинд кўшимчаси ЎСлар каби кўп қўлланади. Бунинг натижасида =пан дан таркиб топган тузилмалар турли **хорижий** суффиксли синонимлар билан синонимия муносабатларига киришадилар (хусусан, эр. ха-ам=ии/хаам=пан «хомлик, пишиқ эмаслик» эр.хаам «хом»дан. Бундай сўзларни таҳлил қилишда КЭТ тизимидаги мазкур типли тузилмаларнинг унумдорлиги ва тарихан фарқли синонимик

¹ Бархударов А.С. Словообразование в хинди. -М., 1963, с. 1042.

луғавий типлари ўртасидаги чегараларнинг йўқолиб боришга мойиллиги билан улар =ии кўшимчали етакчи типга монандлашувиغا олиб боради. Масалан, худаа=й=ии /худаа=йат /худа: = панаа «илоҳийлик» эр.худаа «худо» сўзидан.

Жӛ ёдгорликларида белги, сифатга эга бўлган шахс исми, буюм номи ва фоил исмини ифодаловчи отларга хос маъноли морфемалар ёрдамида таркиб топган сўзлар кўп учрайди. Бундай морфемалардан эронча суффикслар -ии (144 сўз - 91 киришма, 58 киришмасимон ва 5 янги тузилмалар), -даар (79=35+29+15) жуда ҳам кўпдир. Улардан ясалган сўзлар ЯФ даги ўз прототипларидан сезиларли даражада уч хил белгисига кўра жиддий фарқланади:

1. структурал-морфологик белгисига кўра, бунда ясовчи ўзаклар охиридаги кўшимчани -е га ўзгартириши орқали ӛиндлаштирилади - масалан, даав=е=даар «даъвогар» киёсланг ар.-эр.даави «=даар<ар.дави» دعوى «даъво» сўзидан.
2. семантик белгисига кўра (маъноларнинг ўзгариши, киёсланг, миӛмаандаар/ЯФ миӛмаандаар «меӛмондор, меӛмонларни қабул этувчи «<» эр.миӛмаан «меӛмон, кўноқ» сўзидан ва миӛмаандаар «меӛмон, меӛмон бўлиб келган киши».
3. деривация белгисига кўра (ӛинд моделларидан фойдаланиш, киёсланг, тадбхава-эр.жотдаар/эр.таабдаар «порлоқ» мувофиқан жот ва таб - «нур тоб, порлаш»дан; ЯФ даги ӛозирги замон феъли باختن «ўйнамоқ» ўзагидан келиб чиққан =бааз кўшимчаси ёрдамида ташкил топган 20 сўз = 9+4+7 КЭТ да грамматикалашган формантга айланиши куйидаги белгиларда ўз аксини топган:

1) ясовчи ўзакнинг ўзгариши (киёсланг, жу=е=бааз «киморбоз» тадбхава жуаа «кимор» дан; 2) ушбу суффикс билан ясалган сўзларнинг ўзаро деривация муносабатларига кириши; 3) кўпчилик киришмаларнинг маъносига кўра мавӛумлашуви; 4) бу суффикснинг туб лексикага тадбиқ этилиши, масалан, 6 киришма ва 4 киришмасимон сўзлар орқали 5 та янги тузилма ясалишига олиб келади. Киёсланг, ар.-эр. ишқбааз/яримтатсама - эр. неӛ-бааз, пиратбааз «ошиқ, севган, хуштор».

Нисбатан камунум морфемалар таҳлили -манд/-ванд,-баан/-ваан, -ваар/-вар,-каар/-гар каби вариант жуфтликлар ва каторларни ясовчи кўшимчалар дериватларини текширилганда улар орасидаги илк (оғзаки) ва кейинги стандартлашган вариантлар муносабатлари тарихий тусга эгаллиги тўғрисида тасаввур ҳосил қилади. Жумладан, илк вариант фикрванд/кейинги фикр-манд ар.فكر фикр «ташвиш»дан ташкил топиб «ташвишланган» маъносида ракиб синоним бўлиб келган.

Колган суффикслар унумдорлигидан катъи назар дастлаб ёрдамчи бўлмаган морфемаларни сўз ясовчи аффиксларга айлантиришга муайян грамматикалаштиришга хизмат қиладилар. Масалан, эр.фeyли زیدن «туғмоқ»дан ясалган - заадаҳ «келиб чиққан» каби сўз паак «тоза» ўзакка кўшилиб ЖҲда паакзаадаҳ «кир ювувчи» сўзини яратган, ваҳоланки мантиқан маъноси «озода, ораста, тоза» бўлиши лозим эди.

Бошқа типдаги ўзлашма суффикслар ЖҲда ҳинд кўшимчаларига нисбатан фаоллаштирувчи аҳамиятга эга бўлиб, бу ҳодиса, айниқса синонимик жуфтликларни ва каторларни пайдо қилган калькалаш жараёнида яққол намоён бўлади. Масалан, ар.-эр.шараабхаанаҳ, эр.мэйхаанаҳ, хумхаанаҳ, хумаархаанаҳ каби хорижий манбали сўзларни шараабгхар, мадхаанаҳ ва мадгхар каби умумий маъноси «майхона, шаробхона» бўлган сўзлар фаол қўллаб келинади.

Ушбу бўлимнинг сўнгги қисмида ЖҲ га оид отдош феълли сўз ясалишининг деривация, функционал-семантик, хронологик ва қисман услубий параметрлари махсус таҳлил қилинди.

Бундай 52 бирликнинг ясалишида энг типик усуллар қуйидагилардир; 1) 39 сўзда эроний манбали феъл ўзакларини ҳинд негизларига кўчириш; 2) 18 сўзда бундай негизларга хорижий отларни трансформация қилиш; 3) 5 сўзда эса бу ҳодиса суффиксация характериға эга бўлади. Мисоллар: аазмаанаа «синамоқ» феъли эр. آزمون «синамоқ» феълининг ҳозирги замон ўзаги آوما азмаа-ни ҳинд негизига кўчирилиши; бадална: «ўзгармоқ» феълида ар. бадал بدل «ўзгариш» отининг «ўзаклаштирилиши»; шармаанаа شرمانا «уялмоқ» феълида

эр.шарм «уят» отини олиб унга =аа суффиксининг кўшилиши, мазкур жараёнларда ЯФ тилининг ушбу кичик тизим бўлимиш Жћ феъл ясалишидаги ўрни яққол кўриниб туради.

3.4.3. Жћдаги ЎСнинг лексик-семантик мослашуви (ЛСМ) масалалари

Ушбу жараён назарий маълумотлар асосида, жумладан В.В. Виноградов, Р.А. Будагов, В.А. Звегинцев, Д.Н. Шмелёв, Ю.Д. Апресян ва бошқа филологларнинг асарларидан келиб чиққан ҳолда, икки асосий босқичдан иборат комплекс ҳодиса сифатида қаралади: а) ЎС нинг КЭТ лексик таркибига кириши ва туб бирликлари, гуруҳлари ва қаторлари билан муносабатга киришиб лексик-семантик тизимига (ЛСТ) кўшилиши. б) ЎС ларнинг сўз ясалиш ва семантик ўзгариш каби хоссаларини муҳассамлаштириб, КЭТ нинг ички қонуниятлари асосида кейинги ривожланиб бориши.

Бу жараён даставвал ЎС кириб келаётган КЭТ нинг қарши амал қилиши, янги сўзларга туб сўзларнинг таққослаб қўйилиши ёки КЭТ нинг ЛСТ ичидаги алоқаларни қайта қурилишига олиб бориб, ўзининг сўз яшаш имкониятларини фаллаштириш орқали содир бўлади. Буларнинг натижасида ЎС лар билан муносабатга кирган туб сўзлар (ТС) нинг парадигматик ва синтагматик таърифлари ўзгариб кетади. Сўнгра ушбу янги сўзлар қўшилган микромавзу ёки лексик-семантик гуруҳ (ЛСГ) лар ичидаги ўзаро муносабатлар кўрсаткичлари ўзгаради. Бу ҳодиса муносабатга киришган ЎС ва ТС ларнинг семантик таркибини ташкил этувчи лексик-семантик вариантлар (ЛСВ) турли типдаги ва энг аввало услубий вариантланиш билан биргаликда рўй беради. Мазкур назарий ёндашувга асосланиб тадқиқотлар давомида ЛСМ нинг асосий масалалари қўрилади.

Бундан сўнг Жћ ЛСТ га ЎС ларнинг семантик қўникиши масалаларига ўтганда, асосий назарий таянч сифатида ушбу ўзлашмаларнинг янги муҳитга ЛСМ жараёнида аниқ нутқ вазиятларида (ситуацияларида) мунтазам қўлланишида ўта йирик қатламнинг қатнашиши кузатилади.

Уларнинг ТС билан ўзаро алоқалари ифодаланиши, хусусан синонимия алоқаларининг амалга оширилиши обидалар маълумотларига кўра ўзлашмаларга парадигматик ва синтагматик

жиҳатдан қарши бўлган бир хил маъноли ёки яқин маъноли сўзларнинг тахминий танланиши сифатида тушунилади. Янги сўзларга қаршиланувчи синонимларнинг дифференциал белгиларига кўра ва уларнинг бир хил контекстларда ишлатилиш суръатига кўра 217 та ЛСГ ни текшириш ва умумлаштириш асосида синонимиянинг муайян типлари ажратилади. Бу ЛСГ лар умуман олганда, 28 та микромавзуни акс эттириб, уларга жами 265 ЎС ва гибрид сўзлар кўшилади ва ушбу ЛСГ лар ЎС ларнинг барча функционал соҳаларига таалуқли бўлгани туфайли ўзига хос фрагменти деб талкин қилинади.

Биобарин, ЎС ларнинг қуйидаги микромавзуларга ажралиши энг типик деб тушунилади: 1) ҳис-туйғулар, 2) феъл-атвор ва иштиёқлар, 3) олам тўғрисидаги таълимот, 4) тафаккур, 5) тасаввуфга хос дидактик тушунчалар, 6) инсоннинг жисмоний тузилиши, 7) касалликлар, 8) ер ва сув ҳодисалари, 9) ҳайвонот ва ўсимликлар.

ЛСГ ларнинг парадигматик табақадаги синонимик боғланишлари (ёхуд бирон синонимнинг бир хил контекст ичида семантик ифодаланиш имконияти) ва шунингдек синтагматик табақада ифодаланиши (турли манбалардан келиб чиққан сўзлар билан бир хил контекст ичида алмашинувчи синонимларнинг бирикиш имконияти) нуқтаи назаридан келиб чиқсак, ЖҲ даги ЎС ларнинг ЛСМ жараёнида икки аъзоли ва кўп аъзоли ЛСГ лар (жуфтлик ва қаторлар) синонимиянинг асосий типлари ҳисобланади.

Шунда кўп аъзоли ЛСГ ажратилиши туб ва ўзлаштирилган турли сўзлар (жумладан, тадбҳава/санскрит; тадбҳава/эрон, тадбҳава/араб ва ҳоказо) орасида пайдо бўлган синонимия ҳодисасининг хоссаларини чуқурроқ ва атрофлича очиб беришга қаратилган бўлади.

ЛСГларнинг икки аъзоли типига тўхталиб, булар 156 гуруҳдан иборат бўлган ва уч хил кичик типга бўлинadиган сўзларни ўз ичига олишини айтиш мумкин. Биринчи кичик тип – тўлиқ тип бўлиб, 13 ЛСГ дан ташкил топади ва буларда икки ва ундан ортиқ контекстларнинг бир-бирига тўғри келиши кузатилади. Иккинчи кичик тип – тўлиқсиз (14 ЛСГ) - турли муаллифларга мансуб ёдгорликлар матнларида контекстлар бир маротаба тўғри келиши билан ажралиб туради. Учинчиси – инди-

видуал-муаллифлик типи бўлиб, 129 ЛСГ ни ўз ичига олиб, бир аниқ муаллифнинг асарларига ёки бир асар ичидаги контекстларнинг бир маротаба тўғри келишини камраб олади.

Тўлиқ кичик типга хос 5 ҳолни кўриб чиқиш жараёнида эр. бахт/скр.бхааг «бахт, тақдир»; ар. зааһир/скр.паркаТ «зоһир, очик»; эр.жаагаа/тдб.тһа:р «жой, ўрин, маскан»; эр.ангуштариини /тдб. ангуутһии «узук»; эр.тиир/скр.баан «ўк» каби сўзларнинг бир хил контекстда келиши таҳлил қилинганда, улар бутун ўрганилаётган давр давомида пайдо бўлиши аниқланади. Мазкур ЛСГ даги ЎС лар юқори даражада жуда кўп ишлатилиши асосида лексик-семантик парадигма (қолип ЛСП)си белгиланганда, буларга хос ЛСП уларга муқобил туб сўзларнинг ЛСПси-га нисбатан кенгроқ ёки бир хил бўлади. Синтагматик жиҳатдан келиб чиқиши ўрганилганда янги сўзлар кўп (5 дан кам бўлмаган) ҳолларда турли хилдаги бирикмаларда кузатилиб, туб сўзлар эса асосан бир хилдаги бирикмаларда учрайди. Хронологик жиҳатдан контекстларнинг тўғри келиб қолиши эса мунтазам (яъни камида икки даврда) юз беради. Тўлиқсиз кичик типга тадбиқ этилган жуфтликларга тўхталсак, булар эр.ааһ/тдб.усаас «хўрсиниш»; ар.дааб /тдб.риит! 1) одат 2) қоида; эр.бешумаар/тдб.апаар «саноксиз, беадоқ»; эр.-тдб.андешнаа/скр.-тдб. бича:рна: «ўйламоқ» бўлиб, улардаги ЎС лар ЛСП си ТС ларга қараганда тўлиқроқ ва хронологик жиҳатдан мунтазамроқдир. Иккинчи жуфтликдан ташқари барча қолган жуфтликлардаги ЎС лар асосан турли хил бирикмалар таркибига кириб туриб, бу КЭТнинг ЛСТ тизимида уларнинг ўта фаоллигидан далолат беради.

Индивидуал-муаллифлик деб аталувчи кичик типни таҳлил қилар эканмиз, бу ерда ар.афвааһ «миш-миш гаплар»/тдб. пукаараа «шовқин-сурон, кий-чув», эр.-ар.бадхаса:л/скр.авагун «бадахлоқ, ахлоки бузук», эр.ашк/-тдб.анжуваанн «кўз ёши»; эр.-ар.бадхасаалат/эр.-тдб. бадчхинаал «бузук, ахлоқсиз, ар. инса:ф/тдб.нйа:о «адолат»; эр.-тдб.парвариш карнаа/тдб. барһаанаа «ўстирмоқ»; эр.а:фтааб/скр.ажат «куёш»; ар. қудрат/тдб.сакат «куч, қудрат» каби ЛСГ ларнинг парадигматикасида икки хил ҳодиса кўзга ташланади: 1) бир кичик давр давомида еттинчи жуфтликдан ташқари барча жуфтликлар аъзолари бўлган алмашинувчи лексемаларнинг бир маънога кўра бир маротаба тўғри

келиши; 2) Еттинчи жуфтлик алмашинувчи лексемалар ЛСП турлича тўлдирилиши ва бир кичик даврдан узоқроқ вақт давомида уларнинг ифода этилиши. Синтагматикага келганимизда, ушбу жуфтликлар: 1) турлича ёки бир хил контекстда (биринчи ва иккинчи жуфтлик); 2) бир хил ёки турлича контекстларда (учинчи жуфтликдан тортиб саккизинчисигача). Шу гуруҳлардан тўртинчи ва бешинчиларидаги ЎС ларга хос турлича контекстларда учраши мазкур типдаги ЛСП ичидаги кўпчилик хорижий сўзларнинг ЛСМ белгиси сифатида тушунилади.

Уч аъзоли гуруҳлар орасида қуйидаги этимологик кўринишлар мавжудлиги аниқланди: 1) битта ўзлашма иккита туб сўз билан алмашинади (ЎТТ); 2) икки ўзлашма бир туб сўз билан алмашинади (ЎЎТ).

ЎТТ кўриниши (эр.лаб/скр.адҳар/тдб. ҳонт «лаблар, оғиз»; эр. аайнаҳ/скр. дарпан/тдб. аарси: «ойна, кўзгу», эр. ху.ши:/скр. а:нанд /скр.сукһ «шодлик; хурсандчилик», бахт, роҳат, лаззат, осойишталик; эр. са:йаҳба:н /скр. мандан /тдб. чһатар «соябон; шийпон; чодир; «гумбаз», «зонт»; ар.ғулаам/скр.даас/скр. севак «хизматкор, кул»; ар.жаасуас/тдб.паалти:/скр.бһедии «айғоқчи, жосус»; эр.-ар.бениһаайат/эр.-ар.беант/эр.-тдб.бекунтаһ «бепоён, саноксиз»; ар.бадал/тдб.тэйн/тдб.лийе «учун» «туфайли» «томонга»)да контекстларнинг энг кўп маротаба тўғри келиши лаб/адҳар (7 сўз ишлатилиши) ва аайнаҳ/аарсии (2с/и)да кузатилиб, бу ҳодиса биринчисига оид хронологик жиҳатдан учта кичик даврда содир бўлади. Парадигматикадаги муносабатлар ЎС лар фойдасига бўлиб, синтагматикада эса кўп янги сўзлар ҳам ҳар хил типдаги муҳитларда ҳам бир хил типдагисида ҳам юз беради (лаб, хуушии, ғулаам, жаасуас, бениһа:йат). Туб синонимлардан ҳар хил бирикишда асосан ЛСГ ларнинг иккинчи аъзолари бўлмиш адҳар, аарсии, даас, беант ва тэйнлар нисбатан фаолроқ.

ЎТТ ҳолларида (эр.-ар. бехош/эр.-ар.бехабар/эр.-тдб.бесуд «бехуш, жонсиз, бехабар», ар. қаадир/эр. таваанаа/тдб. сактаа «қудратли»; эр.-ар.бераҳм/эр.дилсахт/эр.-тдб.бекуР «аёвсиз, бераҳм, қайсар»; эр.партав /эр. саайаҳ /тдб. чһааннв «нур», тобланиш», «соя, акс»), алмашинувнинг асосий шакли сифатида

жуфт вариантланиш тусини олган ва бинобарин, ЎС ларнинг ЛСПси ТСлар ЛСПсидан анча кенг бўлади. Кўпчилик ЛСГ аъзолари ҳар хил усулда бирикиб келади.

Тўрт аъзоли ЛСГ лардан ЎТТТ (яъни битта ўзлашмага мослаб учта туб синонимни синаб кўриш) деб аталган этимологик ТУР ажратилади.

ЎТТ тури (эр.ааб/тдб. паании/скр.ниир/скр.жал «сув», «ялтираш», «учи, тиз»; эр.шарм/тдб.лааж/скр. дҳарам/скр.нем-дҳарам «хоксорлик», «такводорлик», «қоида ва қонун»; эр. дииваанаһ /тдб. баавал/ тдб. бааврии /скр. бираҳман «демона», «аклсиз»; «телба») ва шунингдек ЎЎТТ тури («эр. шарааб/ эр. мэй/скр. мад/ скр.сураа «вино», «маст қилувчи ичимлик; ар. ваҳдат /эр.йактаайии/ар.-тдб.йакпанаа/ «ваҳдат, бир худолик») 3-4 контекстларда қайд қилинадиган жуфт синонимияли алмашинувга таяниб, бу ҳодиса хронологик маълумотлар билан ҳам тасдиқланган ва у икки кичик даврларга тегишли бўлади. Таянчли ЎСларнинг ТС лар билан кенг қўламли турли типдаги контекстда бирикиб келиши (киёсланг ааб 3 контекстда 4 с/и) улар ЛСМ га бўйсунитидан гувоҳлик беради. Мазкур ЛСГ лар учинчи ва тўртинчи аъзолар (ниир/паании) каби услубий синоним ёки (мад/шарааб) каби нисбий синоним ёки (жал, бааврии, бираҳман, дҳарам; сураа) каби индивидуал муаллифлик синонимлар вазифасини бажаради.

Қолган ЛСГлар беш аъзоли (эр.шоҳ /тдб. ачапал / тдб. чанчал/тдб. алҳаР/тдб. чулбулии жуфтликларни «шўх, ўйноқи» умумий семаси билан, етти аъзоли (ар. сиҳр/эр. афсуун/эр. жаадуу/ар. дуаа /тдб. Тонаа/скр. мантар/тдб. гунднаанн «сеҳр, афсун» умумий семаси билан, ҳамда тўққиз аъзоли (эр. шамшер/эр-ханжар/ ар. зуулфикаар /скр. қҳаРаг / тдб. лаҳваа / тдб. лоҳаа /тдб. қҳаандДаа / тдб. ҳатҳийаар «ўтсиз қурол» умумий семаси билан келганда, булар негизидаги алмашинув ТС лар билан навбатлашувчи таянч ўзлашмалар (сиҳр,шоҳ,теғ) вариантли жуфтликлардаги 2-3 контекстларда биринчи аъзо бўлиб келади. Бу гуруҳларга яна бир таянч сўзларнинг бошқа манбали сўзлар билан мунтазам алмашиниб; уларда туб фразеология хоссалари ривожланиши орқали янги лексик тизимли алоқаларнинг шаклланиш хусусияти хосдир.

Жӛ да киришма сўзлардаги семантик ўзгаришлар ва КЭТ лексик-семантик тизимида ЎС таъсирида юз берган ислоҳотлардир.

Жӛ даги ЎС ларнинг семантик хоссаларини ЯФ лексикографик манбалари асосида шу (ЯФ) тилдаги прототиплари билан таққослаганда қуйидаги хусусиятлар диққатни ўзига тортади: 1) ЎС нинг кўп қисми (6400та сўздан ортиқ) КЭТ га жиддий ўзгаришларсиз экстралингвистик сабабларга кўра кўчирилган 2) Алоҳида олинган 600 дан ортиқ сўзларда икки хил семантик ривожланиш ҳоллари кузатилади - а) баъзи семантик ўзгаришлар, КЭТ га хорижий сўзлар билан биргаликда кириб, улар кўчирилган тусга эга бўладилар (200 га яқин сўз); б) ЎС лардаги кўплаб юз берган ўзгаришлар ҳинд тупроғида содир бўлган (жумладан, ЛСМ жараёнида 455 та сўзнинг маъно таркибидаги анча жиддий силжишлар диққатга сазовор).

Тизимлилиқ/тизимсизлиқ белгисига кўра Жӛ муҳитидаги ўзгаришлар мавжуд сўзларда қуйидаги икки хил ўзгариш ажратилган - I. Умумий ҳоллар (368), бу ўринда тизим томонидан вужудга келтирилган ўзгаришлар. II. Хусусий ҳоллар (87), тасодифий ҳолатдаги ўзгаришлар.

I. Умумий ҳолларда сўз маъносининг ўзгаришига кўра уч хил типдаги мисоллар мавжуд: 1) Сифат ўзгаришлари (278 сўз), бунда сўз семантикаси бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтади. Бунинг ичида қуйидаги кичик типлар белгиланади - 1) Бир предметнинг номидан иккинчисига маъжозий кўчириш (163 сўз). Ўз навбатида бу кўчиришда қуйидаги кўринишлар кузатилади: а) тушунчаларнинг ёнма-ён туришига кўра ар.фикр «хаёл» > «оғир юмиш, ташвиш»; б) фазовий яқинлигига кўра (ар.замзам «Маккадаги ибодатгоҳ ёнидаги қудук» > «ўша қудукдаги сув»); в) ташқи кўринишдаги ўхшашликка кўра эр. турраһ «кокил, жингалак соч зулф, пешонасидан тушиб турган соч», «салланнинг учи» > 1) турра 2) зирак 3) салла 4) гулчамбар; г) сўз вазифасига кўра (ар.зуннаар «зуннор», «ислом давлатларида яшовчи насронийлар тақадиган белбоғ» > «брахманларга хос бўйинга тақиладиган муқаддас ип». 2) Сўзларнинг ўзга лексик-грамматик категорияларга кўчирилиши билан боғлиқ семантик ўзгаришлар, яъни гипостазис (67 сўз), шу жумладан- а) от ва сифатларнинг ўзаро алмашуви (ар.камаал «камолот», «камол»)

б) тўлиқ маъноли, тўлиқсиз маъноли ва кириш сўзларининг ўзаро алмашинуви (ар. саҳиҳ «соғ, эсон-омон, чин, ҳақиқий; > 1) дарҳақиқат 2) туб 3) -ку, ахир, эса, в) адвербиализация (яъни равишга айлантириш) ҳоллари (ар. зарраҳ «зарра, гард» > 1) зарра 2) бироз, зиғирдак); г) ясама ундов сўзлар ва бирикмалар субстантивацияси (отларга айланиши) (эр-шаад бааш «баракалла», «офарин», «раҳмат» > шаабааш «яшанг, бор бўлинг!» > шаабааш каҳна «мақтамоқ, офарин айтмоқ») 3) сўз маъноларининг торайиши, ихтисослаштирилиши ва терминологизацияси (зр. баазуу «кўл, қанот; ён, томон» > «фланг, ён томон») б) маъноларнинг кенгайтирилиши (ар. караамат «каромат» > «**мўъжиза**»; 4) маъноларнинг услубга кўра ажратилиши (дифференциацияси) (ар. шукраанаҳ 1) ташаккур 2) дуо қилиш.

2. Микдорий ўзгаришлар, булар кўп маъноли сўзларнинг ичида (25 сўз) юз бериб, бунда маъно таркибидаги лексик-семантик вариантлар (ЛСВ) алмашинади: а) манба тилдан сўз маъносининг фақат бир маъносини кўчириш (ар. рихлат 1) жўнаш, 2) кўчиб кетиш 3) ўлим, вафот этиш > «ўлим, вафот этиш»; б) кўп маъноли сўзларнинг барча маъноларини кўчириш (ар. заат 1) сира 2) тан, бадан 3) табиат 4) уруғ, қабила) в) кўп маъноли сўзларнинг барча маъносини ўша маънолардан бирини фаоллаштириш билан биргаликда кўчириш (эр. шириинии «ширинлик, роҳат, лаззат, ширинликлар; лаззатланиш» 1) ширинлик 2) кандолатлар 3) лаззатланиш). 3. Деривацион-семантик ўзгаришлар (64 сўз) куйидаги кичик типларга бўлинади; а) манба тилда йўқотилган деривацион маънони КЭТга кўчириш (ЯФ да марғол, марғолаҳ «кокил», «жингалак» «букилган, эгилган» > ЖҲ марғолна: «чиркиллаб сайрамоқ» (киёсланг: замонавий форс тилида марғолаҳ; 1) кокиллар; 2) булбул сайраши, чаҳчаҳлаб сайраши; б) энантиосемия, яъни маъноларнинг кутблашуви (поляризация) (ар. самаа" Яф 1) тинглаш 2) хониш, куйлаш > ЖҲ самакарнаа 1) тингламоқ, 2) куйламоқ) в) аниқ маъноларни гибрид тузилмаларга узатиш (хуушбуу Яф 1) хушбўйли 2) ҳушбўй > ЖҲ хуушбаас 1) хушбўйли 2) хушбўй.

II. Хусусий ўзгаришлар: Булар ҳаммаси бўлиб 87 сўзда учраб, 44 хил кичик подтипларга бўлинади: 1) фразеологик равишда боғланган маъноларнинг узатилиши (ар. қадар «тақдир,

кисмат» сўзлар кадр-о қазаа «такдир ва қазо» каби бирикмалар-
да) 2) бирон сабабга таянмаган ўзгаришлар (эр.таас ЯФ
«тоғора», «жомашўв», «лаган»> «шоҳи мато тури») 3) Фонетик
ўзгаришлар кетидан содир бўлган омонимия (ар. ихлаасии «хо-
лислик» اخلاصی > халаасии = ар.халаасии «озодлик, қутилиш».

3.4.4. Хулосалар

Умумий якун ясар эканмиз, ЎС Жҳ тизим таркибида мутлақо бир хил ва ёт компонент бўлмай (бу ҳам мазмун жиҳатидан намойиш этилди), балки бу ҳодиса ҳиндистоний тилининг тараққиётида аниқ тарихий даврни акс эттириб келмоқда. Бу давр аслида хорижий сўзлар, қўшимчалар ва моделларни фаол ўзлаштириш пайти бўлгани ҳолда келажакда ЯҲОТ нинг ЎС тизимидаги тарихий катламлар, жумладан, биринчи навбатда умумҳиндча, деканча, ва форсча сўз катламлари типологиясини чуқур текшириш учун кўп киррали мураккаб объект бўла олади.

Ушбу даврдаги ўрта аср Ҳиндистонида мусулмон ва ҳинд жамоаларининг ижтимоий-маданий яқинлашувига қаратилган синтетик мойилликлар юзага келиб, булар маҳаллий ва хорижий анъаналарнинг уйғунлашуви самарасидир ва Жҳ тилида оригинал адабиёт ташкил топишида ЎС ларнинг қайта ишлаб чиқирилиши ва улар негизида янги номинация ва деривация воситаларининг яратилиши билан ажралиб туради.

Бундай шароит туфайли ички тил жараёнлари оқибатида икки ёзма-адабий услуб барпо бўлди. Муҳим амалий якун сифатида Жҳ нинг ҳозирги тилдан кескин фарқи араб-форс лексикасини фаол ўзлаштиришида эканлигини айтиш лозим. Чунки замонавий тилда бундай сўзларнинг кириб келиши анча суст.

Жҳ даги ЎС лар мослашуви жараёнини умуман қуйидагича тасвирлаш мумкин.

1. ЎС лар КЭТ тизимида турли вариантланиш йўллариининг қилипларга кўра умумлаштирилиши ва типлаштирув орқали мослашади. Текширилаётган матнларга хос икки ва ундан кўпроқ вариантлашувчи туб ва ўзгартирилган ифода бирликларининг мавжудлиги бу сўзларнинг имловий ва грамматик жиҳатдан турғун шаклланиши жараёнининг тугал бўлмаганидан дарак беради. Шу жумладан, мослашувчи сўзлардан 40 % дан оз қисми имловий жиҳатдан турғунликка эришса сўзларнинг 11% фоизигина грамматик жиҳатдан мунтазам ўзгарувчанликка муяссар бўлади.

2. ЎС ларни ўзлаштиришга қаратилган мураккаб комплекс жараёнлар ташқи тилга боғлиқ бўлмаган ва ички тизимли ҳаракатлантирувчи кучларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда туб ва ёт элементларнинг ўзаро уйғунлашувига асосланади.

Хусусан куйидаги ҳодисалар ташки омиллар таъсири туфайли юз беради: а) хорижий имло анъаналари таъсирида 5% га яқин катор сўзлар графема қобикларининг шаклланиши; б) ташқаридан механик равишда арузга хос просодик параметрларнинг кўчирилиб киритилишига боғлиқ (100 бирлик) бир гуруҳ сўзларнинг морфема таркибининг ўзгариши; в) ўзагида чўзиқ -аа бўлган махсус тугалланиши туфайли морфологизацияга бўйсунмайдиган сўзлардан янги тарихий тип – форсий сўз типининг шаклланиши; г) -ат қўшимчали муаннас араб отларнинг формал жиҳатдан турғунлиги; д) КЭТга баъзи бир хорижий парадигматик элементларининг кириб келиши; е) ЯФ тилига нисбатан унумдорроқ бўлган эрон формантларининг ЖҲ сўз ясалиш табақасининг янги бирликлари сифатида фаоллашуви; ж) ЯФ тили ва Ҳатто араб тизимларидан келиб чиққан баъзи семантик жараёнлар ва силжишларнинг ЖҲ га кўчирилиши.

КЭТ туфайли вужудга келган ўзгаришларга келсак, булар; а) қисқа ва чўзиқ унлилар алмашинувида қисқа антепенултим фонетик қонуниятининг таъсири ҳамда фарингал «һ» ундошининг ўзгартиришдаги кўринишлари, ундошлар гуруҳларининг соддалашуви ва ундошлар чатишуви каби ҳодисалардаги Ҳинд фонографик хоссаларининг ўзига хослиги; б) аналогия қонунияти МСЯМ ни Ҳаракатлантирувчи асосий кучлардан биридир. Бунга кўра ЎСлар қаторидаги асосий гуруҳ бўлган синтетик бирликларга қаратилган, уларни 5 хил таркибий моделларга бўладиган Ҳиндча сўз ўзгаришининг тартибга солувчи вазифаси амалга ошади. Ушбу вазифанинг амалга ошиши жараёнида ЎСларнинг КЭТ параметрларига турли даражада парадигматик кўникиши аниқланди. Масалан, отларнинг кўпчилигини ташкил этган 1954та бирлик сон белгисига кўра қаршиланувчи икки аъзоли парадигмага бўйсуниб келса, озчиликни ташкил этган 359 бирлик тўрт хил кўп аъзоли парадигмага тобе бўлади. Сифатларнинг бори йўғи 25 %и жинс ва сонига кўра қарши кўйилиб, мунтазам парадигмага тортилиб жалб этилади. Қолган бирликлар мутлақо ўзгармайди. в) КЭТ тизимининг беқарорлиги Ҳолда кўплик кўрсаткичи -е/-йаанн морфемаларнинг алмашинуви ва муаннас жинсидаги отларнинг музаккар жинсига ўтишга интилиши аломати сифатида; г) тил тараққиётининг энг

типик жонли лаъзаларни акс эттирадиган ҳодисалардан ундошларга тугайдиган 67 хорижий отларнинг ўзагига -аа морфемасининг қўшилиши натижасида атематик типдан тематик типга трансформация қилиш орқали негиз ясалиши; д) ЎС ларга туб ҳиндча сўз ясовчи формантларнинг татбиқ этилиши жараёнидаги тадбхава ўзаклари ва элементларидан таркиб топган КЭТнинг гибрид сўз ясалишида турли деривацион кичик тизимларининг ўзаро уйғунлашуви. Тадбхаваларнинг улуши префикслаганда 35 % ни, суффикслаганда – 48 % ни ва детерминативларда 8 % ташкил этиб, татсамаларнинг шу каби кўрсаткичлари, мувофиқ равишда 14 %, 4,5 % ва 40 %; е) суффикслаган синонимияси ҳодисасининг текисловчи таъсири хорижий сўз элементларни грамматикалаштириб, сўз ясаиш табақасининг янги бирликларига айлантиришга ёрдам беради; ж) ЎС ларга хос маънолар дифференциал белгиларининг тўпламини туб синонимлардаги мутаносиб тўплаганга ўхшатишда бир хил семалар миқдорининг кўпайтириш ва фарқ этувчи семаларни камайитириш орқали қайта қуриш. Бу ҳодиса хорижий лексемаларнинг КЭТ тизими ичидаги лексик-семантик бирлик мавқеига эга бўлишини жадаллаштиради; з) метафоризация, гипостазис, маънонинг торайиши ва кенгайиши каби қонуний жараёнлар ўзанида ЎС ларнинг семантик таркибидаги тизимли силжишлар. Ушбу жараёнлар КЭТ тизимида янги деривацион семантик ва лексик боғланишлар барпо этилиши орқали мустаҳкамланади.

3. Жҳ даги ЎС ларнинг формал ва семантик ўзлаштирилиши мазкур бирликларнинг ҳинд тилида мослашувининг глобал жараёнини акс эттирадиган умумҳинд кўринишига эга. Буни қуйидаги ҳодисаларда яққол кўриш мумкин: а) ЯҲОТлардан кўпчилигида оғзаки-сўзлашув луғавий қатламлар учун типик бўлган анча турғунликка эришган алмашинув типларига қарадиган сўзлар гуруҳининг фонографик мослашуви; б) 1253 сўз ишлатишдаги 213 та отларда жинсга нисбатан иккиланиши ва унинг ностандарт қўлланиши билан бирга муаннас жинсидаги отларнинг музаккар жинсига ўтишига интилишнинг устунлиги; в) Жҳ морфологиясида тематик ва атематик типларининг рақобати ва умумҳинд тарихий типнинг ажратилиши; г) Эроний ва КҲО манбаъли бир қанча сўз ясовчи типларнинг структурал-

семантик ва генетик контаминацияси (ўзаро мос келиб қолиши), бу ҳодиса 8 эроний ва 12 КҲОТ прототиплар мисолларида кузатилади; д) Замоनावий ЯҲОТ луғатининг узвий қисмига айланган (дииваанаһ «демона, телба; шарм «уят, ҳаё» ва Ҳ.к.) қатор ўзлашмаларнинг ЛСМ, ҳамда (бһааг «ҳисса»; чһаайаа: «соя» ва Ҳ.к.) каби тадбхава ва татсама туб синонимлари ёрдамида ЎСлар маъноларининг бир хил нутқ вазиятларида ифода этирилиши. Ушбу маълумотлар нафақат қадимги, балки замоनावий дахний, XVIII-XIX асрлардаги Һиндистоний шеваси, Һиндий, браж, авадхий, панжобий; бенгал ва маратхий тилларига оид мисоллар билан ҳам тасдиқланади.

4. Мазкур натижаларнинг долзарблиги маълум даражада қисман эрон тиллари тарихи учун ҳам аҳамият касб этади. ЖҲ да ЎС ларнинг тизимида киришмасимон сўзларнинг ажратилиши туфайли бу ушбу қатлам ичида илк ва сўнгги манбали тузилмалар ва формантлар аниқланиб чегараланиши ҳамда бир қанча гибридларнинг генетик хусусиятларини ёритиб берадиган прототипларни аниқлашга олиб келади.

5. 5000 дан ортиқ, янги ўзлашмаларнинг асосий лексик-грамматик синфларга кириб келиши билан ЖҲ луғат фондининг миқдорий ўсиши билан бирга сўз яшаш воситалари захирасида юз берган сифат ўзгаришлари туфайли ЖҲ нинг деривацион имкониятлари кучайиб бойиди, 2000 сўзга яқин қатламдан ташкил топган янги тузилмаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Морфологик табақа нуқтаи назаридан қараганда, туб Һиндча сўз ўзгариш моделларига хорижий лексемаларнинг мунтазам равишда мослашиб бориши вазиятида бу элементларнинг туб воситалар билан алмашилиб турган ва морфология тизимининг кам унумдор периферия қисмларида жойлашган хорижий парадигмага оид айрим элементларнинг кириб келиши кузатилади.

Лексик-семантик даражада эса ЎС ва ТС ўртасида туб лексемаларнинг семантик таркибига таъсир кўрсатадиган янги деривацион - семантик ва лексик алоқалар юзага келтирган муҳим силжишлар содир бўлди.

Шундай қилиб, ЖҲда тизим ўзгаришлари сўз яшаш ва лексик - семантик даражаларида юз бериб морфологик ва фонографик табақалар эса хорижий сўзлар таъсирига «дош беради». Шунинг

учун Жһнинг лексик тизимига Ўснинг мослашуви кўпинча хорижий сўзлар ва элементлар сўз яшаш функциясининг ривожланиши ҳамда семантик силжишларни кўпайтириш ва мустаҳкамлаш йўллари билан амалга ошади. Бошқа даражаларда тизим ўзгаришлари камдан кам ҳолларда рўй беради.

6. Ушбу минтаканинг бошқа кўплаб алоқа шакли бўлган тилларга мазкур жараёнларнинг хослиги, баъзи бир ЯҲОТ тиллар ва шеваларга оид билвосита маълумотларга биноан бу мавзудаги бошқа ЯҲОТ ларга асосланган тадқиқотлар унумдорлиги ҳамда шарқ тилшунослигининг ушбу истиқболли йўналишини тадбиқ этиш ўта муҳимлиги тўғрисидаги фикримизни тасдиқлайди.

3.5. Жанубий Һиндистонийдаги санскритча сўзларнинг ташқи белгилари

Ҳиндий ва урду тиллари тарихида санскритча сўзлар аҳамиятини тўлиқ англаб олиш муаммоси энг долзарб муаммолар қаторидан жой олиши икки тилнинг пировардида расман бири-биридан ажралиб кетишига сабабчи бўлган йирик лексик қатламнинг Һиндистоний тил тизимидаги моҳиятига узвий боғлиқдир.

Аммо Һанузгача бу муаммонинг тарихий ечимига эътибор берилмагани учун бу туркумдаги сўзларнинг роли ва қўшган Һиссаси ноаниқ ва ўрганилмаган масалалар орасида қолиб кетмоқда.

Санскрит тили қадимий ҲОТлар босқичидаги адабий стандартлашган тил сифатида бундан сўнгги барча ҲОТлар босқичларида, жумладан, ЎҲОТлар ва ЯҲОТлар босқичларида, етакчи шакллантирувчи омил бўлиб гавдаланади. Ушбу омилнинг таъсир йўллари турлича бўлиб, шунингдек, булар кўпинча ўрта босқичда оғзаки сўзлашув йўллари ҳамда янги босқичда ёзма китобий йўл билан ўрнини топган эди. Шунинг учун ўрта ва янги босқич орасида жойлашган жанубий Һиндистоний (Жһ) тилидаги санскритча сўзларнинг мавқеини ўрганиб аниқлаш орқали илмий-назарий ва амалий нуқтаи назардан салмоқли натижаларни қўлга киритиш мумкин.

Бинобарин, Һозирги тадқиқотнинг асосий мақсади ушбу типдаги сўзларнинг ички таркибий жиҳатларини ёритишга

қаратилган бўлиб, Жҳ ёки дакһиний тилида ишлатиладиган санскритча сўзларга хос структурал моделларнинг принципиал шакллари ишлаб чиқишдан иборатдир, чунки уларнинг умумий тузилиши ҳозирги ҳиндий ва урду тилларининг илк ёзма адабий турларида морфологик тузилиш ва сўз ясалишнинг панхроник параметрларини ўз ичига олади. Таҳлил давомида ўша давр, яъни XV–XVIII асрларда Жҳда қўлланган араб-форс ёзуви фонетик ва морфонологик жараёнларини тўлиқ акс эттирмаслиги туфайли бундай мураккаб жараёнларни ўрганиш мақсадга мувофиқ эмас.

Ўрганиладиган лексикага нисбатан таҳлилий усул тариқасида бу ерда ҳам морфологик-деривацион, ҳам семасиологик қонуниятларни очиб бериш имконини берадиган умумий структурал-статистик усул танланиб олинди. Бундай ёндашувни танлаш сабаби ҳиндий ва урду тиллари илк шаклларидаги санскритча сўзларнинг ички тил сабабларига кўра пайдо бўлган тарихан ва типологик «тўғри» ва «нотўғри», ҳамда балки буткул трансформацияга учраган шаклларнинг ёнма-ён қўлланганига бориб тақалади. Бу типдаги ёнма-ёнлик кенг миқёсдаги омонимия ва семантик синкретизм каби ҳодисалар билан характерланади. Ушбу ҳодисалар замирида, бир томондан, етакчи маданий ва ижтимоий омилларнинг ўзгарувчанлиги ётади. Улар тилни аниқ адабий ва диний анъана ўзанига йўналтириб қўпчилик гибрид сўз ва бирикмалар пайдо бўлишига олиб келадилар.

Худди шулар таъсирида тадқиқотчилар олдида жуда ҳам жиддий қийинчиликлар пайдо бўлиб, уларни бартараф этиш қўп жамоали ва кенг қўламли изланишлар олиб борилишини талаб қиладики, булар «Веда»лар давридан тортиб, ўрганилаётган давргача, турли йўналишлардаги қўп поғонали синхрон таҳлилларга таянган санскритизмларнинг ўзига хос эволюциясини ўрганиб, умумлаштириб англашга қаратилган бўлиши лозим.

Бундан кўринадики, тарихан қадимий ва типологик жиҳатдан мурожаат қилишдан воз кечишга тўғри келди.

Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, типологик томондан ТҲТлар ўзининг қадимги ва ўрта босқичларида йирик ҳамда чуқурлиги ва кенглиги бўйича улкан товуш ва таркибий жиҳатдан ўзгариб, бу ўзгаришлар сўз ичи ва ортида, яъни ички ва

ташки флексия алмашинуви, айнан сандхий ҳодисалари натижа-сида ҳосил бўлган. Ваҳоланки, ЯҲОТ ўз навбатида тамомила янги типологик тузум бўлиб, бунда бутунлай ўзгача типдаги сўз ўзгартириш ва сўз ясаиш жараёнлари содир бўлиб, бу ҳолатда аффиксация ва агглютинация йўллари устун бўлган.

Ўтмишда амалга оширилган илк ҳиндий ва урду тилларида-ги «мусулмон» лексикасини /228/ таҳлил қилиш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда санскритча сўзларни тизим ўзгаришларига учраб қабул этувчи тил тизимида эса адаптация, яъни мослашув босқичидаги тайёр ўзлашмалар деб қарашимиз лозим.

Шу муносабат билан қайд қилиш керакки, КҲОТ ва ЎҲОТ даврларининг туташувида ҳинд тилшунослари томонидан иш-лаб чиқилган ҳинд лексикасининг анъанавий этимологик тасни-фи ҲОТ ривожланиб келиши бундан аввалги даврда ҲО ҳамда дравид минтақасида санскрит тили адабий ва бадиий стандарт вазифасини бажарган пайтида сақланиб келган «санскритизм-лар/носанскритизмлар» дихотомияни тўлиқ равишда акс эттира олмайдиган бўлиб қолади. Натижада бундай шаклларнинг ёнма-ён параллел равишда қўлланилиши ўрнига тил истеъмолидан эски, китобий ва архаик шаклларнинг сиқиб чиқарилиши ва та-биий структурал ва фонетик трансформация натижасида пайдо бўлган ва ҳозир «яримтатсама» ва «тадбхава» типларга тадбиқ этиладиган янги шакллар кўпроқ ишлата бошланиши кузатила-ди. Жумладан, қуйидаги пракрит ва апабхраншаларда ҳамда илк ЯҲОТларда ишлатилган сўз жуфтликлари ва қаторларини «тат-сама» типдаги китобий тусдаги биринчи аъзолари йўқ бўлиб кетадилар: йаша - жас «шон-шуҳрат», бхалла - бхаал - бхаалаа «найза», сваамии - саайиинн «эга, ҳомий», амрита - амарит - ан-барит «оби ҳаёт», путра - путар - пуутараа «ўғил, фарзанд». Бу-лардаги иккинчи ва учинчи аъзолар илк ва сўнгги пракрит шакллар сифатида оғзаки сўзлашув тусига кирган ҳолда тадбха-ва товуш типларига тенглаштирилиб келинади ва пировардида бир-бирига қаршиланади [228, 130]. Худди шундай ҳолатни илк ҳиндий ва урду тилларида вакиллари тариқасида ташкил топган шимолий ва жанубий шевалардан браж, авадхий ва дакһиний-ларда кўрамиз. Булар орасида оғзаки-сўзлашув талаффуз меъёр-ларини акс эттириш нуктаи назаридан энг тўлиқ ва характерли

восита бўлиб дақһиний ёки Жһ тили юзага келган эди. Бу тил араб алифбосига таянгани учун деванагарий ёзуви томонидан чекланган браж ва авадһийлардан кўра анча эркинликка эришган ва сўзлашув шакллари кўп ҳолларда сақлаб қолган эди.

Шунинг учун бундай шаклларнинг Жһ тизимида ўрганилишидаги асосий муаммо - бу уларнинг кўп кўринишли ва ҳар хил типдалиги ва шу типларни умумийлаштириб улардаги иккиламчи товуш белгиларидан воз кечиб, асосий ташки белгиларини ажратиб чиқариш муаммосидир. Шу йўлда асосий қаршиликлар сифатида бинар графемали просодия белгилари, жумладан, ундош/унли, қисқа/чўзиқ унли, назал/ноназал каби белгилар бўлганида улар аслида ҲОТлар турли босқичларида релевант бўлган белгилардир. Шундай қилиб, хусусий ҳинд товушларнинг энг принципиал сифат белгиларини акс эттира олмайдиган арабча ёзувга хос Ҳарфли ва консонантли чекланганлик барта-раф этилади.

Маълумки, ҲОТдаги санскритча сўзларнинг типологик ривожланиши, қисқача айтганда, фузия ўзгаришларидан агглютинатив ўзгаришларга қараб изчил ўтиши деб таъбирланади. Бу ўтишнинг инъикоси санскрит тилида уч-уч босқичли алмашинув ёки сандхий мусикавий экспиратор урғу натижасида негиз ва қўшимчаларда юз бериб ЎҲОТда эса бўғинли ‘й’, ‘л’, ‘в’ каби ярим ундош ва дифтонгларнинг йўқолиши, очик бўғинларга қараб интилиш, ундош гуруҳларини қатъиян чеклаш, иккиланган ундошлар, бир хил типдаги бурун ва портловчи ундошлар, бирикмаларининг мавжудлиги, яқка интервокал ундошларнинг ўзгариши содир бўлади. Булар натижасида сўзлардаги аввалги морфологик тиниқлик йўқолиб, сандхий тизими ғойиб бўлади ва флексиянинг фарқловчи кучи заифлашади. ЯҲОТ назаллик қаршилиги фонологик тусга кириб, сўз бошларидаги ундош бирикмалари оддийлашиб, эски флексия ўрнига аввалига қараганда озроқ маънога эга янги агглютинатив флексия юзага келади [159;76]. Бинобарин, Жһдаги санскрит сўзларни таркибий ва типологик томонларини таърифлаганимизда булар «му-сулмон» сўзлар бўлмиш яна бир йирик ваколатли ўзлашмалар гуруҳига нисбатан (буларнинг сони 7 мингдан кўпроқ) бир неча жиҳат-ларига кўра фарқланадилар. Жумладан, ижтимоий

жиҳатдан санскритча сўзларнинг истеъмоли асосан қадимги ҳинд маданий ва адабий анъаналарга ва ҳинду динига боғлиқ эди. Иккинчидан, «мусулмон» сўзлари тайёр ҳолда кирган ва санскритча сўзлар-дан кўра қисқароқ давр (XIV-XVIII асрлар) мобайнида ўзлаштирилган бўлса, санскритча сўзлар эса КҲОТ,ЎҲОТ ва ЯҲОТ қатламлари ва улар оралиғидаги қатламларни қамраб олган тахминан 2 минг йиллик давр давомида ривожланиб келган.

Бу давр, ўз навбатида, будда санскрит тилидан бошлаб ҳозирги давргача давом этиб келадики, ҳозирда ЯҲОТда янги санскритча сўзлар қўплаб учрайди. Буларни эса шартли равишда ушбу изланишимизда таҳлил қилинаётган эски санскритизмларга қиёслаш мумкин/226, 129-130/.

Юқорида ажратилган бинар графемали просодия қиёслардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги аломатларни қўллаб, бўлажак таркибий (структурал) моделларни аниқлашга ўтамыз: С - ундош, У - қисқа унли, Ў - чўзиқ унли, Ун - қисқа бурун унли ва Ўн - чўзиқ бурун - унли. Таркиб жиҳатидан содда ва ясама, қўшма ҳамда гибрид (ясама, сохта кирган сўзлар [228,90] ва қўшма сўзлардан иборат бўлган) сўзлар моделлари ажратилади.

Таҳлил жараёнида содда ва ясама сўзларнинг энг маҳсулдор моделлари сифатида (буларда 50 дан 100 гача мисоллар кузатишган) (1) СЎС, масалан, скр. дхаату «негиз» дан ривожланган дхаат (دهات) «усул, йўл»; (2) СУС мукха «юз, башара»дан мукх (مكه); (3) СУСУС скр. читра «расм, тасвир»дан читар (چتر); (4) СЎСУС скр. жиивана «ҳаёт, турмуш»дан жииван (حيون). Маҳсулдор моделлар қаторида яна ўн битта модел кузатилади (11 дан 30 мисолларгача); (5) СЎСУС скр. вичаара «ҳаёл, фикр»дан бичаар (بيچار); (6) СУССУС скр. динкар «қуёш, ёғду»дан динкар (دنكر); (7) СУСУ скр. маайаа «иллюзия, ҳаёлпарастлик, сароб»дан маайаа (مايا); (8) СУСС скр. хаста «қўл»дан хаст (هست); (9) СУСЎ скр. дайаа «меҳр, қарам»дан дайаа (ديا); (10) СУнС скр. бинду «нуқта»дан бинд (بند); (11)

СЎСУЎ скр. вийаапаара «савдо, тижорат»дан бэпаар (بيپار); (12) УСУС скр. апаара «поёнсиз, беадоқ»дан апаар (اپار); (13) ЎСЎС скр. аабһаара «ташаккур, шукрона»дан аабһаар (آهار); (14) УСУС скр. атула «ўлчаб бўлмайдиган»дан атул (اتل); (15) УССУС скр. амрита «оби ҳаёт»дан амрит (امريت).

Ўшма сўзлар орасида энг маҳсулдор (2 дан 7 мисолгача) куйидаги моделларни кўрсатиш мумкин: (I) СУССУС скр. калий-уга «темир даври»дан калжуг (کلجک); (II) СУСЎСЎС скр. Маһаараажан «буюк рожа»дан маһаарааж (مهارج); (III) СУССУСЎ скр. нрипати «эрлар ҳокими»дан нарпати (نريتي); (IV) СУССУС скр. мадраса «нашали ичимлик»дан мадрас (مدرس); (V) СУСУССУНС скр. пратибинба «инъикос»дан паратбинб (پريت بنت); (VI) СУССУСУС скр. манмагна «маҳлиё»дан манмаган (منمگن); (VII) СУСУССЎС скр. читрашаалаа «рассом устахонаси»дан чатарсаал (چتر سال); (VIII) СУССЎСУС скр. маданаайака «маст-аласт»дан маднаайак (مدنايك); (IX) СУССУССУС скр. чандрагуна «ойсимон»дан чандаргун (چندرگن); (X) СУСУССУС скр. сваргавана «боғи эрам»дан сарагбан (سرگبن); (XI) СЎСЎС скр. бһуупаала «ер эгаси, ҳокими»дан бһуупаал (بھوپال).

Ўшма сўзлар моделларини синчиклаб таҳлил қилганда, булар аслида содда ва ясама сўзларнинг кўшилмалари бўлиб чиқадилар. Жумладан, $(1)=(2)+(1)$ яъни $СУССЎС=СУС+СЎС$. Шунда бундай кўшилмалар таркибида энг кўп учрайдиган моделлардан (2), бу саккизта кўшилмада, (3) – бештасида, (1) ва (9), булар тўртта-тўртта кўшилмалар билан учрайдилар.

Гибрид моделлар хусусида шуни айтиш мумкинки, булар ё турли моделлар кўшилмалари ёки моделларнинг ўзидир. Масалан, булар таркибида энг кўп учрайдиган (5 тадан 7 гача birlikларда) модел бу СЎССУСУ модели бўлиб, шунингдек, заатвантии «зотли аёл» сўзида икки сўз ар. «заат» ва санскритча сўз

кўшимчаси =ват (маъноси ўхшатиш, солиштириш) га муштарак санскритча, эронча ва тadbҳава сарчашмасига мансуб -ии кўшимчаси (бу УССУС моделида - санскритча - тadbҳавача кўшилма атибал «жуда кучли»)дан атбал (бу ерда ати= кучайтириш маъносига эга олд кўшимча ати= ва бал «куч» сўзи кўшилган). Худди шу моделга юқорида (15) модел деб ҳисобланган амрит «оби ҳаёт» сўзи ҳам тўғри келади.

Гибрид кўшма сўзларга келганда бу моделлар ҳам ногибрид содда ёки ясама моделларнинг кўшилмалари бўлиб чиқади. Масалан, булардан энг кўп тарқалган (3 мисолдан 8 гача) модел СУССУС санскритча нарасуурадан нарсуур «куёш юзли эр» таркибан нар «эр» ва суур «куёш»лардан ташкил топган. аслида бу I модел бўлиб (2) ва (I) моделларнинг кўшилиши билан = СУС + СЎС ҳосил бўлган. Мазкур моделларни тобора умумлаштириб бориб, ЖҲ тузумига хос тўртта структурал моделни ажратиб чиқса бўладик, булар кўпчилик кўшма ва гибрид сўзлар учун курилиш модда бўлиб келади. Масалан, 2 (2) СУС, жумладан, ман «жон», кут «каерда?» каби сўзларга мос. (I) СЎС – биир «каҳрамон», бхааг «тақдир», диип «чирок» сўзларига (9) СУСУ – сабхаа «мажлис», сусаа «куён», (3) СУСУС – сарап «барча», жанат «ҳайвон».

Ушбу тўртта моделни таърифлаб айтиш мумкин, булар (2), (I), (9) ва (3) моделлар бўлган ҳолда КҲОТдан ривожланиб келган (3), (2), (8) ва (10) каби моделлардаги 56 сўзга тўғри келади, масалан, марма дан марам «сир». Иккинчи ўринда эса СУСУ модели туради, бундан (2) ва (9) моделларга мос келадиган 50 та сўз келиб чиққан, масалан, кхага дан кхаг «куш». Учинчи ўринда СЎСУ модели, бундан ўз навбатида 45 та сўз ривожланиб келган, дхаату дан дхаат «негиз» ва сўзи бўлиб (I) моделга мос тушади.

Мазкур жараёнлар натижасида шундай содда ва ясама моделлар орасида кенг миқёсда омонимия ҳодисаси пайдо бўлади. масалан, (2) моделдаги дҳан сўзи уч аъзоли омонимия қаторига қиради – I) «давлат, бойлик» санскритча даҳанадан; 2) «ёниш» санскритча даҳанадан; 3) «киз», «аёл» санскритча дҳаникадан. Бошқа кўпчилик моделлардан (I), (3) ва (6) лари икки аъзоли омонимия қаторини ташкил қилишлари мумкин, масалан, диип

сўзи 1) «чирок» - санскритча диипадан ва 2) «орол» -- санскритча двиипадан пайдо бўлган бўлиши мумкин.

Моделлар аро вариантлик муносабатлари ҳам кузатилади. Бу жиҳатдан (I) модел фаолроқ, масалан, шу моделдаги дуук «кайғу» сўзи (2-моделдаги дук билан вариантли муносабатларда учрайди). Таммаси бўлиб бу модел 8 қатор вариантларни, (4) ва (7) моделлар – уч қатор ҳамда (3), (12), (14) ва (15) моделларнинг икки қаторини камраб олади.

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, юқоридаги таҳлил натижалари ТОНинг морфология ва лексикологияга тегишли баъзи умумий ва муайян тарихий қонуниятларини тасдиқлаб, омонимия ва вариантлилик ҳодисалари тарихий семасиология вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш имконини беради.

3.6. Жанубий Һиндистонийдаги санскритча сўзларнинг лексик-семантик микромавзулари

Маълумки, лингвистик нуқтаи назардан қараганда илк Һиндистоний яъни жанубий Һиндистоний (ЖҺ) Һозирги адабий Һин-дий ва урду тилларининг прототипи бўлиб, ўзининг лексик ва грамматик тузумида бугунги кунда ушбу тилларни фарқловчи ва белгиловчи асосий хусусиятларни уйғунлаштириб келган эди.

ЖҺга культурологик жиҳатдан ёндашганда бу тил Һиндий урду тилларидан фарқли ўлароқ анчагина кенг стратификацияли тил бирлиги бўлиб, параллел равишда ҳам қадимги Һинд, ҳам мусулмон адабий аъаналарига қўра ривожланган эди. Шунинг учун санскритча, арабча, форсча ёки туркийча каби этимологик сўз қатламларига оид сўзларни танлашга ҳеч қандай тизим чекланишлар қўйилмаган эди. Бунга шубҳасиз, ЖҺ адабиётида тез-тез чатишиб, оралик қўрама типларни Һосил қилувчи тасаввуф ва веданта ғоявий йўналишларнинг ўзаро яқинлашуви ташқи стимул сифатида хизмат қилган.

Шу муносабат билан ўша қатламлар ўртасидаги нисбат ҳамда уларнинг вазифавий семантик ва услубий параметрларининг чегараларини белгилаш муаммоси катта назарий аҳамиятга мувофиқ микротизимларни аниқлаш имкониятини яратади. Илгари эълон қилинган ишларимизда [228] 7 мингдан ортиқ лексе-

маларни ўрганиб таҳлил қилганда «мусулмон» сўзларга нисбатан шундай муайян тадқиқотлар амалга оширилган эди. Бу ишларнинг энг муҳим самараси сифатида турли конкрет лексик-семантик микромавзуларга мослашган мусулмон сўзларга хос вазифавий ва семантик хусусиятлари ички таркибининг очиб берилиши намоён бўлди.

Худди шундай тадқиқотни энди санскритча сўзларга доир олиб бориш лозимки, булар гарчи сон жиҳатидан озчиликни ташкил қилган бўлса-да (яъни 2 мингга яқин сўз), шунда ҳам вазифавий ва семантик жиҳатдан айрим обидаларнинг матнларида «мусулмон» сўзлардан оз эмас. Шунинг учун жорий ахборотимизнинг мақсади ЖҲ санскритча сўзлар мослашган микромавзуларни кўриб чиқиш билан бирга синонимия, антонимия ва полисемия йўллари билан шу мослашувнинг энг характерли жараёнларининг ўтишини таҳлил қилишдан иборатдир.

Илгариги тадқиқотларимизда қабул қилинган махсус идеографик таснифлашдан келиб чиққан ҳолда энг кўп қўлланиладиган вазифавий доираларида санскритча сўзларнинг фоиз-ларидаги нисбатини келтирамиз:

VII. Инсон, тасаввуф ва маиший жиҳатдан.....11%

VIII. Табиат, тасаввуф ва маиший жиҳатдан.....10%

X. Маданият, адабиёт ва санъат.....10%

XI. Диний фанлар, теология ва Ҳ.....10%

V. Ижтимоий ва маиший кундалиқ ҳаёт.....10%

Қолган 28% кўп маъноли ва бошқа сўзларга тўғри келади.

Жумладан, VII доира, «Инсон...» қуйидаги микромавзуларда акс эттирилган: «Жисмоний тузилиш», «Ҳис-туйғу ва эмоционал ҳолат», «Қилмишлар», «Тахайул ва нутқ». VIII «Табиат...» бунда иккита микромавзу – «Ер» ва «Ҳайвонот ҳамда ўсимликлар дунёси», X доирада «Мифология ва «оғзаки ва ёзма ижодиёт», XI доирада – «Тасаввуф тушунчалари», V доира – «Дунёвий ва сарой муносабатлари». Юқоридаги микромавзулардан ҳар бирига мисоллар келтирамиз: «Жисмоний тузилиш» – бал «куч» санскритча баладан; чхаб «чирой» санскритча чхавидан; «Ҳис-туйғу ва эмоционал ҳолат» – саораат «суллоҳлик» санскритча сваартахадан; адар «одоб» санскритча аадарадан. «Тахайул» – бинтии «илтимос» – винатиидан. «Ер» ажит «ёритғич» – ажатидан;

«Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси» – сасаа «куён» шашаҳдан; камал «нилуфар» камаладан. «Мифология» – Сарасутии «Сарасвати маъбудаси» Сарасватиидан; «Оғзаки ва ёзма ижод» – ашлок «шлока» санскритча шеърӣй вазн» шлокаадан; «Тасаввуф тушунчалари» – антар «ғойиб» антарадан; «Дунёвий ва сарой муносабатлари» – абхаран «зеб-зинат» аабхаранадан.

Маълумки, бирон лексемани тил тизимида фаоллаштириш бир турдаги ва ҳар хил турга оид бирликларни ўз ичига олади-ган синоним жуфтлари ва қаторларининг пайдо бўлиш жараёнида амалга оширилади. Жҳда эса бундай ҳодисалар санскритча сўзларнинг қўпчилигини қамраб олади. Умуман, шу тилда синонимларнинг 128 та лексик-семантик гуруҳи (ЛСГ) булар орасида 81 икки аъзоли, қолганлари эса уч-, тўрт-, беш-, етти- ва тўққиз аъзоли ЛСГлар мавжудлиги аниқланди.

Жумладан, бунга икки санскритча, битта арабча ва битта тадбхава сўзларни ўз ичига олган тўрт аъзоли ЛСГ мисол сифатида олинганида ҳамда компонент таҳлил жараёнида – паркаар – дхаат – вазаа – бхаант сўзлари таркибий қисм бўлиб, улардан умумий семани «тур, тарз, иш йўли» сифатида ажратиб чиқарамиз. Бу сема парадигматик ва синтагматик йўл билан аниқланади. Парадигматик йўлда ушбу аъзолар маънолари ўзаро қаршиланса, синтагматик йўл билан эса шу сўзлар билан бирикиб келадиган вариантлар орасидан муштарак валентликни ифодаловчи бирикма топилади. Ушбу бирикма оддий қаратқич келишиги орқа қўмақчиси «кии» ёки «ке» билан мазкур ЛСГ аъзоларининг навбатма-навбат келишидан иборат бўлади. Вазифавий жиҳатдан энг қўп қўлланилган бирикма кии дхаат «каби, ўхшаш» олтига обидада қузатилган, ваҳоланки кии вазаа XV–XIX асрлар давомида ва қолган кии бхаант, ке паркаар бирикмалари онда-сонда учраб турадилар.

Худди шу усул орқали беш аъзоли ЛСГ бўлмиш сариир – дех – анг – тан – жисм сўзлар қатори таҳлил қилиниб, унга учта санскритча, битта форсча ва битта арабча сўз кирган, парадигматик жиҳатдан «ички руҳий ҳолатнинг ташқарига интилиши», «иситма, саросима» ёки «роҳат, оро» семаларига нисбатан валентликни аниқлаймиз. Охирги икки сема қўйидаги лексемалар билан бўлган бирикмалар аён бўлади – аган «олов», сантаап

«иситма», аанч «жўш, саросима», рааҳат «роҳат», жот «товла-ниш, ёниш». Ушбу ЛСГ аъзоларидан санскритча сўзлар орасида энг кўп учрайдигани анг бўлиб, бу сўз бутун ўрганилаётган давр мобайнида 12 та обида матнларида отли ва феълли дериватлар ва фразеологизмлар билан биргаликда кузатилади. Унинг атрофида кўпроқ ҳамжинс, масалан, ангонн «таналари билан», ангсанг «таналари ва яқинлик» каби сўзлар ишлатилган.

Синоним жуфтликлардан нагар (XV–XVIII а.) – шаҳар (XV–XVIII а.) «шаҳар, қалъа» ҳамда қапаТ (XVI–XVIIIа.) – киинаҳ (XV–XVIIIа.) «маккорлик, хоинлик» каби шаклларни энг кўп учрайдиган деб айтиш мумкин. Булардан биринчисининг парадигматик йўл билан «шаҳар ўлка, мамлакат» семага мослиги, синтактик йўл билан эса «севги», «кунгил», «гўзаллик» семаларига валентли эканлиги маълум бўлади. Иккинчи жуфтликка келсак 1) ёлгон 2) айёрлик, маккорлик каби санскритча манбаъларга яқин маънолар асосий парадигматик сема бўлиб, ваҳоланки форсча маънбалардан олинган киинаҳ сўзи учун «нафрат, душманлик, ёвузлик, қасд, қасос, ўч» каби маънолар асос бўлганга ўхшайди. Демак, иккала синоним учун «маккорлик, хоинлик» умумий сема сифатида ўз вазифасини ўтаб келади. Масалан: Со беТии кадиин тхе бураа маанкар, қапаТ дил мане апне аанкар, мангаайаа табар йак расрии сангаат, дийаа дукхии шаахзааде ке хаат. Де йаараан куунн дунбаал уске тамаам, со лакРийаанн дхулаане лагйаа субх - о- шаам. (С.Б.62). «Шундай қилиб (ҳабаш) қизи гинасини кўнглида **маккорликни** сақлабон, болта билан сўраб арқон, бечора шаҳзодага ўз соқчиларини қўйиб, унга буюрди: «Бор, ўтин тайёрла!» деб». Мазкур реконструкция-мизнинг тўғри эканлигини исботлаш қуйида киинаҳ сўзини ундан ясалган эгалик сифат маъносини ифодаловчи киинаҳвар сўзи билан солиштиришни мақсадга мувофиқ деб билдик: Вахаан те бэйткар шатранж кхеленн, Дунийаа ке фикар як дхир те рукелен, патийа ўз киинаҳ=вар куунн шааҳзаадах, пйаале суунн пийаа ле лекон баалах, Дубйаа мастии менн декх ўз, кхаако баазии, сате ваииин дармийааниин лйаако баазии (П.Б.108). «У ерда улар дунёвий ҳаёллардан алаҳсимокни кўзлаб, шатранж ўйинига бўлдилар ўтириб жалб, шаҳзода шунда ўша **маккорга** инониб тушди лаққа, (маккор) эса унинг уст-устига ичганини ва сархуш

бўлганини кўриб ютди шатранж ўйинини, тушириб шаҳзодани тузоққа».

Ушбу жуфтликнинг синтагматик хусусиятлари ҳақида сўзлаганда, шуни қайд қилиб ўтиш лозимки уларнинг ҳар иккаласи кўп ҳолларда синонимик бирикмаларда тўртта обида матнида уч маротабадан учрайди. Масалан: КапаТ-киине сиите пеш аа қайаамат кучх на андешаа, апан маарйаа апе тешаҳ то паайаа гирифтаарии бхии (Д.А.118). «Маккорлик ва хоинлик қилиб сен қиёмат ҳақида ўламадингми, чунки ўз оёғинга теша уриб сен қўлга тушдинг-ку!».

Юқорида кўрсатилган микромавзуларга мослашув ҳодисалари нисбатан камроқ бўлса-да, аммо антонимия муносабатларида ҳам санскритча сўзлар орасида ҳам ва ҳар хил жинс яъни санскритча ва «мусулмонча» сўзлар орасида ҳам кузатилади. Жумладан, XV-XVIII асрлар даврида «мусулмон» жуфтлиги бўлмиш зааҳир ... баатин «зоҳир.. ботин» сўзлар томонидан индукция (вужуд)га келтириб қўллаб-қувватланган санскритча сўзлар паргаТ..гупат «зоҳир..ботин» жуфтлиги матнларда кўп маротаба анча кенг учрайди. Бундан ташқари паргат «зоҳир» лексемаси арабча махфий «махфий» сўзи билан антонимия муносабатларига киришиши. Биринчи жуфтлик ҳақида сўзлаганда, унинг атрофидаги сўзлар ёки актуаллаштирувчи контексти ёки ҳамжинс, ёки ҳар хил жинс бўлиб келиши мумкин. Жумладан, паркаТ (паргат) сўзи гйаан «билим», жот «нур», жаг «дунё, жаҳон» каби санскритча сўзлар билан, иккинчи томондан, зуҳуур «зуҳур, пайдо бўлиш», нуур «нур», худаайии «худолик, илоҳийлик» каби «мусулмонча» сўзлар билан ҳам бирикиб келган ҳоллар бор. «Мусулмонча» сўзлар бўлмиш 'ишқбаазии «ишқ, иштиёқ», дил «кўнгил», душман «ёв», нааз «ноз», ганж «хазина» ва санскритча сўзлардан гйаан билим ва маайаа «севги» сўзлар муҳитидаги гупат «ботин» сўзининг қўлланишида ҳам худди шундай ҳол кузатилади.

Учинчи ҳодиса сифатида яъни гупат... паргаТ сўзлари антонимия бирикма таркибида келишини кўрсатса бўлади, масалан: Мире таба 'ке гул ме ҳо ранг-рас; Гупат ҳор паргаТ садаа тууннч бас (А.Н. 8). «Менинг гулим ичра ранг ва бўйи бўлгин, Чунки сенга зоҳир ва ботин барчаси хосдир».

Ҳар хил жинсли жуфтлик бўлмиш бошқа яққол мисолни кўриб чикайлик: каТхин (санскритча катхина дан I) каттиқ, маҳкам II) котган III) раҳмсиз VI) кийин V) қайсар, тиришқоқ ва аасаан «осон, енгил (форсча آسانдан). Куйидаги парча фикримизча далил бўла олади: Агар туж уупар лутф-е субхаан ҳо, КаТхин баат во тудж пе аасаан ҳо! (Г.И.147 ва кейинги саҳифаларда) «Агар сенга худонинг лутфи бўлса нозил, Мушкулинг ҳам осон бўлур (бинобарин)!»

Шу аснода матнларда кўп қўлланилган полисемия ҳодисалари кўп маъноли сўзлар санскрит тилидан ЖҲга нафақат қадимги ва ўрта ҳинд босқичида олган маънолари билан, балки бошқа жинсдаги сўзларга киёсан янги маъноларга эга бўлиб киради. Жумладан, ЖҲда ўзининг туб семантик таркибини сақлаб қолган паавака санскритда икки хил, яъни объектив «соф, тоза» ва субстантив «олов, ўт» маънода ишлатилган бўлиб, биринчиси асосий ўрин тутган. ЖҲда эса унинг кўпроқ субстантив маънода қўлланилиши, айниқса XVI, XVII ва XVIII асрларда кузатилади. Яна бошқа лексемалардан мат (санскритча 'мати 'дан) ва наайак (санскритча 'наайака'дан) лексемалари санскрит тилидаги кўплаб маъноларидан фақат 2-3 тасини сақлаб қолган. Масалан, мат сўзи уч хил маънода ЖҲда қўлланган – 1) раъй, фикр; 2) зеҳн; 3) тушунча; санскрит тилида 1) хаёл; 2) мақсад; 3) тушунча, тасаввур; 4) раъй, фикр; 5) ҳурмат; 6) намоз, алқов маъноларида ишлатилган. 'Наайак' сўзи бу сўз 1) ошиқ 2) доҳий маъноларида XVIII асрда қўлланиб санскрит тилида тўрт хил маъноси аниқланган эдики ва булардан биринчи маъноси 1) доҳий, раҳбар... ва тўртинчиси 4) қаҳрамон, жазман ЖҲдаги маънолар учун асос бўлганга ўхшайди.

Шу билан бирга санскрит тилидан ЖҲга қараб ривожланиб борган талай кўп маъноли ва бир маъноли сўзлар маълум контекстлар жараёнига тушиб маъносини ўзгартириши мумкин бўлади. Масалан, санскритча гамбхира 1) чуқур, поёнсиз, чексиз; 2) яширинган, махфий, сирли (қаранг куйи дунё ёки Ўликлар салтанати қаърида яшовчи «Авесто» ва «Ригведа»ларда Варуна ва бошқа асур (ёки аҳур) лар) ЖҲга ўтганда туб янги маънога эга бўлиб, бу маъно «қудратли, кучли, улкан, буюк»,

айниқса шааһ «шоһ», «подшо», аждаһаа «аждар» сўзлари билан бирикиб келганда якқол ифодаланади. Озроқ миқдорда учраган мисолларда бу сўз ўзининг туб маъносида кўзатилган – масалан: гамбхиир дарийаа «чуқур денгиз». Яъни бу сўз «жиддий» маъносида, жумладан, пэйгаам «мактуб» сўзи билан бирикиб келганида шу маъно англатишини ўрганилаётган давр давомида кузатиш мумкин.

Жҳда омонимия ёки омография ҳодисаларини ўрганишда ҳам анча мураккаб семантик ўзгаришлар гувоҳи бўламиз. Шунингдек, каалаа лексемаси санскрит тилида бешта маънода 1) кора, тўк; 2) тўк кўк ранг; 3) кўз корачиғи; 4) кўп ўсимликлар номи; 5) Шива мактови Жҳга кириб келганда «мавсум, йил фасли» маъносига эга каалаа сўзига омоним бўлиб, XVII-XVIII асрларда янги маъноларни ҳам эгаллаб келади. I. 1) кора илон; 2) ёв; II. 1) ўлим маъбуд; 2) ўлим.

Алоҳида ҳодиса бўлиб келган аадҳаар лексемасининг семантик ривожланиши айнан эътиборга молик, унинг асосий бешта маъноси касб этилиб – 1) тиргович, таянч; 2) асос, бунёд; 3) идиш; 4) ўрин; 5) доира, сфера Жҳ босқичида яна бешта қуйидаги янги лексик-семантик вариантлари пайдо бўлгани маълум: 1) ҳасса, калтак; 2) озиқ-овқат; 3) ёрдам; 4) ёрдамга эга бўлган; 5) севинч. Ушбу вариантлардан биринчиси арабча عصى «асо, хасса» сўзи билан синонимия муносабатларига кириш туфайли ва охиригиси санскритча аашаа 1) таянч; 2) ҳасса; 3) умид маъноларидан ривожланган аасаа сўзи билан омонимия муносабатларини ўрнатиш орқали ҳосил бўлганлар деб таҳмин қилса бўлади. Бу хулосани қуйидаги мисол ҳам тасдиқлайди: ‘Асаа һэй туун пирири мен, мундж пиир каа һэй аадҳаар нирдҳаар кун дҳиир каа (Л.М.73) «Сен менинг учун қариликда ҳасса бўлсангки, мен қария шунга т а я н и б олсам».

Шундай қилиб, омонимия ва синонимия муносабатлари шу каби ҳодисаларда нафақат ҳамроҳ бўлиб; балки бир бирига ёрдам бериб келади. Жумладан, булар натижасида фақат муайян микромавзуларга мослашув рўй берибгина қолмай, балки семантик майдонларнинг қўндаланг келиб тўқнашуви ва кесиби ўтиши ҳам юз беради. Буни биз аадҳаар сўзининг ‘асаа сўзи орқали «Мифология» майдонига чиқишини кўришимиз Мусаа

«Мусо пайғамбар, сеһрли ҳасса эгаси» деган глоссаси билан шу сўзга ассоциацияси (яъни психологик тасаввурларнинг бири-бирини эслатиши) орқали қўллаб-қувватланишини кўрамиз.

Демак, якун килиб айтиш мумкинки, санскритча сўзларни ЖҲ сўзлик таркибининг мерос қолган пассив қисми сифатида ўрганиш нотўғри. Аксинча кўп ҳолларда бундай сўзлар турли ўта мураккаб ва кундаланг ўтадиган семантик жараёнлар ва қарама-қарши ҳаракатларда ва биринчи навбатда синонимия, полисемия ва омонимия ёрдамида фаол қатнашади. Бунинг устига ҳозирги адабий Ҳиндий тилидаги суф китобий қатлам бўлган умуман ўта янги санскритча сўзларга нисбатан ЖҲдаги санскритча сўзлар сўз яшаш ва деривация ҳодисаларида фаоллик ва эгилувчанлик намоёниш этадилар. Масалан, нэйн «қушлар» сўзидан қатор дериватлар, жумладан, изофат бирикмаларидан нигааһ-е нэйн «қўз нигоҳи», нэйн-е наргис «наргиснамо қўшлар» ёки мураккаб сўзлардан ааһуу нэйн «оҳу қўшлар» каби ясама сўзлар ҳосил бўлади. Бошқа сўз бўлмиш неһ «севги, ишқ» мисолида неһнагар, неһшаһар «ишқ шаһри», неһпантх «ишқ йўли», неһбааз «ошиқ», неһбаан «ишқ ўқи» каби сўзлар вужудга келиши ҳам эътиборга моликдир.

3.7. Мирзо Ғолиб шеърӣ тилининг тузум хусусиятлари

Узоқ асрлар давомида адабий ривож топиб келган ҳозирги Ҳиндистоннинг энг йирик тилларидан бири Ҳисобланган халқ сўзлашув шеvasи - «Ҳиндистонӣ» асосида юзага келган янги Ҳинд тиллари - Ҳиндий ва урдуларнинг ниҳоятда бой ва рангбаранг тарихида Марказий Осиёдан чиққан адабиёт, фалсафа, сиёсат ва маданият арбоблари ўз фаолияти билан қўшилган Ҳиссаси диққатга ва илмӣ тадқиқот этишга шубҳасиз сазовордир.

Чунончи, урду ва Ҳиндий тиллари ёзма адабиёт анъанасининг бошланғич даврларида Ҳиндистонӣ шеvasида ёзилган дастлабки асарлар муаллифи Амир Хусрав Деҳлавӣ /XIII-XIV асрлар ўртасида/ асли «барлос» деб аталган турк қабиласидан чиққан.

Баъзи тарихӣ манбаларга қараганда ўзбек мумтоз адабиётининг йирик арбоби Муҳаммад Заҳириддин Бобур XV асрнинг охириларида Деҳлида ҳукмронлик қилган даврда маҳаллий

Һиндистоний тилда калам тебратган шоир ва ёзувчиларни ўз атрофига тўплаган ва ўзи ҳам туркий ва Һиндистоний тилларида бир неча кўрама байтлар яратган. Масалан: муж каа куч на Һуаа Һавас-е мааник-о мотиви, Фукаро Һолина бас бўлғусидур паании-о роТии /Менга бойлик, яъни кимматбаҳо тошлар ва гавһарларнинг кераги (Һавасим) йўқдур, Сув билан нон фукаро Һолига бўлса басдур»¹.

Ҳиндистоний шеваси шимолдан мамлакатнинг жанубига (Декан) томон тарқалиб, у ерда шеърий ва насрий жиҳатдан янгича «дакһиний» яъни жанубий тури ихтиро қилинган XV асрдан XVIII асрлар орасида шоир ва файласуф Бурһониддин Жонам, асли туркман бўлиб, ва «туркман» адабий тахаллусини олган Муһаммад Кули Қутбшоһ, урду тили тарихида бадиий наср услубининг асосчиси Мулла Важһий ва ўнлаб бошқа шоир ва адиблар урду адабиёти анъаналари шаклланишида муһим рол ўйнаб, уларнинг барчаси ўша даврдаги Хуросон ва Мовароуннаһр мамлакатларида яшаган турк қабилаларининг фарзандлари эдилар.

Аммо Һозирги урду шеъриятининг пойдеворини яратиш ва замонавий прозанинг юзага келишида ва адабий тилни халқ сўзлашув тилига яқинлаштиришда энг катта муваффақиятга эришган Мирзо Асадуллаһон Ғолибдир (1797-1869 й.). Юқорида айтиб ўтилганлар каби Ғолиб ҳам асли Һиндистонлик эмас, унинг бобоси Қўқонбек Самарқанд атрофларида яшовчи «барлос» қабиласининг Барқийёруғ уруғидан бўлиб, Һиндистоннинг Акбаробод (Агра) шаһрида турғунлашиб қолган эди.

Мирзо Асадуллаһон Ғолиб яшаб ижод қилган давр у пайтдаги тилга «Һозирги замонавий шаклда ишлатиладиган Һиндий ва урду тилларининг адабий услублари айнан шу вақтда бошланди»¹ деган сўзлар билан тавсиф бериш мумкин.

Шоир тилини ўрганиш мақсадида унинг адабий меросига назар ташлаб унинг нақадар кенглиги, шеъриятдан олиб муваррих санъатини, мактуб ёзиш маһоратидан сўзлик ва луғатлар тузиш тилшунослик қобилятига эришганлигини кўраимиз. Бу масалани

¹ Чаттержий С.К. Хинд-орий тили ва хиндий. -Калькутта, 1948. –Б.206 (Һиндий тилида).

¹ Қаранг [158,4]

бироз ёритиш учун бизнинг фикримизча, аввало шоирнинг ўзига хос тилининг тузилиш ва ривожланиш жараёнида амалий рол ўйнаган омилларни аниқлаш лозим.

Биринчидан, Мирзо Ғолиб ва бошқа урду тилида ижод этган шоирлар лингвистик нуқтаи назардан зуллистонайн яъни икки тилда ёзганини ва ўз ижодида фақатгина форс адабиётининг мумтоз жанрларини, вазнларини ва бошқа адабий воситалардан олиб фойдаланишдан ташқари ҳисобсиз лексик-фразеологик бирликларни ва синтактик бирикмаларни ишлатганини энг муҳим ва таъсирли омил деб бўлиш керак.

Иккинчи аҳамиятли омил сифатида олдинги шеърӣ анъананинг Ғолибнинг шеърӣ фаолиятига чуқур таъсир кўрсатгани диққатга сазовордир. XVIII асрда ривож топган Деҳли ва Лакхнав шеърӣ мактабларидан чиққан Мир Тақӣ Мир, Савдо, Носих, Оташ, Завқ, Мўмин, жанубдаги мактабнинг машҳур вакили Вали Аврангободӣ ва бошқаларнинг урду тилидаги шеърӣ услубига киритган алоҳида ўзига хос хусусиятларни Мирзо Ғолибнинг поэтик тарзда ўзлаштирганини кўриш мумкин.

Учинчидан, Мирзо Ғолибнинг шеърӣятида учрайдиган грамматика ва хусусан морфологияга тегишли кўпгина шаклларнинг ва айрим ҳолда йирик морфологик категорияларнинг илдизи ўша замонда Деҳли адабий тилида учрамайди, ва биль-акс Ҳиндистонӣ шевасига бутунлай ёт бўлиб бошқа шеваларга оиддир. Бундай лингвистик ҳодисага экстралингвистика жиҳатлари сабаб, чунончи Мирзо Ғолибнинг туғилиб, 10 ёшгача яшаган Агра шаҳрида браж шеваси кенг тарқалган эди. Деҳлига кўчиб кетганидан сўнг ҳам браж шевасининг баъзи хусусиятлари Ғолибнинг тилига сингиб, унда сақланиб қолган.

Юқорида айтиб ўтилган омиллар Мирзо Ғолибнинг ўзига хос тилининг асосий таркибини белгиласа ҳам, бўларнинг барчасини бундай кичик мақола доирасида чуқур ўрганиш мумкин бўлмагани сабабли биз «Девони Ғолиб»нинг тил жиҳатидан қилинган таҳлили натижасида унинг муҳим лингвистик, яъни морфологик ва лексик-синтактик хусусиятларини кўрсатиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Ҳозирги замон адабий тилига нисбатан фарқли ҳодиса ва унсурларни талқин қилишда мумкин даражада аввалги Ҳиндистонӣ шевасида ёзилган ёд-

горликлар ва бошқа шеваларга доир материаллардан фойдаланишга тўғри келди, яъни XIX аср ўртасида ижод қилган Мирзо Ғолибнинг шеърӣ тилини ўрганиш учун синхроник нуқтаи назар билан бирга диахроник қарашдан фойдаланиш зарур.

1. Морфологик жиҳатдан адабий меърдан чекка чиққан шакл асосан феъл категориясида учрайди, от, сифат ва сон сўз туркумларида бундай ҳодиса айтарли кузатилмаса-да, бироқ олошларнинг шахсий ва эгалик турида бироз аралашиш ҳодисаси рўй бериши мумкин. Чунончи, биринчи ва иккинчи шаҳс шаклларида мейнн «мен» ўрнига мераа ёки мере «менинг» (23) ғазалда икки марта, (27)¹ туу - «сен» ҳамда тум - «сиз» ўрнига тумһаара: ре (23, 177) ва тераа «сизнинг»ларни қўрамиз. Масалан: тераа биимаар - «сен касалсан» (23). Бу ҳодиса бир томондан қадимги кўлёмаларда учратилса (масалан, XV асрдаги «Меражул - Ашиқин»-да), иккинчи томондан ҳозирги адабий тилда бутунлай ишлатилмай, бир хил шеваларда ва халқ сўзлашувида учрайди, холос.

Энг яққол ажралиб турадиган морфологик ҳодисалар феълнинг бир томондан шахссиз ва иккинчи томондан шахсли шакллариининг ясалиш усулида қўринади. Биринчидан, шахссиз шакллар ичида сифатдошларнинг субстантив турлари ва герундивнинг умумий яшаш йўли диққатга сазовордир

Сифатдош категориясида, айниқса, тугалланган турдаги шакллари бир қатор қўмакчилар билан бирикиб, субстантив, яъни отлашиб қолиши кўп содир бўлади. Бундай ўзгаришда сифатдошнинг отга айланиши ҳам морфологик, ҳам семантик аспектда намоён бўлади. Шу жумладан, энг тарқалган ўрин-пайт келишигини ифодаловчи қўмакчи «пар» ёки «пе» билан бирикмада сифатдошнинг маъноси пайт ҳолига тенглашиб боради. Масалан: пакРе пе – «ушлаганидан кейин» (31). Бошқа қўмакчилардан шу каби бирикмаларда чиқиш қўмакчиси «се» ва бирор сифат ёки белгининг йўқлигини ифодаловчи «бағэйр» қўмакчиси М. Ғолибнинг тили учун хосдир. Тарихий нуқтаи назардан бундай иборалар XV асрдаги тил намуналарида, чунончи дақћиний адабий шаклларида кўп миқдорда ишлатилган.

¹ Бу ердан бошлаб ҳамма ерда рақам орқали [6] асаридаги ғазалнинг сони кўрсатилади (қаранг «Библиография» (Манбалар)).

Эхтимол бу жараёнда форс-тожик тилларида қўлланган аналогик шаклларнинг қолиплари урду тилининг ибтидоий ёзма услубларига таъсир қилгандир. Аммо ҳозирги замон урду (адабий) тилида инфинитив шакллари ишлатилади.

Сифатдош ёки герундив шакллари орасида Мирзо Ғолиб тилида кўпгина яқинлик сезилади, чунки герундив шакллари бу ерда сифатдошнинг оддий тугалланган турига асосланиб ясалиши мумкин. Бундай усул ҳозирги шакллардан тубдан фарқ қилади. Масалан:

Мирзо Ғолиб тили	ҳозирги замон адабий тили	Таржимаси
декх=аа ча аһийе	дэкһ=на ча а һийе	кўриш керак,
кхенч= а а ча аһийе	кхинч=наа ча аһийе	кўрмоқ керак тортиш керак, тортмоқ керак

Яъни жадвалга биноан XIX аср урду тилида герундив формаси тугалланган турдаги биринчи шахс, эр жинси сифатдош шакли билан ча а һийе равишига қўшилиши орқали ясалса, ҳозирги замон тилида биринчи компонент (сифатдош) ўрнига инфинитивнинг оддий бош келишикдаги шакли ишлатилади.

Шахсий шаклларда буйруқ майлининг шаклан ҳар хиллиги кўзга ташланади. Анъанавий меъёрлашган усуллардан ташқари -йو қўшимчаси орқали ясаладиган шакллар ҳам мавжуддир. Масалан:

Мирзо Ғолиб тили	Ҳозирги замон адабий тили	таржимаси
ракһ = йо каһ = йо а а = йо	ракһ = о каһ = о а а =о	Кўй, кўйинг Гапир, гапиринг Кел, келинг

Морфологик жиҳатдан нотўғри феълларнинг буйруқ майли шаклини яшаш учун - жо, -жийо қўшимчаларининг ишлатилиши кузатилади, масалан: ҳо=джо - «бўл, бўлинг» (191), ди и = жийо - «бер, беринг» (181). Кўрсатилган қўшимчалар -йо, -жо, - жийо Деҳли атрофидаги майда -кичик шевачалар ва лаҳжаларда ҳозирги давргача сақланиб қолиб, баъзан шаҳар аҳолисининг сўз-

лашув тилида ҳам учраб турадилар. Шундай қилиб, «Девони Ғолиб»да буларнинг ишлатилиши умуман диалектал характерга эга.

Ҳиндистоний шевасининг морфологик тузумида тамоман ўзга элемент шакл яшаш усулларида бири шарт майли шаклининг ҳозирги замон боғловчиси билан бириккан ҳолда кўриш мумкин. Бу шакл ҳозирги замон боғловчисининг бирикиши натижасида ҳосил бўладиган шаклнинг маънодоши бўлиб келади.

Масалан:

Мирзо Ғолиб тилидаги янги типдаги шакли	Ҳиндистоний шеваси- даги анъанавий шакли <i>бирлик</i>	таржимаси
I шахс кар=уунн Һуун	картаа Һуун	қиламан
II шахс учратилмаган	Картаа Һей	қиласан
III шахс кар=э Һей	Картаа Һей	қилади
	<i>Кўплик</i>	
I шахс кар=э Һейнн	картэ Һейнн	қиламиз
II шахс учратилмаган	картэ Һо	қиласиз
III шахс кар=э Һейнн	картэ Һейнн	қиладилар

Юқоридаги жадвалга назар ташлаб, биринчидан, морфологик томондан янги типдаги шакл тубдан бутунлай бошқа усулда ясалиши, яъни шарт майлини асос қилиб, аналитик бирикиши ва шахсни ифодалаши орқали боғловчи билан бирга жинс категориясини ифода этмаслиги ва иккинчидан, функционал томондан шу шаклнинг биринчи ва учинчи шахсда тамоман учрамаслиги эътиборга лойиқдир. Бундан ташқари ҳам аниқ, ҳам мажбул (масалан: на бхаагаа жаае хей мудж се – «Менда на қочиб кетиш, на тўхтаб қолиш бор» (154)). Нисбатда бундай шаклнинг қўлланиши муҳим ва асосли исботдирки, Ҳиндистоний шевасига тамоман ёт бўлган бу шакл Ғолиб тилининг морфологик тузумида аҳамиятли жиҳатлардан биридир. Тарих нуқтаи назаридан бу шаклнинг келиб чиқиши браж шевасининг баъзи шаҳобчалари хусусан Буландшаҳр, Матхура, Бхаратпур ва уларга яқин жойларда тарқалган лаҳжаларда ҳам учрайди.¹

¹ Дхирендра Вармага қаранг [93,111]

2. Лексик-синтактик караш натижасида структурал нуқтаи назарни қўллаб аввало фразеологик бирикмаларни ва ундан сўнг содда ва қўшма гапдаги синтактик хусусиятларни кўриш лозим.

1) Фразеологик элементлар структурал-этимологик жиҳатдан уч гуруҳга бўлинади – биринчидан, ҳинд компонентларидан иборат бирикмалар; иккинчидан, форс моделлари асосида ясалган фразеологик ва учинчидан, хусусан форс фразеологик бирикмалар. Биз учун энг аҳамиятлиси иккинчи гуруҳ бўлиб бундай сўзлар бир томондан феъл-предикатив ва иккинчи томондан субстантив отлашган категорияларга бўлинади. Масалан: феъл-предикатив тури - ба а вар а а на а - «ишонмоқ» (форс тилида-бовар омадан) (162). Бу феълларнинг барчасида а а на а - «келмоқ» содда феъли муҳим ўрин тутди. Субстантив калька тариқасида ясалган фразеология каторида тира а куу чаа - «сенинг кўчанг» (59, 100, 111) сао джаа «юз жой» (95, 98) каби бирикмалар хосдир.

2) Синтактик турдаги четга чиқишлар кўп жиҳатдан қўшма гапга хос бўлади.

а) Аммо содда гапда ҳам алоҳида бўлакларнинг ифодаланишида баъзи хусусиятлар мавжуд, яъни уларда форс тилидан олинган тайёр изофа орқали берилган: таалиф-э нусхааҳа-э вафаа кар рахаа тхаа мэйинн - «Вафо нусхаларини таълиф (териш) қилмоқда эдим мен» (7). Бу мисолда гапнинг биринчи уч бўлаги ўзаро изофа бирикмасида келиб, карнаа «қилмоқ» феъли нисбатан мураккаб от кесимининг биринчи ёки иккинчи қисмини ташкил этади.

б) Қўшма гапга тегишли четга чиқишлар биринчидан, сабаб ифодаловчи эргаш гапни «ки» боғловчиси орқали қўшиш усулида кўринади яъни худди мумтоз форс тилида ёки Алишер Навоий даврининг туркий тилида ёзилган шеърларда учрайдиган ҳодисаларга ўхшайди. Масалан: Ғолибда: аа ки мерии жаан ко қараар нахинн хей – «Кел, чунки менинг дилим беқарордир» (ШДГ 20)¹ ва Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» асарида: «кел э толеъисаъду бахти баланд, ки сиздин бўлур одамий аржуманд»². XIX аср урду тилида бу ҳодиса доимий тусга эга

¹ Қаранг [60а]

² Қаранг [3,7]

бўла бошлаган, чунки уни Мирзо Ғолиб замондошларининг ғазалларида ҳам кузатиш мумкин. Масалан: «Завќ» байтларида³.

Натижа маъносини ифодаловчи эргаш гапни бош гап билан бирикишида «таа» боғловчиси ишлатилади, ваҳоланки, ҳозирги адабий урду тилида ҳамиша «таа ки» қўшма боғловчи сўзи ишлатилади. Форс синтактик қолипларига томонан риоя қилган ҳолда, Ғолиб ҳатто форс тилидаги каби эргаш гапни бош гапдан олдин қўяди. Масалан: таа пхир наа интизаар менн ниинд аайэ умр бхар, аанека каа ва’даа кар гайе. – «Умр бўйи яъна ҳеч ҳам уйқу келмаслиги учун келаман, деб ваъда берибон кетди» (98).

Хулосалар: 1. Қисқача мунозара сифатида қилинган Мирзо Ғолиб «Девонининг» тилга оид хусусиятларининг морфологик ва лексик-синтактик таҳлили натижасида ҳозирги адабий тилига нисбатан муайян меёрдан чиқишлар намоён бўлади, биринчидан, замон тизимидаги баъзи шаклланиш ҳодисалари ва, иккинчидан, фразеологиянинг ясалиши ва синтактик даражада содда ва қўшма гап умумий тартибининг бузилиши, буларнинг ҳаммаси XIX асрдаги тилни анча ажратиб, унинг бутун тузилиш лойиҳасига маълум даражада ўзига хос қўриниш бахш этади.

2. Бу ўзига хос хусусиятларнинг сабаби кўпинча экстралингвистик, интралингвистик (тил ичидаги) ҳамда интерлингвистик (тиллар аро) омилларга тегишлидир. Жумладан, форс-тожик тили асосан лексик-синтактик жиҳатларда намоён бўлса, морфологик ўзгаришларнинг боиси тилнинг бир томондан ички ривожланишидан ва иккинчи томондан шеваларнинг адабий тилга ўтказган интенсив ва кучли таъсиридан ҳам маълум бўлади.

³ Қаранг [60а,15]

КҮРСАТКИЧЛАР

Асарда қўлланилган тилшунослик ва бошқа атамалар

А

абсолютив 3.3.
автономлик 3.1.
агглютинатив 3.1.
агглютинация 3.5
агенс 1.4.2.
агентлилик қаршиланиши 1.4.2.
адабий тил 1.1.
адресат 1.4.2.
адъектив 3.6.
аллитерация 1.1.
аллофон 4.1.
алмашинув (чередование) 3.2.
алоқа вазифалари 1.1.
алоқавий 4.3.
аккузатив 1.4.2.
актив даража (залоғ) 4.1.
активлик белгиси 1.4.2.
актив тип 1.4.2.
актуаллаштирувчи контекст 3.6.
аналитик морфология 1.3.
аналитик сўз 3.4.
аналогия қонуниятлари 3.4.
аниқ даража 4.1.
аниқловчи 4.1.
аниқланмиш 4.1.
аномалия 2.1.
антепенултим 3.4.
антирезис 3.1.
антонимия 3.6.
аорист 1.3.
аористик 4.1.
апикал 4.1.
араб алифбоси 1.1.
ареал (минтақа) тилшунослиги 2.1.;1.4.1.;1.3.;1.4.2.
артефакт 1.4.2.
артикл 4.1.
артикуляция 4.1.
аруз 3.4.
архаизм 3.3.
архаик 3.5.

архекалам 3.1.
асбоб (инструментал) маъноси 1.3.
асбоб-ускунавий 4.1.
асосий феъл 4.1.
ассимиляция 2.4.
атамашунослик 4.3.
атематик 3.4.
атовчи сўз 4.1.
атокли 4.2.
атрибутив 1.3.
аффикс 1.4.2.
аффиксация 3.5.
аффриката 1.3.
аҳд (намерительный) 4.1.

Б

баёнсимон сўз (слово-высказывание) 4.1.
байналмилал атама (интернационализм) 4.3.
балўч маданияти 2.4.
бевосита келишиқ (прямой падеж) 4.1.
бинар графемали просодия қаршилиқ 3.5.
биргалиқ келишиги (совместный падеж) 3.1.
бирикма 3.6.
бирламчи неғиз 3.4.
бир тилли (монолог) 3.2.2.
бир хил типдаги муһит ёки контекст (однородный контекст) 3.4.
болқон тил иттифоқи 1.4.1.
бош келишиги 4.1.
боғловчи 4.2.
боғловчи феъл (глагол-связка) 4.3.
брахмий алифбоси 2.3.
буйруқ майли 4.1.
бурун димоғли (носовой) товуш 3.5.; 4.1.
бхайшукхи алифбоси 2.1.
бўлинмас (нечленимое) сўз 3.4.
бўлғор қабилалари 2.3.
бўғин 4.1.

В

вазифавий (функциональный) 3.6.
вазифавий алмашув 1.1.
вазифавий доира (сфера) 1.1.
валентлик (валентность) 1.4.2.
варга 2.1.
вариант муносабатлар 3.4.
вибрант 1.3.
видеши 2.4.
волга-кама тил иттифоқи 1.4.1.
воситали (косвенный) 1.4.2.
воситали келишик 4.1.
воситасиз (прямой) 4.1.

Г

ганга-жамна маданияти 2.4.
гап эгаси 4.1.
генеалогик 3.2.
генетик 2.3.; 3.2.
гетероорган (гетероорганний) 4.1.
гибрид 3.5.
гипермураккаб (гиперсложный) 4.1.
гипостазис 3.4.
глоссематика 4.3.
гоморган (гоморганний) 4.1.
грамматик категория 4.1.
грамматик маъно 3.1.
граммема 4.1.
графема 3.4.
графемалар вариантланиши 3.4.
графема кобиқлари (графемная оболочка) 3.4.
графемали тебраниш (колебание графем) 3.4.
график 3.4.
гуттурал 4.1.

Д

давлат тили 1.3.
давомли бажо келтириш 4.1.
давомлик (длительность) 4.1.
давом-прогрессив тус (длительно-прогрессивный вид) 4.1.
деванагарий 3.2.
дейктик 4.2.
деканча (деканский) тип 3.4.

дентал 1.3.
дериват 3.6; 4.3.
деривацион (деривационный) 3.4.
деривацион-семантик 3.4.
деривация 3.4.
десемантизация 4.3.
детерминатив кўшма сўз 3.4.
детерминатор 3.4.
дефектли бўлинувчи (дефектно членный) 3.4.
диасистема 3.2.
диахроник 1.4.2.
дивергенция 3.2.
диглоссия 3.2.
динамик 4.1.
дифтонг 3.5.
дифтонгиал (дифтонгли) 4.1.
дифференциал 3.4.
доминанта 1.4.2.
донор бўлган тил (язык-донор) 3.5.

Е, Ё

ёзма-адабий услуб (письменно-литературный стиль) 4.3.
ёзувсиз тиллар (бесписьменные языки) 1.3.
ёйик аниқловчи 4.3.
ёш грамматикачилар (младограмматики) 3.2.

Ж

жанубий Һиндистоний (дакһиний) 3.5.
жарангли 4.1.
жарангсиз 4.1.
жарангсизланиш (оглушение) 3.4.
жонлик/жонсизлик (одушевлённость/неодушевлённость) 4.1.
жонлик категорияси 1.4.1.
жуфт вариантланиш 3.4.
жуналиш келишиги 4.1.

З

замон категорияси 4.1.

И, Й

идеографик классификация 3.6.
иерархия 3.2.
иероглифлар 2.1.
изоляция 2.1.
изоморф 3.3.
изофат бирикма 3.6.
иккиламчи негиз (вторичная основа) 3.4.
иккиламчи товуш белгиси 3.5.
иккиланган товуш (удвоенный звук) 3.5.
иккилик (двойственное число) 1.3.
икки тилли (двуязычный, билингв) 3.2.
икки тиллилик (билингвизм) 1.1.; 1.4.2.
имкон майли (желательное наклонение) 4.1.
имловий 3.4.
имплицит (имплицитный) 4.3.
импловиз товуш 1.3.
инактив тип 1.4.2.
инвариант 4.3.
инволитив-аффектив 1.4.2.
индивидуал-муаллифлик синоним (индивидуально-авторский синоним) 3.4.
индивидуал-муаллифлик тип 3.4.
индукция 3.6.
инклюзив 1.4.1.
инновация 3.4.
интенсив 4.1.
интенсив бажо келтириш 4.1.
интервокал 3.5.
интерлингвистик 3.7.
интралингвистик 3.7.
интерпретация 3.1.
интерференция 1.1.
интуитив 4.1.
инъюнктив 3.1.
истак майли (сослагательное наклонение) 4.1.
ифода плани (план выражения) 1.4.2., 4.1.

иш-ҳаракатнинг ўз ҳадиға етиш категорияси (категория предельности) 4.1.
иш-ҳаракат ўтиш йўли категорияси (категория способа действия) 4.1.
йўналтирилган давомли бажо келтириш (ориентированно-длительная совершаемость) 4.1.

К

кавказ фонологик тил иттифоқи 1.4.1.
калька 4.2.
калькалаш 4.1.; 4.3.
камбўғинлик (малосложность) 1.1.
катхлар қабиласи 2.2.
каузатив 4.1.
келишик категорияси 4.1.
кенг морфология 1.4.2.
кесим 4.1.
киришма (вхождение) 3.4.
киришмасимон 3.4.
кириш сўзи (вводное слово) 3.4.
кичик континент (субконтинент) 2.3.
кичик синтаксис 1.4.1.
кичик тизим (подсистема) 4.3.
кичик тил (подязык) 4.3.
кичик тип (подтип) 3.4.
классик миллий тил 1.1.
классификатор 4.1.
койне 3.4.
комбинатор (-ный) 4.1.
комплетив 4.1.
конвергент (-ный) 3.4.
конвергенция 1.1.; 2.4.
консонантли 3.5.
контактли омил (контактный фактор) 1.4.2.
контаминация 3.4.
контенсив типология 1.4.2.
копулятив қўшма сўз 3.4.
космогоник 3.1.
космогония 3.1.
креоллашган тил 3.2.
қўмакчи феъл 4.1.
қўникиш (приспособление) 3.4.
қўп бўғинлилик (многосложность) 1.1.

кўп маротабали бажо келтириш (многократная совершаемость) 4.1.
кўп тилли (полилингв) 3.2.
кхароштий алифбоси 2.3.

Л

лабиал 4.1.
лабли-тишли 4.1.
латерал 1.3.
лексема 3.6.
лексик-грамматик 4.2.
лексик маъно 4.1.
лексик-семантик гуруҳ 3.6.
лексико-семантик вариант 3.6.
лексик-семантик парадигма 3.4.
лексик-семантик табақа 3.4.
лексик-семантик тизим 3.4.
лексик-синтактик 4.1.
лексик таркиб 3.4.
лепча алифбоси 1.3.
лигатура 1.3.
лингва франка 3.2.
лингвистик жуғрофия 3.2.
лингвистик метод 2.1.
лингвоним 4.3.
лисоний вариантланиш 3.2.
локал (-ьный) 3.2.
локализм 4.3.
лотин ёзуви 1.1.

М

мажозий кўчириш (метафорический перенос) 3.4.
мажҳул 4.1.
мазмун плани 1.4.2.
майл категорияси 4.1.
мантӣкий бўлиниш (логическое членение) 4.3.
марказий товуш 4.1.
маркёр 1.4.2.
маркёрлар контаминацияси 1.4.2.
матний 4.3.
матншунослик 3.4.
маънолар кутблаштирилиши (поляризация значений) 3.4.
метатеза 3.4.
метатил 4.3.

метафоризация 3.4.
микроареал (микроминтака) 1.4.1.
микромавзу 3.6.
микропарадигма 3.4.
микротизим 3.6.
модал 4.1.
модаллик 4.1.
монофтонгиал (монофтонгли) 4.1.
морфа 3.4.
морфема 3.1.
морфемали нуль 3.4.
морфемика 3.4.
морфологик 3.5.
морфологик ва сўз ясалиш мослашуви 3.4.
морфологик табақа 3.4.
морфологик-деривацион 3.5.
морфологизация 3.4.
морфонологик кушилиш (морфологическое наращение) 3.4.
мослашув белгиси (адаптационный признак) 3.4.
муаннас 1.3.; 4.1.
музаккар 4.1.
мураккаб тус (сложный вид) 4.1.
муружаат келишиги (звательный падеж) 4.1.
«мусулмон» лексикаси 3.6.

Н

назал (бурун-димоғли) 3.5.
назализация 4.1.
намунавий (типовой) келишик 1.4.2.
олд қатор 4.1.
натижадорлик (результативность) 4.1.
натижали тус (результативный вид) 4.1.
нафасли (придыхательный) 4.1.
нафассиз (непридыхательный) 4.1.
нейтрал 4.1.
нейтрал тип 1.4.2.
нейтрал тус (нейтральный вид) 4.1.
нисбат 4.1.
ноактивлик 1.4.2.
ноаник-шахсли (неопределённо-личный) 4.3.

ноқўмакчи морфема (неслужебная морфема) 3.4.
 номенклатура 4.3.
 номенклатурали 4.3.
 номинатив 4.2.
 номинатив тип 1.4.2.
 ноназал 3.5.
 нопредикатив 4.1.
 нормаллашган 2.1.
 нормаллашмаган 2.1.
 нормаллаштириш 1.1.
 нокардош (неродственный) 1.1.
 ноль кўрсаткичи 1.4.2.
 нумератив 4.2.
 нутқ вазияти (речевая ситуация) 3.4.
 нутқ лаҳзаси (момент речи) 4.1.
 нутқ маданияти 1.1.
 нуфузли тил 1.1.

О

объектли 1.3.
 овруосиё тил иттифоқи (евро- азиатский языковой союз) 1.4.1.
 одатдагилик (обычность) 4.1.
 олмош 4.1.
 омография 3.6.
 омонимия 3.5.
 омоформ 1.4.2.
 она тил 1.1.
 оппозиция 3.1.
 орфографик 4.1.
 орфоэпик 4.3.
 орқа кўмакчи (послелог) 2.4.;3.7.
 орқа катор 4.1.
 отдош 3.3.
 отлик грамматик категория 1.4.2.
 очиклик /ёпиқлик (открытость/закрытость) 1.3.
 оқ ҳунналар кабиласи 2.2.
 оғзаки сўзлашув луғавий қатлам (устно-разговорный лексический пласт) 3.4.
 оҳанг (интонация) 1.4.1.; 4.1.

П

парадигматик 3.6.
 парадигматика 3.4.

парадигма тўлдирилиши (наполнение парадигмы) 3.4.
 пастки 1.3.;4.1.
 пастки-ўртанча 1.3.; 4.1.
 пациенс тушунчаси 1.4.2.
 периферия 3.4.
 перифериялик 4.1.
 перфект 4.1.
 полиграмма 3.1.
 полисемия 3.6.
 полисемантик 1.4.2.
 полифункционал 1.4.2.
 портловчи 4.1.
 потенциал 4.1.
 предикат 4.3.
 предикативлик категорияси 4.1.
 препозиция 3.1.
 прогрессив бажо келтириш (прогрессивная совершаемость) 4.1.
 просодик параметр 3.4.
 просодия 3.4.
 прототип 3.6.
 протоһинд (энг қадимий Һинд) 3.1.
 процессив замон (процессивное время) 4.1.
 пуризм 1.1.
 палаталлик 4.1.
 пуристик 4.2.
 палеография 2.1.
 перфект маъноли феъл 4.1.
 плюсквамперфект 4.1.
 позицион-статистик 3.1.
 позиция 4.1.

Р

равиш 4.1.
 расмий иш бошқарув доира (сфера официального делопроизводства) 1.1.
 расмий (официал) тиллар 1.3.
 регионализм 4.3.
 регуляр парадигма 3.4.
 редупликация 1.3.
 резонанс 4.1.
 релевант 3.5.
 реляцион маъно 3.4.
 референт 3.1.

реципиент валентлик (реципиентная валентность) 1.4.2.
ритмика 4.1.
риторика 1.3.
руник алифбо 2.3.
рўйхатга олинган қабилалар (списочные племена) 1.3.

С

спирантизация 4.1.
сака (шака) қабилалари 2.3.
спонтан (эркин) 4.1.
сандхий 3.5.
статив тип 1.4.2.
санскритизм 3.5.
стеатит (модда номи) 3.1.
санскритлашув (-тириш) 3.2.
стратификация 3.6; 4.2.
сварабхакти 3.4.
структурал-статистик 2.4.
сегментли (-ный) 4.1.
структурал-морфологик белги 3.4.
сема 3.6.
структурал типология 3.4.
семантик майдон (семантической поле) 3.6.
субординация категорияси 1.3.
семантик дифференциация 1.1.
субстантив (-ный) 3.6.
семантик параметр 3.6.
субстантивация 3.4.
семантик силжиш 1.1.
субъект 4.3.
семантик синкретизм 3.5.
субъект-объект муносабатлари 3.4.
семантик-синтактик 4.1.
субьюнктив 3.1.
семантик таркиб 3.6.
суперморф 3.4.
семантик текислаш (выравнивание) 3.4.
суперсегментли 4.1.
семасиологик 3.5.
суперстрат 2.3.
синоним жуфтлик 1.1.; 3.6.
супин 1.3.

синонимик боғланиш (синонимическая связь) 3.4.
суффикслаш 3.4.
синонимия 3.6.
сўз 4.1.
синонимик қатор 3.6.
сўз синфлаштирувчи (словоклассифицирующий) 4.1.
синтагматик 3.6.
сўз ясашиш табақаси 2.1.
синтагматика 3.4.
сўз яшаш моделлари 1.1.
синтез 3.1.
сўзнинг маъно таркиби (смысловая структура слова) 3.4.
синтетик сўз 3.4.
сўз ўзгарттирувчи (словоизменительный) 4.1.
синфли тип 1.4.2.
синхрон(ик) 3.5.
сирғалувчи ундош 3.2.
сон категорияси 4.1.
социоллингвистик 3.2.

Т

тадбхава 3.5.
такрорийлик (неоднократность) 4.1.
тарихий грамматика 4.1.
тарихий диасистема 3.2.
тарихий луғатшунослик 3.4.
тарихий морфология 3.4.
туб сўз (исконное слово) 3.4.
тарихий реконструкция 3.2.
тугалланганлик (законченность) 4.1.
тарихий семасиология 3.5.
тугалланган тус (совершенный вид) 4.1.
тарихий тилшунослик 3.2.
тугалланмаган тус (несовершенный вид) 4.1.
тарихий фонетика 3.4.
турланмайдиган 4.1.
таркибий-семантик 3.4.
турланувчи 4.1.
таксономия 4.1.
турлаш 1.4.2.

татсама 3.5.
 турушка кабиласи 2.2.
 таянч ўзлашма (опорное
 заимствование) 3.4.
 турғунлик 4.1.
 таклид сўз 4.1.
 тус категорияси (категория вида) 4.1.
 тезис 3.1.
 тус оғанги (видовой оттенок) 4.1.
 тематик (тематический) 3.4.
 тусланувчи 4.1.
 теоним 3.1.
 тусланмайдиган 4.1.
 терминологизация 3.4.
 тўлдирувчи 4.1.
 тизимлик/тизимсизлик белгиси
 (системность/несистемность) 3.4.
 тил вазияти 4.2.
 тил варианты 3.2.
 тил жамоаси 3.2.
 тил контактлари 3.2.
 тил оиласи 1.3.
 тил сиёсати 4.2.
 тилчали товуш 4.1.
 типлаштириш 3.4.
 типология 1.4.2.
 титровчи товуш 4.1.
 тор морфология 1.4.2.
 топоним 1.
 транслитерация 4.3.
 трансформация 3.5
 трифтонг (уч товушлик) 1.3.

У

увуляр ундош 4.1.
 удунпур алифбоси 2.1.
 узлукли бажо келтириш
 (курсивно-эксклюзивная совершае-
 мость) 4.1.
 узлуксизлик (непрерывность) 4.1.
 умумдравид тил бирлиги 3.1.
 умумий (нейтрал) тус 4.1.
 умумий сема 3.4.
 умум лингвистик 4.3.
 умум пассив даража 4.1.
 умум ҳиндча тип 3.4.

ундош 4.1.
 ундош гуруҳлар соддалашуви (упро-
 щение групп согласных) 3.4.
 урғу 3.5.
 муסיкавий урғу 3.5.
 экспиратор урғу 3.5.
 урғули 4.1.
 урғусиз 4.1.
 устки 4.1.
 устки-ўртанча 4.1.

Ф

фактитивлик қаршиланиш 1.4.2.
 фактологик 4.8.
 фарингал товуш 4.1.
 феълли грамматик категория 1.4.2.
 флектив 4.1.
 флектив-агглютинатив усул 3.4.
 фольклор 3.1.
 фонема 4.1.
 фонестема 1.3.
 фонографик мослашув 3.4.
 фонетик 3.5.
 фономорфологик 3.4.
 фонология 2.1.
 фономорфологик трансформация 3.4.
 фонотактик 1.1.
 формал-логик 4.3.
 формал типология 1.4.2.
 формант 3.4.
 форсча тип 3.4.
 фразеологизм 3.5.
 фразеология 3.4.
 фузия 3.5.
 функционал типология 1.4.2.

Х

химолай тил иттифоки 1.4.1.
 хронологик 3.1.

Ц

церебрал 4.1.

Ч

чиқиш келишиги 3.1.
 чўзик унли 4.1.
 чўзиклик 4.1.

Ш

шак-шубха майли (наклонение сомнения) 4.1.
шарт майли 1.3.
шарада алифбоси 1.3.
шартсиз бўлинувчи (безусловно-членимый) флексия 3.5.
шахс категорияси 4.1.
шахсли 4.1.
шахслилик категорияси (категория персональности) 1.4.1.
шахсиз (безличный) 4.1.
шахсиз-пассив даража (безлично-пассивный залог) 4.1.
